

БОЗОР ТУРДИБОЕВ

**ИЖТИМОЙ-ТАРИХИЙ
ЯХЛИТЛИК ВА ЖАРАЁНЛАРНИ
ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ
БИЛИШНИНГ ЎЗИГА
ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**



Бозор ТУРДИБОЕВ

**ИЖТИМОЙ-ТАРИХИЙ ЯХЛИТЛИК ВА
ЖАРАЁНЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ
БИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Тошкент
«EXTREMUM PRESS»
2011

УДК: 316(575.1)
1(575.1)

60.5

T88

Турдибоев, Бозор.

Ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларни ижтимоий-фалсафий билишнинг ўзига хос хусусиятлари / Б. Турдибоев; масъул муҳаррирлар фалсафа фанлари доктори, профессор Ш. Б. Саматов, фалсафа фанлари доктори, профессор Б. Алиев. - Т. : Extremum press, 2011. 148 б.

Масъул муҳаррирлар: фалсафа фанлари доктори,
проф. Ш. Б. САМАТОВ,
фалсафа фанлари доктори,
проф. Б. АЛИЕВ.

Тақризчилар: фалсафа фанлари доктори,
профессор Д. Т. НОРҚУЛОВ
фалсафа фанлари номзоди,
доцент Н.БЕРДИЕВ.

Китобда ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларни ижтимоий-фалсафий билишнинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг корреляцион — функционал ва субстанционал заминлари, ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг табиий заминлари ва уларнинг цивилизацияларда намоён бўлишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ташаббуси билан боғлиқ ҳолда шаклланаётган тарихни диалектик маданий тушуниш ва унинг пировард мақсади — цивилизацияон ёндашиш доирасида таҳлил қилинди.

Мазкур китоб ижтимоий фалсафа масалалари билан қизиқувчилар учун мўлжалланган.

ISBN 978-9943-356-21-4

© «EXTREMUM PRESS»
нашриёти, 2011 й.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|-----------|
| Кириш..... | 2 |
| I БОБ. Ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларни ижтимоий - фалсафий билишнинг ўзига хос хусусиятлари | 18 |
| 1.1. Ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларни ижтимоий-фалсафий билишнинг маъно-мазмуни ва устувор йўналишларининг ўрин алмашинуви | 18 |

1.2. Ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларни ижтимоий-фалсафий билишнинг ижтимоий воқеликни тушуниш ва дунёқарашларга боғлиқлиги қонуниятлари35

II БОБ. Ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг корреляцион-функционал ва субстанционал заминлари56

2.1. Ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг корреляцион-функционал заминлари56

2.2. Ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг субстанционал заминлари75

2.3. Ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг корреляцион-функционал ва субстанционал заминларининг ўзаро муносабатлари96

III БОБ. Ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг табиий заминлари ва цивилизацияларда намоён бўлишлари104

3.1. Ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг табиий заминлари.....104

3.2.Цивилизациялар ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг намоён бўлиш шакллари сифатида118

3.3. Мустақил мамлакат-Ўзбекистон цивилизация сифатида128

Хулоса139

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати146

КИРИШ

Хур ва озод яшаш барча мамлакатлар қатори Марказий Осиё ва Ўзбекистон халқларининг ҳам азалий эзгу орзуси бўлиб келган. Чунки улар 130 йилга яқин тарихий давр ичида аввал чор самодержавиясининг, сўнгра шўро тоталитар тузумининг исқанжасида бўлди. 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикаси собиқ тоталитар тузумдан озод бўлиб, ўзининг

мустақил тараққиёт йўлини танлади. «Барқарор бозор иқтисодиёти, – дейди Юртбошимиз И.А.Каримов, – очиқ ташқи сиёсатга асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш пировард мақсад бўлиб қолиши керак. Шундай жамиятгина Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, унинг ҳуқуқлари ва эркинлигини кафолатлаши, миллий анъаналар ва маданият қайта тикланишини, шахс сифатида инсоннинг маънавий-ахлоқий камол топишини таъминлаши мумкин».¹ Демак, Ўзбекистон Республикаси ўзининг бор бутунлиги – яхлитлиги ва ўзига хос жараёнларига эга мустақил жамият сифатида жаҳон ҳамжамияти тизимида пайдо бўлди. «Мамлакатимиз тупроғида яшаб турган ва ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир киши – дейди И.А.Каримов,– унинг яхлитлиги ва бирлигини асраб-авайлаши шарт».²

XX асрнинг 90-йилларида Европа мамлакатларидан ўн иккитаси, собиқ СССРдан ўн бешта республика собиқ социалистик тизимдан чиқиб, ўз мустақилликларини тинч йўл билан белгиладилар. Мустақиллик эркинлик - муқаддас нарса. Аммо у осонлик билан қўлга киритилмайди ва сақлаб қолинмайди. Бу мамлакатларда ҳам нормал жараёнларга таҳдид солувчи ўзига хос муаммолар, жараёнлар келиб чиқади.

Маълумки, табиат қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги даврларда юзага келган цивилизациялар ва уларнинг ижтимоий-тарихий яхлитлиги ва жараёнларининг объектив заминидир. Табиий шароит таъсирида ижтимоий фаолият турлари шаклланган. Демак, табиат ва инсон ўзаро муайян қонунлар асосида муносабатда бўлишининг бузилиши жамиятнинг бир бутунлиги, ижтимоий-тарихий яхлитлик ва унинг жараёнларининг нормал ривожланишларига салбий таъсир этади. Ижтимоий-тарихий яхлитликни сақлаб қолиш эса жамиятнинг нормал ривожланишининг муҳим омилидир.

Жамият маданий борлиқ негизида юз берадиган ўзига хос тараққиёт қонунларига бўйсунган ҳолда ривожланса-да, ҳар бир халқ ўзининг тарихий

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 1992. – Б.8-9.

² Ўша ерда. – Б.23.

тажрибаси, ўзига хос маданияти ва анъаналари орқали умумий ривожланиш қонуниятларини бойитади. Инглиз олими А.Гойнбининг фикрига кўра, «цивилизациянинг ички моҳияти, руҳиятини маданий омиллар ташкил этади». Демак, ижтимоий ҳодисаларни тарихни диалектик - маданий ёндашиш асосида ёритилган корреляцион-функционал, субстанционал қонунлардан ҳам ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларни излаб кўриш ҳамда таҳлил этиш заруриятини тақозо этади.

Маълумки, Ўзбекистон собиқ СССР таркибидаги ҳудуд ҳисобланар эди. Аммо унинг ҳам бошқа иттифоқдош республикалардан фарқ қилувчи ўзига хос жиҳатлари, жараёнлари мавжуд эди. Мустақил Ўзбекистон Республикаси эса унга нисбатан инкорни – инкор қонуни асосида қарор топди. Ўзбекистон Республикаси мустақил экан, демак, у яхлит мамлакат ҳисобланади. Аммо мустақилликни – ижтимоий-тарихий яхлитликни абсолют маънода тушунмаслик керак, балки сиёсий-ҳуқуқий маънода – ўз тақдирини ўзи ҳал қилиши маъносида, бошқа мамлакатлар билан тенглик муносабатлари маъносида эътироф этмоқ керак. Чунки Ўзбекистон Республикаси ҳам жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосидир ва унинг бир қисмидир.

Муайян методология негизида дунёқарашнинг яхлитлиги келиб чиқади. Дунёқараш яхлитлиги эса ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларни билишнинг ғоявий манбаи бўлиб хизмат қилади.

Мазкур китобда ижтимоий-тарихий яхлитлик жараёнлари ва унинг хусусиятлари анализ қилинган.

І БОБ. ИЖТИМОЙ–ТАРИХИЙ ЯХЛИТЛИК ВА ЖАРАЁНЛАРНИ ИЖТИМОЙ–ФАЛСАФИЙ БИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**1.1. Ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларни ижтимоий-
фалсафий билишнинг маъно – мазмуни ва устивор
йўналишларининг ўрин алмашинуви**

Маълумки, фалсафа фан сифатида табиат, жамият ва инсон тафаккурининг умумий қонунларини ўрганеди.¹ Ижтимоий фалсафа эса жамият мавжудлиги ва ривожланишининг умумий қонунлари ва ҳаракатлантирувчи кучлари ҳақидаги фандир. Жамиятнинг тарихий яхлитлиги ва жараёнларини умумижтимоий қонунларни, янги ижтимоий фалсафанинг предметини билмасдан туриб ойдинлаштириб бўлмайди. Чунки бир бутунлик–яхлитлик ўзаро боғланишларсиз юз бермайди. Ўзаро боғланишларнинг ўзак қисмини эса асосий, зарурий, такрорланиб турадиган, яъни барқарор ва бошқа жараёнлар, йўналишларни белгилаб келадиган боғланишлар, яъни қонунлар ташкил этади. Бу хусусиятлар умумижтимоий қонунларга хосдир. Аммо бу ҳақда кейинги вақтларда нашр этилган бир қатор ўқув қўлланмаларида лом-лим дейилмаган. Жумладан, 1995 йилда Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида нашр этилган ўқув қўлланмасида «жамият мураккаб, ривожланиб борувчи, яхлит, бир бутун тизимдир»² дейилган. Унда шундай савол туғилади: хўш, жамият бир бутун яхлит тизим экан, унинг ўзига хос умумий қонунлари бўлиши керак-ку?! Ёки мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича республика мувофиқлаштириш комиссияси тавсия этган «Фалсафа: маърузалар матни»да «инсоннинг онгли фаолияти ижтимоий муносабатлар мажмуидан иборат, у муносабатларнинг энг умумий қонуниятларини ўрганувчи фалсафий билимлар ўз тарихига эга»³, дейилган. Ёки ушбу маърузалар матнининг «Жамият фалсафаси» мавзусида ижтимоий

¹ Қаранг: Фалсафа: (Ўқув қўлланма). – Т.: «Бехзод», 1995. 297-бет.

² Фалсафадан ваъз матнлари (ўқув-услубий қўлланма). – Т.: «Шарқ», 1999. 18-бет.

³ Фалсафа: маъруза матнлари. – Т.: ЎАЖБНТ маркази, 2000. 41–42 —бетлар.

фалсафанинг предмети ҳақида бирон-бир фикр айтилмаган.¹ Боз устига «Жамият фалсафаси» мавзуси «Инсон фалсафаси» мавзусидан кейин қўйилган. Ҳолбуки, жамият фалсафасида асосий эътибор жамиятнинг «анатомик» тузилишига ва бу ҳақдаги таълимот –ижтимоий онтологияга қаратилиши керак-ку?! Инсон тўғрисидаги фалсафий таълимот «Жамият фалсафаси»дан кейин келиши керак ёки ушбу жамиятнинг таркибий қисми сифатида ифодаланиши керак.

Эътиборни 1999 йилда «Шарқ» нашриётида чоп этилган фалсафа фанига оид ўқув қўлланмаларидан бирига қаратайлик. «Фалсафий билимлар доираси жуда кенг бўлиб, уларнинг таркибига қуйидагилар қиради: а) онтология – борлиқ ҳақида қарашлар; б) социология – жамият ҳақидаги қарашлар; в) гносеология – борлиқни билиш муаммолари; г) логика – инсон тафаккури қонунлари ҳақидаги қарашлар тизимларидир. Шунингдек, ахлоқийлик ва гўзаллик ҳақидаги билимлар тизимини ўз ичига оладиган этика ва эстетика ҳам фалсафий билимлар қаторига қиради»², дейилади унда. Ахир, фалсафий билимлар доирасига оид ушбу фикрлар фалсафа фани билан қандай қилиб тугал фалсафий дунёқарашга эга бўлмасдан, ижтимоий – тарихий яхлитлик ва ундаги жараёнлар тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш мумкин?! Фалсафа фани мавжуд бўлиб, у бутун борлиқнинг умумий қонунларини ўрганеди. Унинг биринчи таркибий қисми фалсафий онтология бўлиб, унда борлиқнинг умумий манзараси ҳосил қилинади. «Борлиқ», «материя», «онг», «ҳаракат», «макон», «замон», «инъикос» каби тушунчалар фалсафий онтологиянинг асосий категориялари ҳисобланади. Борлиқ доимо ўзгаришда, жумладан, унинг муайян қисми, масалан ижтимоий борлиқ, жамият айни вақтда ривожланишда. Борлиқнинг умумий алоқадорликлари ва ривожланиши тўғрисидаги таълимот эса «диалектика» деб юритилади. Ушбу ўқув қўлланмасининг тўртинчи бўлимида «умумий алоқадорлик, боғлиқлик ва ривожланишнинг фалсафий муаммолари» тўғрисида фикр юритилган,

¹ Ўша ерда, 237 –бет.

² Фалсафа: (ўқув қўлланма). – Т.: «Шарқ», 1999. 18-бет.

аммо «диалектика» ёки «тараққиёт фалсафаси» фалсафанинг таркибий қисми сифатида қайд этилмаган. Хўш, умумий алоқадорликларсиз жамиятнинг яхлитлиги тўғрисида илмий фикр юритиш мумкин-ми?!

Диалектиканинг асосий қонунлари ва категориялари бир бутун ҳолида фалсафанинг навбатдаги таркибий қисми «Диалектика– умумий алоқадорлик ва тараққиёт тўғрисидаги таълимот» ни ҳосил қилади.

Фалсафа фанининг учинчи таркибий қисми гносеология, яъни «билиш назарияси» деб юритилади.

Агар борлик, яъни табиат, жамият ва тафаккурнинг умумий қонунлари тўғрисидаги фан бўлган фалсафани шартли равишда «биринчи тартибдаги фалсафа» десак, «иккинчи тартибдаги фалсафа» ижтимоий фалсафа фанидир. Ижтимоий фалсафа айни вақтда социологик фандир. У социология фанидан жамиятнинг энг умумий қонунларини ўрганиши билан фарқ қилади. «Жамиятнинг фалсафий талқини кўп қирралидир, -дейлади юқорида эслатилган ўқув қўлланмасида, -жамиятни сифат муайянлигига эга бўлган яхлитлик тарзида қараш бундай талқиннинг марказида туради. ...Ижтимоий муносабатлар бирликда олинганида ижтимоий борлиқнинг аниқ тарихий шаклини ифодалайди. Ижтимоий борлиқнинг мазмуни эса кишилар ҳаёти жараёнларидан иборатдир. Бу жараёнларнинг асосий томонини жамият моддий, маънавий ҳаёти ташкил этади. Уларнинг бошқа томони эса ана шу моддий ва маънавий ҳаётни таъминлаш усулининг мавжудлиги ва ҳаракатини ифодалайдиган ижтимоий жараёнлардир».¹

Ўқув қўлланмасида ижтимоий фалсафа фанига оид бундай қимматли фикрлар айтилса-да, унинг алоҳида фалсафа фани эканлиги айтилмаган. Жамият бир бутун яхлит тизим экан, уни асослаш учун умумижтимоий қонунлар – боғланишлар тўғрисидаги фан бўлган ижтимоий фалсафа зарурдир.?!

Ўқув қўлланмасида «ижтимоий борлик», «ижтимоий муносабат», «ижтимоий алоқа», «ижтимоий онг», «ижтимоий ишлаб чиқариш», «ижтимоий

¹ Ўша ерда, 254 – бет.

жараён», «объектив ижтимоий шароит», «субъектив омил», «тарихий конуният», «цивилизация», «маданият», «кадрият», «манфаат», «шахс», «оилад», «турмуш» ва ҳоказо тушунчалар жамиятни яхлит ижтимоий организм сифатида ифодалайди»¹, деган кулгили ҳолатни ҳам учратасиз. Бунда ижтимоий фалсафанинг бир қатор категориялари берилмоқда, аммо у алоҳида фан сифатида эътироф этилмаган.

Собиқ СССР даврида ижтимоий фалсафанинг тарихий шаклларида бири – тарихий материализм ўқитилар эди. Тарихий материализмда ўргатилган «умумсоциологик» қонунлар тўғрисидаги қарашларнинг бугунги кунга келиб чекланганлиги маълум бўлиб қолди. Аммо бу ҳолат жамиятнинг умумий алоқадорликлари – қонунлари мавжуд эмас, деган маънони бермайди. Унинг яхлитлигини шакллантирувчи корреляцион – функционал ва субстанционал қонунлар ҳам мавжуд. Демак, ижтимоий фалсафа фанининг предмети мавжуддир. Усиз ижтимоий–тарихий яхлитлик ва жараёнлар тўғрисида фикр юритиб бўлмайди. Аммо бунинг учун ижтимоий воқеликни тушунишни ўзгартириш керак. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз И.А.Каримов «Тафаккурнинг мафкуравий ақидаларидан (яъни коммунистик идеология асосларидан. Т.Б.) холи бўлган, ҳар бир мамлакатнинг ва бутун жаҳон маърифатпарварлигининг сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтиши шакллари ва йўлларнинг хилма-хиллигини кўрсатиб берадиган янги тури ва услубини яратиш зарурати туғилди», деган эди.² Бу ҳақда ушбу бобнинг 2–параграфида фикр юритилади. Қўшимча равишда юқорида фалсафий билимлар доираси тўғрисидаги фикрларни ойдинлаштириш мақсадида қуйидагиларни билдираемиз: табиатшунослик фалсафаси ва мантиқ фанлари ижтимоий фалсафа сингари иккинчи тартибдаги фалсафа ёки фалсафий фанлардир. Этика (ахлоқ фалсафаси), эстетика (нафосат фалсафаси), диншунослик, сиёсат фалсафаси, ҳуқуқ фалсафаси фанлари ижтимоий

¹ Ўша ерда, 253 – бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 1993. 4-бет.

фалсафанинг у ёки бу тармоқларини алоҳида ўзига хос бир бутунлик – яхлитлик сифатида ўз қонунлари билан ўрганадиган фалсафий фанлардир.

«Ўзбекистон» нашриётида рус тилида чоп этилган ўқув қўлланмасида «ижтимоий фалсафа жамиятни яхлит тизимлигида, яъни шундай интеграл ташкиллашганликда олиб ўрганадики, унинг ташкил этувчи элементларини шунчаки механик тўпламга киритиш мумкин эмас»¹ дейилган. Ижтимоий фалсафанинг предметига оид ушбу тавсия бўйича ҳам худди юқоридаги эътирозли саволлар туғилади.

Фалсафа бўйича ўзбек тилида чоп этилган қомусий луғатни ҳам олиб кўрайлик. Унда «ижтимоий фалсафа ижтимоий ҳаётни яхлит бир бутун ходиса сифатида ўрганади»², дейилган. Аммо жамиятни яхлит бир бутун тизим сифатида юзага келтирувчи қонунлар, ижтимоий фалсафа ўрганадиган умумижтимоий қонунлар тўғрисида биронта жўяли фикрни учратмайсиз. Ижтимоий фалсафанинг предметини ойдинлаштиришга оид худди шундай чекланишларни Россияда нашр этилган ўқув қўлланмаларида ҳам учратамиз. «Ижтимоий фалсафа, – дейди В.Ф.Шаповалов, – фалсафий билимлар қисми бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг энг умумий тавсифини ўрганади.»³ Тўғри, ижтимоий фалсафада жамиятнинг таркибий қисмларининг тавсифи ўрганилади. Аммо ҳар қандай ўқув курси фан даражасига чиқиши учун ўз объектининг қонуниятларини ўрганиши керак. Бусиз ҳар қандай фан ўз предметининг яхлит манзарасини бера олмайди.

Бизнинг тадқиқот мавзумиз объекти бўлиб, жамиятнинг тарихан яхлитлиги ва унга хос жараёнларнинг моҳияти, уларнинг манбаи ҳисобланади. Бу изланиш ижтимоий фалсафанинг предметини ойдинлаштиришни тақозо этади. Ижтимоий фалсафанинг предметини **ойдинлаштириш эса кўп жиҳатдан ижтимоий ҳодисаларни тушунишга боғлиқдир. Бу масала айни вақтда билиш масаласи ҳамдир.**

¹ Основы философии: Учебник пособие для студентов высших учебных заведений. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – С.339.

² Фалсафа: Қомусий луғат. – Т.: «Шарқ», 2004. 152-бет.

³ Шаповалов В.Ф. Основы философии. От классики к современности. – М.: ФАИР-ПРЕСС, 2001. – С.39.

Илмий адабиётларда билиш назарияси масалаларида «билиш» ёки «илмий билиш», «ижтимоий билиш» ёки «ижтимоий-тарихий билиш», «жамиятни яхлитликда таҳлил этиш», «тарихий жараёнларнинг таҳлили», «қадриятли ёндашиш» каби терминлардан фойдаланилганлигини кўрамиз.¹ Шунингдек, ҳар бир фан назариялар тизимида ўзига хос билиш экан, уларга оид дарслик, ўқув қўлланмаларида ўзига хос билиш, масалан, «ҳуқуқий билиш», «тарихий билиш», «бадий билиш», «табiiй-илмий билиш» каби турлари мавжудликларини кўрамиз.

Фалсафанинг бош масаласининг қандай талқин қилинишига қараб, фалсафа тарихида материализм ва идеализм, агностицизм каби оқимлар келиб чиққан. Натижада ижтимоий ҳодисалар ва тарихни тушунтиришда ҳам маънавият ёки моддийликнинг ролини муболағалаштириш ёки унга етарли аҳамият бермаслик йўналишлари юз берди-ки, бу жамият тарихини бир бутун яхлит ҳолида, ундаги ички жараёнларни билишга ҳам халақит берар эди. «Ватан тарихшунослигида, - деб ёзади В.Н.Сиров, - қабул қилинган бешта ижтимоий-иқтисодий формация назарияси кўплаб фактларни, хусусан, Европа бўлмаган жамиятлар тарихида, қониқарли тушунтириш ҳолатини бермайди.»² Шунинг учун В.Н.Сиров қадриятлиликка олиб боровчи билимларни инсонпарварлаштириш тамойилини илгари суради. Мазкур ёндашиш, яъни жамият тарихига – унинг яхлитлиги ва жараёнларига қадриятли ёндашишни тадқиқотчилардан Н.Жўраев кўйидагича тушунтиради: «Инсоннинг реал ва **яхлит** тарихи бу бевосита бир неча минг йиллар давомида шаклланган мамлакатлар, халқлар, миллатлар ва давлатлар тарихини қамраб олади. Инсоният тарихининг серқирралиги, мураккаблиги, унга баҳо беришнинг нисбийлиги ҳам, чекланганлиги ҳам худди ана шунда. Одамлар тафаккуридаги маълум бир ижтимоий-тарихий

¹ Қаранг: Фалсафа: Ўқув қўлланма. / Э.Ю.Юсуповнинг умумий таҳрири остида. – Т.: «Шарқ», 1999. – 494 б.; Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Т.: «Маънавият», 2008.; Назаров Қ. Билиш фалсафаси. – Т.: «Университет», 2005. – 338 б.; Ракитов А.И. Историческое познание (системно-гносеологический подход). – М.: «Политиздат», 1992.; Шермухаммедова Н.А. Гносеология. – Т.: ЎФТЖ, 2007. – 380 б. ва бошқалар.

² Сиров В.Н. Способы концептуализации всемирной истории и их эволюция. Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – Томск: 1989. – Б.13-14.

воқелик ҳақидаги тасаввурлар ҳеч қачон мутлақ ҳақиқат эмаслигини назарда тутсак, бу ўз-ўзидан инсон, жамият, жараён орқали кишилик тарихига доир хулосаларимиз ҳам чекланганлигини яққол сезамиз.

Ҳар бир халқ, мамлакат тарихи – алоҳида ва улкан воқелик. Айни пайтда ана шу тарих ўша халқ учун такрорланмас ва ноёб қадриятдир. Инсоният тарихи эса қадриятлар яхлитлиги ҳисобланади.»¹ Шунинг учун А.Жалолов шундай деб ёзади: «...асосий мақсад фалсафани осмонийлик, ҳаётдан ажралганлик, сохта мавҳумийлик майлларидан халос этиш, уни ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини инсонийлик негизда кўришнинг муҳим назарий-услубий, маънавий йўналтирувчилик омилига айлантиришдир.»²

Ҳозирги замон фани фалсафа олдида онгнинг борлиққа муносабати деган тор тушунишни эмас, балки инсоннинг борлиққа муносабатини ойдинлаштиришни қўймоқда. Чунки онг **бу-ижтимоий**, маданий ҳодиса бўлмиш инсоннинг асосий компоненти, яъни асосий таркибий қисми ҳисобланади. Инсон борлиқ, жумладан, жамиятнинг элементи экан, у бу борлиқ тизимидаги ўрнини билиб олиши керак. Чунки, илмий адабиётларда таъкидланганидек, инсон борлиқ, жумладан, ижтимоий борлиқ яъни жамиятнинг бир элементи ва таркибий қисми экан, унда борлиқнинг умумий қонунлари ҳам, жамиятнинг умумий қонунлари ҳам устуворлик қилади. Инсон жамиятда онгли фаолият юритиш учун бу қонуниятларни билишига ва уларга амал қилиши лозимдир. Ижтимоий билишсиз, жумладан, ижтимоий -фалсафий ва тарихий билишсиз инсон жамиятнинг яхлитлиги ва ички жараёнларига хос йўналишларни била олмайди.

Фалсафанинг бош масаласини ҳал қилишдан фалсафий онтология ва гносеология – билиш назарияси келиб чиққан. Юқорида кўрсатилган терминлар билиш назарияси категорияларидир.

¹ Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. - Т.: «Маънавият», 2008. - Б.191-192.

² Жалолов А. Мустақиллик масъулияти. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б.251.

Фалсафанинг муҳим масаласи борлиқнинг ривожланиши масаласидир. Бу масалани ҳал қилишга боғлиқ ҳолда диалектика ва метафизика ва уларнинг турли кўринишлари ва босқичлари келиб чиққан. Билиш назариясининг юқорида кўрсатилган терминлари диалектик мазмун касб этса, яъни акс эттирилаётган объектларни ўзгаришда ва ривожланишда олиб қараса, билиш диалектик тус олади.

Мамлакатимизда фалсафа фани бўйича нашр этилган китоблардан бирида «билиш нима? Билиш инсоннинг табиат, жамият ва ўзи тўғрисида билимлар ҳосил қилишга қаратилган ақлий, маънавий фаолият туридир,»¹ дейилган. Албатта, бу билишнинг босқичларидан бири – илмий билишга берилган таърифдир. Чунки билиш инсон ва инсониятнинг воқеликка чексиз яқинлашувидир. Илмий билиш билан асосан махсус гуруҳдаги кишилар шуғулланадилар. Бунда «фаолият тури» деган ибора уларга нисбатан ишлатилади. Аммо заводнинг оддий ишчиси ёки деҳқон кун бўйи меҳнат қилар экан, унинг ишлаб чиқаришдан, жисмоний меҳнатдан иборат фаолияти билишсиз юз бермайди-ку?! У махсус равишда билишни фаолият тури қилиб олмаяпти-ку?! Демак, билишни алоҳида фаолият тури десак, унда бу фаолият тури билан шуғулланмайдиганларнинг ҳаракатлари, меҳнат фаолиятлари гўёки билишсиз жараёндан иборат бўлиб чиқади. Ҳолбуки, билиш ҳар қандай инсонга хос, чунки билиш инсон онгининг ижодий хусусиятидир. Илмий билиш эса лаборатория ходимлари, илмий - тадқиқот ишлари билан банд кишилар учун бевосита фаолият тури ҳисобланади.

Бу борада мавзуимизга бевосита тааллуқли терминлар, хусусан, ижтимоий билиш ва тарихий билиш категорияларининг нисбатларини ойдинлаштириш ҳам муҳимдир. Рус тилида «социальное познание» термини мавжуд. Бу термин кенг маънода инсоннинг ҳар қандай даража ва шакллардаги билишларини ўз ичига олади. Чунки билиш инсон онгининг ижодий хусусияти экан, инсон онги эса аввал бошданок жамият ичида юзага келиб, у ижтимоийдир. «Ижтимоий билиш» термини тор маънода ижтимоий

¹ Рўзиматзода Қ. Билиш фалсафаси // Фалсафа. Маърузалар матни. – Т.: ЎАЖБНТ, 2000. – Б.221-222.

билишни, яъни жамиятни билишдир. «Ижтимоий билиш» («социальное познание») атамаси фалсафий онтологияда борлиқни табиий ва ижтимоий борлиқларга бўлишга нисбатан келиб чиққан бўлиб, уни табиий-илмий билишга нисбатан ишлатиш мумкин. Чунки «табиий борлиқ» сўзига нисбатан «ижтимоий борлиқ» сўзи, «табиат» сўзига нисбатан «жамият» сўзлари ишлатилади. «Ижтимоий билиш» сўзини катор адабиётларда, жумладан, Ж.Туленов ва Х.Ф.Ҳайдаровнинг асарларида ҳам учратиш мумкин.¹ «Тарихий билиш» сўзи асосан жамият тарихини ифодалаш учун ишлатилиб келинди.² Ҳолбуки, ҳар бир соҳанинг ёки тадқиқ қилинаётган объектнинг ҳам ўз тарихи бор. Масалан, ахлоқшунослик тарихи, дин тарихи ёки зоология тарихи ва бошқалар. Шунинг учун ҳар бир соҳа ёки объектнинг тарихи ўз номи билан аталганлиги сабабли жамият тарихини билишни «тарихий билиш» деб эмас, балки «ижтимоий - тарихий билиш» деб аташ тушунмовчиликлардан сақлайди.

Воқелик, жумладан, ижтимоий воқелик хилма-хил. Шунга мувофиқ, ижтимоий онг шакллари ҳам хилма-хил. Жумладан, ахлоқий онг, эстетик онг, бадиий онг, табиий-илмий онг, иқтисодий онг, ҳуқуқий онг, сиёсий онг, фалсафий онг, ижтимоий-фалсафий онг, афсонавий онг бир бутун сифатидаги ижтимоий онгнинг алоҳида шакллари дир. Шунингдек, уларнинг ҳам ўз тарихий шаклланиш, ривожланиш ва амал қилиш тарихи бор. Айни вақтда, бу ижтимоий онг шакллариининг ўзаро интеграцион жиҳатлари ҳам бор. Масалан, афсонавий ва эстетик онглариининг интеграциясидан афсонавий - эстетик онг келиб чиқади. Айни вақтда, ижтимоий онг шакллариининг воқеликка нисбатан ҳам, бир-бирларига нисбатан ҳам илгарилаб кетиши ва орқада қолиши шунингдек, нисбий мустақиллик ҳолатлари ҳам мавжуд. Бу ижтимоий онг шакллари ва уларнинг ижодий характери – ижтимоий билиш шакллариининг нисбий мустақиллигини ифодалайди. ижтимоий - тарихий

¹Қаранг: Туленов Ж.Т. Ҳаёт фалсафаси. – Т.: «Ўзбекистон», 1993. – 319 б.; Ҳайдаров Х.Ф. Исторический закон в структуре социального познания и управления. – Т.: «Фан», 1994. – 225 с. ва бошқалар

² Қаранг: Шаповалов В.Ф. Основы философии. От классики к современности. – М.: ФАИР-ПРЕСС, 2001. – С.505.

яхлитлик ва жараёнларни билиш ижтимоий – фалсафий ва тарихий онгларнинг уйғунлашувини тақозо этади. Агар ижтимоий - фалсафий онг ва билишнинг мантиғида умумлаштириш синтези жамиятнинг умумий томон ва алоқадорликлари синтези устувор бўлса, тарихий онгда эса тарихийлик таҳлили – анализига асосий урғу берилади. Аммо ижтимоий-фалсафий, жумладан, аҳамиятлилик нуқтаи назаридан кадриятли ёндашиш, даврлаштириш нуқтаи назаридан фармацевцион ва цивилизацияон ёндашишлар тарихий фактларсиз ва таҳлилларсиз илмийликка олиб бормади. Яна шуни таъкидлаш керакки, ижтимоий-фалсафий билиш, ҳуқуқий билиш, ахлоқий билиш, сиёсий билиш, эстетик билиш, афсонавий билиш, иқтисодий билишлар ижтимоий билишнинг турли кўринишлари бўлиб, бунда ижтимоий-фалсафий билиш жамиятнинг умумий томонлари ва алоқадорликларини ўрганганлиги учун ижтимоий билишнинг бошқа турларига нисбатан умумийлиги ва демакки, методологик аҳамиятлилиги-устуворликлари билан фарқ қилиб туради.

Воқелик – борлик, жумладан жамиятнинг яхлитлиги ва унинг жараёнларини билиш турли хил ёндашишлар асосида юз бериши мумкин. Аммо бу ёндашишлар ичида фалсафий билиш асосий ўринни эгаллайди. Фалсафа борлиқнинг умумий алоқадорликларини ўрганар экан, борлик, жумладан, **ижтимоий** борлик, яъни жамиятнинг бир бутун манзарасини фалсафий дунёқараш сифатида ҳосил қила олади. Бу бир бутун – яхлит фалсафий дунёқараш эса борлик, жумладан, ижтимоий борлиқнинг бирлигидан келиб чиқади.

Борлиқ моддий ва руҳий, табиий ва социал (яъни ижтимоий) борлиқлардан иборат. Ижтимоий борлиқ табиий борлиқ негизида юзага келган бўлиб, ўзига хос яхлитликка эга. Агар ҳайвон тайёр нарсаларни ўзлаштирса, инсонлар эса воқеликни ўзгартиб, ишлов бериб ўзлаштирадилар. Борлиқнинг ушбу ишлов бериб яратилган қисми, жумладан, унинг ижодкори – инсонлар ҳам маданий борлиқ бўлиб, бусиз кишилик жамияти мавжуд бўла

олмайди. Демак, табиат қонунлари жамиятда маданий борлиқ орқали юз беради.

«Жамият» сўзи арабчадан йиғилган, тўпланган деган маъноларни беради.¹ «Жамият» атамасидаги «жамъа» сўзи, - деб қайд қилган Ш.А.Азизов, - тубан мавжудотлардан бошлаб микдорий муносабатларни ифодалайди ва кишилик дунёсига нисбатан барқарорлик, доимийликни билдириб, «жамият» шаклини олган.»² «Жамият» сўзи арабчадан «умумий» деган маънони бериб, «борлиқнинг алоҳида шаклини ифодаладиган тушунча»³ ҳисобланади. Жамият кенг маънода, илмий адабиётларда таъкидланганидек, кишилар ўртасидаги муносабатлар мажмуасидир. Жамият тор маънода кишиларнинг микро ва макро бирликларидир. «Ижтимоийлик» «табиийликка» нисбатан ишлатиладиган сўз бўлиб, жамиятга хос деганидир. Инсон фаолияти билан юзага келган томон, белги, муносабатлар табиатда учрамайди. Ушбу сифатий ўзгаришлар ижтимоийликни ташкил этади.

Илмий адабиётларда «жамият яхлитлиги»⁴, «тарихий жараён»⁵, «жамиятда барқарорлик»⁶, «жамият тизим сифатида»⁷ каби терминларнинг ишлатилганини кўрамыз. «Яхлитлик» ёки «яхлит» сўзи «айрим қисмларга бўлинмаган», «бутун», «битта», «ягона», «умумий» каби маъноларда ишлатилади.⁸ «Ижтимоий–тарихий яхлитлик» ибораси нафақат жамиятнинг ибтидоий даврдан то ҳозирги кунгача бир бутунлигини, балки, шу билан бирга, жамият тараққиёти тарихининг ҳар бир босқичларининг ўзига хос бир бутунликларини, яъни уларнинг ўзига хос сифат муайянликларини ифодалайди. Бу ибора айтилиши вақтда жамият тараққиётининг ҳар бир босқичларига хос тарихий жараёнларни типиклаштиришга имкон беради.

¹ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-том. – М.: «Рус тили» нашриёти, 1981. – Б.271.

² Азизов Ш.А. 1. Жамият борлиги, унга дин ва фан нуқтаи назаридан ёндашишнинг ўзига хос жиҳатлари. // Фалсафа: (Ўқув қўлланма.) (Э.Ю.Юсуповнинг умумий таҳрири остида.) – Т.: «Шарқ», 1999. – Б.247.

³ Фалсафа: Қомусий луғат. – Т.: «Шарқ», 2004. – Б.123.

⁴ Фалсафа: (Ўқув қўлланма) (Э.Ю.Юсуповнинг умумий таҳрири остида.) – Т.: «Шарқ», 1999. – Б.253.

⁵ Ўша ерда, Б.268 – 272; Основы философии: Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – С.349 – 356.

⁶ Фалсафа: маърузалар матни (Назаров Қ. ва бошқ.) – Т.: ЎАЖКНТ маркази, 2000. – Б. 237 – 244.

⁷ Крапивенский С.Э. Социальная философия. – М.: «ВЛАДОС», 1998. – С.62 – 82.

⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-том. – М.: «Рус тили» нашриёти, 1981. – Б.489.

Шунинг учун биз «ижтимоий-тарихий яхлитлик» иборасини «ижтимоий - тарихий бутунлик» ёки «жамият тизим сифатида» иборалари маъноларида ишлатдик.

Жамият доимо ўзгаришда. Бунга асосий сабаб инсон эҳтиёжларининг тўхтаб қолмаслигидир. Инсон эҳтиёжларининг ўсиб бориши эса жамият негизи бўлган маданий борлиқнинг такомиллашиб боришига олиб боради. Ушбу ҳолат жамиятнинг тарихийлигига, яъни даврий кетма-кетлигига олиб келади.

Маълумки, «тарих» сўзи арабча, «история» сўзи эса юнонча бўлиб, тадқиқот, воқеалар баёни деган маъноларни беради. «Тарих [а], - дейилади Ўзбек тилининг изоҳли луғатида, ижтимоий тараққиёт процессида юзага келган воқелик, ҳаёт»¹ «Тарихий» сўзи эса «Тарихда қоладиган, тарихга кирадиган муҳим»² деган маъноларни ҳам беради. «Тарихийлик» сўзи эса, биринчидан, «тарихий» сўзининг синоними маъносида, иккинчидан, илмий билишнинг мантиқийликка нисбатан тарихийлик методи маъносида ишлатилади.

Ижтимоий - тарихий яхлитлик муайян ижтимоий макон ва замоннинг бир бутунлигини ифодалайди. Ижтимоий жараёнларнинг давомийлиги, умуман, жамиятнинг даврлар ичра ўзгариб бориши эса тарихий жараёнларни ифодалайди.

Ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларни билиш, аввало, ижтимоий-фалсафий масаладир, фалсафий адабиётлардаги «Жамият фалсафаси» мавзусидир. Ижтимоий фалсафадаги «Жамият тизим сифатида», «Тарихий жараён: йирик ҳажмдаги бўлинишлар муаммоси» ва «Ижтимоий тараққиёт» масалаларидир. Ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларни билиш ижтимоий-фалсафий ва тарихий билимлар интеграциясининг натижасидир. Ҳақиқатдан ҳам, ижтимоий-фалсафий билишда жамиятни бир бутун тизим ва ўзгарувчан жараён сифатида таҳлил қилиш тарихий билишсиз

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М.: «Рус тили» нашриёти, 1981. – Б.126.

² Ўша ерда.

юз бермайди. Тарихий билиш ҳам ижтимоий фалсафий билишни дастуриламал сифатида тақозо этади. «Инсон ақли, - деб ёзади Б.Л.Губман - тарихнинг яхлитлигини тушунишга қодирми? Унинг бирлиги ва хилма-хиллигининг асоси нимада? Унинг йўналганлиги ва гуманистик мазмуни қандай? Кимки жаҳон – тарихий жараённинг маъносини излашга ҳаракат қилар экан, ҳар кимнинг олдида ушбу саволларга жавоб бериш туради.»¹ Ижтимоий-тарихий яхлитлик, яъни жамиятнинг муайян даврлар ичида бир бутунлигининг назарий моделини ҳосил қилиш, ҳатто муайян давр ичида бўлсин, ижтимоий–фалсафий масаладир. «XX асрда, – деб қайд қилади В.Ф.Шаповалов, – инсоният энг бузғун урушлар, шафқатсиз диктатура, геноцид, кишиларнинг оммавий қашшоқлашиши ва ҳоказоларнинг қатнашчиси ва гувоҳи бўлди. Тарихий жараённинг яхлитлиги (бузилмаслиги)нинг ўзи фавқулодда жиддий масала бўлиб қолди».² Аммо бу илмий жараён тарих фани ютуқларини умумлаштирмасдан юз бермайди.

Н.В.Поправка фикрича, «Тарихий билимларнинг, олдиндан билиш функцияси тарих фалсафаси даражасида амалга ошиши мумкин. Кейингиси (яъни тарих фалсафаси. – Т.Б.) айна вақтда маданиятни билиш натижаларини ўзлаштиришни таъминловчи ижтимоий – тарихий билимлар соҳаси ва унинг даражаси сифатида тушунилади».³

Бир бутун жамият ичидаги ўзгаришлар, яъни тарихий жараёнларни билиш, бир цивилизациядан иккинчи турдаги цивилизацияга ўтиш айна вақтда ҳам ижтимоий - фалсафий, ҳам тарих фалсафаси масаласидир. Тадқиқотчилардан Н.Жўраев тарих фалсафасининг вазифаларига тўхталиб шундай ёзади: «Бизнингча, бу қуйидагиларни қамраб олади:

– **биринчидан**, инсоният тарихи ривожланиш қонуниятларини, уларнинг манбалари ва моҳиятини ўрганиш;

¹ Губман Б.Л. Смысл истории: Очерки современных западных концепций. – М.: «Наука», 1991. – С.13.

² Шаповалов В.Ф. Основы философии. От классики к современности. – М.: ФАИР-ПРЕСС, 2001. – С.496.

³ Поправка Н.В. Прогностические возможности социально-исторического знания (методологический аспект). – Томск., 1990. – С13.

– **иккинчидан**, инсоният тарихини, жумладан, миллий тарихни ҳам ҳозиргача таъсирини ўтказиб келаётган коммунистик мафкура асосидаги илмий методологияда мавжуд бўлган тамойиллардан воз кечиб, миллий истиқлол ғояси асосида ўрганиш ва даврлаштириш муаммосини ҳал этиш;

– **учинчидан**, цивилизациялар ва маданиятлар юзага келишининг яхлит тизимини ишлаб чиқиш, улар инқирози сабабларини чуқур таҳлил этиш;

– **тўртинчидан**, тарихий жараённинг умумий шаклини таҳлил этиш...;

– **бешинчидан**, тарихий тараққиёт омилларини афсонавий ва дунёвий қонуниятлар нуқтаи назаридан ўрганиш, назарий жиҳатдан бақувват, илмий ва амалий жиҳатдан асосланган хулосаларни ишлаб чиқиш;

– **олтинчидан**, қадриятлар тизимини ҳозирги замон талаблари нуқтаи назаридан тадқиқ этиш ва баҳолаш;

– **еттинчидан**, инсоният тарихида тўпланган моддий, маънавий ва маданий қадриятларнинг тарихий таҳлил орқали мантиқий ва фалсафий асосларини ўрганиш;

– **саккизинчидан**, тарихни англашнинг янги йўналишларини ҳозирги замон фалсафий тафаккур мезонлари асосида белгилаш ҳамда унга таянган ҳолда ва ижтимоий тараққиёт мақсадларини аниқлаш орқали тарихнинг мураббийлик ролини ошириш;

– **тўққизинчидан**, яхлит инсоният тараққиёти омилларини ва манбаларини ўрганиш, шу асосида жаҳон тарихий тараққиёт истиқболларини белгилаш;

– **ўнинчидан**, тарих фани предмети ва методологиясини ҳозирги замон талаблари асосида қайта ишлаб чиқиш орқали инсон, инсоният ва унинг тарихи яхлит моҳиятини очиб бериш, ... ва бошқа масалалар муаммо бўлиб қолмоқда».¹

Фанлар интеграцияси ва дифференцияси унинг ички қонуниятли жараёнлари. Унда ҳам, бунда ҳам фаннинг янги тармоқлари шаклланади. Аммо билиш илмий бўлиши учун ўз объектлари қонуниятларини ўрганмас

¹ Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. -Т.: «Маънавият», 2008. – Б.186-187.

экан, у ўзининг эмпирик даражасидан назарий даражасига ўсиб чиқа олмайди, том маънодаги фан бўла олмайди. Бу қоидалар тарих фалсафасига ҳам тегишлидир. Н. Жўраев тарих фалсафаси «инсоният тарихи ривожланиш қонуниятларини, уларнинг манбаларини ва моҳиятини» ўрганеди, деган илмий ғояни илгари сурмоқда. Хўш, унда ижтимоий фалсафа нимани ўрганеди? Ахир ижтимоий фалсафа жамият шаклланиши ва ривожланишининг умумий қонунлари ва ҳаракатлантирувчи кучларини ўрганеди-ку?! Шунинг учун ижтимоий фалсафа тарих фанлари учун методология бўлиб келган. Ҳозирча «Тарих фалсафаси» мавзуси ижтимоий-фалсафанинг мундарижасидан жой олган.¹ Аммо жамиятни бир бутун яхлитликда олиб қараш учун уни тизим сифатида шакллантирувчи омил ва қонуниятларини «жамият фалсафаси» мавзуси беради. Нафақат бу, балки шу билан бирга жамиятни тарихий йўналиш бўйича даврий бўлишлар – формацион ва цивилизацион бўлишлар бўлсин, улар ҳам ижтимоий фалсафанинг вазифаси-ку?! Демак, тарих фалсафасининг предмети ва унинг қонуниятларини аниқлаш муаммо ҳолида қолмоқда. Бизнингча, тарих фалсафаси ушбу ижтимоий - фалсафий масалаларни нисбатан конкретликда олиб ўрганиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, тарих фани ютуқларини фалсафий умумлаштириш «тарих фалсафаси» мавзуси орқали амалга ошиши ижтимоий фалсафанинг бойишини тезлатади. Бу ҳақда А.А.Ивин шундай дейди: «Тарихий тафаккурга асосланган ғоялар ва умумий кўринишларни тадқиқ этувчи тарих фалсафасининг нуқтаи назари, предмети ва тарихий воқеликнинг давридан қатъий, назар тарих фанига нисбатан кенгроқ маънода тушунади, талқин этади. Тарих фалсафаси ўтмишдаги воқеалар ривожининг муайян йўллари аниқлаш асносида тегишли хулосалар чиқаради, ижобий тажрибаларни келажакда давом эттиришга интилади. Нафақат бугунги кун, балки келажак ҳақидаги тасаввурлар, фалсафий-тарихий мулоҳазаларнинг умумий чегараларини белгилашда

¹ Қаранг: Шаповалов В.Ф. Основы философии. От классики к современности. – М.: ФАИР – ПРЕСС, 2001. 608-с.

муҳим аҳамиятга эга. Тарих фалсафаси «фикрий дунёлар тарихи»га маълум маънода эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишига қарамай, тарихий тараққиётнинг амалга ошмай қолган эҳтимолий турларини ҳам ўрганади.»¹

Демак, ижтимоий фалсафа жамият мавжудлиги ва тараққиётининг умумий қонунлари ва ҳаракатлантирувчи кучларини ўрганади. Жамият ва унинг тарихи тарихий, босқичли характерга эгадир. Ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнлар кишилиқ жамияти тараққиётида юзага келган сифатий муайянлик, воқеалар, ҳаётлар ва уларнинг ва айни вақтда уларнинг барчасига хос умумий томон, алоқадорликлар ва муносабатлардир. Тарих фалсафаси эса умумижтимоий қонунлар ва ҳарактлантирувчи кучларнинг жамият тарихи тараққиёти босқичларида ўзига хос ҳолда намоён бўлишларини ўрганади. Ижтимоий фалсафа ва социология маконий жиҳатдан қандай нисбатда бўлса, ижтимоий фалсафа ва тарих фалсафаси ҳам даврий жиҳатдан худди шундай нисбатда бўлади. Аммо бу фанлар ижтимоий -тарихий яхлитлик масаласини ҳал қилмасдан, яъни жамиятни тизим сифатида илмий ҳал қилмасдан туриб, илмий ҳақиқатларга тўлиқ равишда эриша олмайди.

Ижтимоий–фалсафий билиш тарихида баъзан афсонавий – мифологик, баъзан афсонавий тушунишлар, баъзан географик, баъзан субъектив идеалистик, баъзан объектив идеалистик, баъзан технологик, баъзан психологик, баъзан тарихни материалистик тушунишлар устувор бўлиб келди. Демак, билишнинг мантиқий бир бутунлиги тушунишга ҳам боғлиқдир.² Ижтимоий–фалсафий билишда қадимги даврда объектив идеалистик, ўрта асрларда афсонавий тушунишлар, янги даврдан бошлаб объектив ва субъектив идеалистик, метафизик ва диалектик–материалистик тушунишлар мавжуд бўлиб келди. Ижтимоий–фалсафий билиш бевосита ижтимоий воқелиқни тушунишга боғлиқдир. Жумладан, собиқ СССРда ўтган 74 йил давомида ижтимоий–фалсафий билишда тарихни материалистик

¹ Ивин А. Философия истории. Учебное пособие. – М.: «Гардарика», 2000. – С.7.

² Каранг: Кудачков В.Е. Мировоззренческое содержание проблемы понимания. Автореф. дисс. ...канд. филос. наук. – Киев. 1985. – С.11-12.

асосда тушуниш устувор бўлиб келди. Бугунги кунга келиб, барча ижтимоий ходисалар бевосита иқтисодий муносабатлар, хусусан, мулкчиликдан келиб чиқмаслиги барчага аён дир. Жамият табиатдан воқеликка ишлов бериш орқали ва борлиқнинг ишлов бериб яратилган қисмини ўзлаштириш орқали ажралиб чиққан. Инсонлар томонидан ушбу ишлов бериб яратилган борлиқ маданият, яъни маданий борлиқ дир. Унинг ўзгариши, жумладан ривожланиши билан яхлит жамият, жумладан, цивилизациялар – мамлакатлар ҳам ўзгаради ва ривожланади. Маданий борлиқнинг ўзгариши техника ёки сиёсат, иқтисодиёт ёки ахлоқ ва бошқа соҳаларда бўлсин, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида маданий кадриятлар ҳисобига юз беради. Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ва хусусан, Юртбошимиз И.А.Каримовнинг асосий мақсади маданий кадриятларни ўрнатиш дир. Бугунги кунда ушбу тушуниш илмий адабиётларда тарихни диалектик - маданий тушуниш деб юритилмоқда. Маълумки, Юртбошимиз И.А.Каримов «халқнинг маънавияти ва маданияти... жамиятимизни... муваффақиятли равишда олға силжитишда ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эга дир»¹, жамиятнинг ривожланиши «эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиёт»²дан иборат, кишилик тарихи муайян тарихий макон ва замонга эга «кўпдан кўп мустақил цивилизациялар»³дан ташкил топган, деган қатор методологик ғояларни илгари сурган эди. Ушбу далил асосида ҳам айтиш мумкинки, тарихни, яъни ижтимоий воқелик ва унинг тарихини диалектик - маданий тушуниш бевосита Юртбошимиз И.А.Каримовнинг назарий ва амалий фаолияти – аъмоли билан боғлиқ ҳолда шаклланмоқда ва у ҳозирги кунда мамлакатимизда, балки бутун дунёда эътироф этилаётган йўналишлардан бирига айланмоқда.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. – 139 -140-бетлар.

² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тарққиёт йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 1992 й. - 10-бет.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. - 144-бет.

1.2. Ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларни ижтимоий – фалсафий билишнинг ижтимоий воқеликни тушуниш ва дунёқарашларга боғлиқлиги қонуниятлари

Инсоннинг биологик эҳтиёжлари ҳам жамият доирасида ижтимоийлашган кўринишда қондирилади. Ҳайвон тайёр органик нарсаларни ўзлаштиради, чунки унда ўсимлик ёки бошқа ҳайвонларни истеъмол қилишнинг табиий имкониятлари мавжуд. Инсонда эса ушбу табиий имкониятлар, жумладан, йирик қатламли тирноқлар ёки ўткир қозик тишларнинг йўқлиги борлиқни ўзгартириб ўзлаштиришга олиб келган. Маданий ўсимликлар ёки уй ҳайвонларининг келиб чиқиши ушбу ўзгартирувчилик фаолиятининг натижаларидир. Ушбу ҳолат ўзига хос жараёндир, яъни онгли, мақсадга мувофиқли ҳаракатдир. Эҳтиёж ниманингдир етишмовчилигидир.¹ Манфаат эса унинг негизида юзага келган инсоннинг воқеликда ўз ўрнини топа билишидир. «Манфаат, - деб ёзади Ф.Абдурахмонов, - сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий («маънавий» демокчи - Т.Б.) жараёнлар билан белгиланадиган ва жамият ривожланиши учун ички заруриятни ифодаловчи зарурий ижтимоий ҳодисадир.»² Худди шу ҳолатлар англашни, яъни онгни тақозо қилади ва унинг юзага келишининг мотиви бўлиб хизмат қилади. Онг эса инсонгагина хос, тил билан алоқадор, воқеликни умумлаштириш ва ахборотни инъикос асосида муайян мақсадни белгилаш, амалий ҳаракатни олдиндан, хомаки фикр қила олиш ва унинг оқибатини тахмин этишга имкон берадиган, инсон фаолиятини тартибли, мақсадли қиладиган, индивиднинг ўз-ўзини назорат қилиб туришига имконият яратадиган юксак даражада ташкил топган материя – инсон миясининг олий функциясидир.³ Онг инсон руҳиятининг марказий қисми бўлиб, у айни вақтда ижтимоий муносабатлар маҳсулидир.

¹ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 – том. – М.: «Рус тили» нашриёти, 1981. – Б.459.

² Абдурахмонов Ф. Проблемы национальных интересов в условиях независимости Республики Узбекистана. (социально философический анализ) Автореф. дисс. ... докт. филос. наук. – Т.: 1995. – С.13.

³ Қаранг: Каримов И. Фалсафада онг муаммоси. // Фалсафадан ваъз матнлари. – Т.: ТДТУ нашриёти, 1995. – Б.203.

Бу ҳақда А.В.Петровский ва М.Г.Ярошевскийлар шундай ёзишади: «Онги психиканинг олий, уни яхлит бир ҳолга келтирувчи шакли бўлиб, кишининг меҳнат фаолиятида, бошқалар билан (тил ёрдамида) доимий мулоқот қилиш жараёнида шаклланишининг ижтимоий–тарихий шарт-шароитлари ҳисобланади».¹ Демак, онг инсоннинг мулоқот қилиш жараёнида борлиқ – воқеликни англаши экан, билиш эса унинг ижодий характери, жараёни, ҳаракатини ва хусусиятини ифодалайди. «Билиш, - дейилади, «Фалсафа: Қомусий луғат»да, - оламнинг инсон онгида инъикос этиши жараёни».² Аммо кишининг ижтимоий–тарихий яхлитлик ва жараёнларни билиш нуқтаси ва воқеликни тушунишдан бошланади. Л.В Костин фикрича, «...тушуниш субъект томонидан баҳоловчи фаолиятида объектнинг маъно-мазмунини англашни ёритишга йўналтирилган объект – субъект муносабатлари сифатида қараладиган билишга хос муолажаси ҳисобланади. Ушбу муолажанинг мақсади тушуниб олинадиган объектнинг маъносини унинг объектив хосса ва сифатларининг тушунувчининг эҳтиёжлари, кутилаётган натижа билан ўзаро нисбатлаш ёрдамида очиш, ёритиб кенгайтиришдир».³ Фалсафа бўйича қомусий луғатда тушуниш объектив оламдаги нарса ва ҳодисалар ҳақидаги тасаввур, тушунча, ҳукмлар ҳосил қилиш ва уларни онгдаги мавжуд билимлар билан боғлашдан иборат ақлий жараён, деб тавсифланади. Тушуниш иккита ўзаро уйғунлашган таркиб орқали тавсифланади. Луғатда олдиндан механик равишда ўзлаштирилган, ҳатто маъноси англашилмаган маълумотлар, сабабий боғлиқликлар тушуниш туфайли мантиқан муайян тартибга, бир хил мантиқий тизимга келтирилиши мумкин, дейилади.⁴ Бунда инсон онгида ҳосил бўлган билимлар унинг моҳиятига боғланади ва воқелик шу моҳиятдан келиб чиқиб ўзлаштирилади ва изоҳланади. С.И.Тягунов фикрича, «...тушуниш гуманитар билиш муаммоларидан муҳим фалсафий дунёқараш ва методологик муаммога

¹ Петровский А.В., Ярошевский М.Г. Онг ҳақида тушунча. // Умумий психология. – Т.: «Ўқитувчи», 1992. – Б.28.

² Фалсафа: Қомусий луғат. – Т.: «Шарқ», 2004. – Б.55.

³ Костин Л.В. Понимание и объяснение: сравнительный анализ. Автореф. ...канд. филос. наук. – Свердловск, 1990. – 18с.

⁴ Қаранг: Фалсафа: қомусий луғат. – Т.: «Шарқ», 2004. – Б.405.

айландики, унинг ҳал қилиниши кишиларнинг реал амалий ва маънавий ҳаётларини унинг ижтимоий - маданий ва тарихий ўзига хослигида билиш диалектикаси тўғрисидаги бизнинг тасаввурларимизни аниқлаштиришга имкон беради».¹

Ижтимоий-фалсафий билиш жамиятнинг умумий томон ва алоқадорликларини билиш экан, унда ижтимоий воқелик, жумладан, унинг яхлитлиги ва жараёнларини идеалистик тушуниш, географик тушуниш, биологик тушуниш, психологик тушуниш, технологик тушуниш, тарихни диалектик - материалистик тушуниш ва бошқа шу каби турлари фарқланади.² «Ижтимоий фикрлар ривожда деб ёзди Қ.Назаров, - тарихий тараққиётни турли хил тушунишларга дуч келасиз: диалектик, метафизик, материалистик, идеалистик. Ривожланишни муайян цивилизацияларнинг ўрни алмашувидан иборат деб талқин қилиш тарихни формацияларнинг алмашинуви тарзида тушунишдан фарқ қилади. Худди шунингдек, ўтмишни социологик, политологик, культурологик тушунишлар ҳам бор. Буларнинг бири тарихни кишиларнинг узлуксиз ижтимоий фаолияти, деб тушунишга асосланса, бошқалари эса уни сиёсий тизимлар, давлатларнинг алмашинуви, ёки моддий ва маънавий бойликларни яратиш жараёни тарзида тавсифлашга таянади. Тарихни бундай ранг-баранг тушуниш усулларини бир-бирига асло қарама-қарши қўйиш керак эмас. Улар инсоният жамиятининг ривожига турлича ёндашувни, серқирра тарихнинг турли қирраларини хилм-хил томонидан ўрганишни ифодалайди. Бу хилма-хиллик, аслида, бир бутун билиш жараёнининг яхлит тарихий ривожланишига турли-туман йўл ва усуллар билан тарихий реалликни тўғри акс эттирадиган хулосалар чиқаришга интилишини ифодалайди».³

Ижтимоий воқелик-борлик, жумладан, унинг яхлитлиги ва жараёнларини тушуниш учта асосий туркумга бўлинади: ижтимоий воқелик,

¹ Тягунов С.И. Понимание в структуре познавательной деятельности. Автореф. дисс. ...канд. филос. наук. – Ленинград.: 1990. – С.16.

² Қаранг: Крапивенский С.Э. Социальная философия: Учебник для студентов вузов. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 1998. – С.12-30.

³ Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси (аксиология). – Т.: Файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2004. – Б.152.

жумладан, ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларни идеалистик тушуниш, ижтимоий воқелик, жумладан, ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларни материалистик тушуниш ва ижтимоий воқелик, жумладан, ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларни диалектик-маданий тушуниш.

Ижтимоий воқелик, жумладан, ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларни идеалистик тушуниш объектив идеалистик ва субъектив идеалистик тушунишларга бўлинади. Воқеликни объектив идеалистик тушунишга мувофиқ, борлиқнинг асосини «дунёвий рух» ташкил этади. Бу тушунишнинг асосчиси сифатида Платон эътироф этилади. Бу тушунишнинг кейинги йирик вакили Г.Гегелдир. У «умумжаҳон тарихи умуман рухнинг вақтда намоён бўлишидир, шунга ўхшаш ғоя сифатида, табиат сифатида маконда намоён бўлади»,¹ дейди. Аммо у борлиқ, жумладан, ижтимоий воқеликни объектив идеалистик тушуниш доирасида диалектиканинг асосий ва муҳим қонунлари кашф этилди. Ҳозирги кунда ижтимоий воқеликни объектив идеалистик тушуниш неотомизм, неопротестантизм, неокантчилик, неогегелчилик йўналишларида мавжуд бўлиб келмоқда.

Воқеликни субъектив идеалистик тушунишга мувофиқ, борлиқнинг асосини инсоннинг онги ташкил этади. Бу тушунишнинг асосчиси сифатида инглиз епископи Ж.Беркли эътироф этилади. Ижтимоий воқеликни субъектив идеалистик тушунишлар неопозитивистик, прагматистик, экзистенциалистик, психологик йўналишлардан иборат.

Ижтимоий воқеликни материалистик тушуниш биологик, технологик, географик ёндашишлар ва жамиятни диалектик - материалистик тушуниш (яъни тарихни материалистик тушуниш)лардан иборат.

Ижтимоий воқеликни диалектик - маданий тушуниш эса Ўзбекистонда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов аъмоли билан боғлиқ ҳолда шаклланмоқда. Хуллас, тушуниш Л.В. Понамарь сўзи билан айтганда, «...объект, ҳодиса, вазиятларнинг объектив мавжуд тавсифининг ёритилиши

¹ Гегель Г. В. Соч. Т.8. – С.69. // Губман Б.Л. Смысл истории: Очерки современных западных концепций. – М.: «Наука», 1991. – С.23.

сифатида билувчилик фаолиятига таянади. Айни вақтда тушунишнинг ўзи билишнинг зарурий шарти ва объектив маданий-тарихий замини бўлиб чиқади».¹

Жамиятнинг бир бутунлиги, яъни ижтимоий-тарихий яхлитлик ва ундаги жараёнларни билиш муайян тушунишларга боғлиқ экан, бу бевосита дунёқараш масаласидир. «Дунёқараш, - дейилади «Фалсафа: Қомусий луғат»да, - ... олам ва одам ҳақидаги бир бутун қарашлар, ғоялар тизимидир».² Аммо бу бир бутун қарашлар табиий–илмий қарашларнинг умумлашмалари, гуманитар фанларнинг умумлашмалари, жумладан, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, иқтисодий қарашлар тизимида фалсафий қарашлар ўз объектининг умумийлиги туфайли марказий ўринни эгаллайди. Демак, фалсафанинг бош масаласи – инсон, жумладан, унинг атрибутив компоненти – онгнинг борлиққа муносабатининг ечилишига қараб, фалсафий дунёқараш турли шаклларда – йўналишларда шаклланади ва қабул қилинади. Фалсафий дунёқарашнинг материалистик ёки идеалистик характерлари эса дунёқарашнинг бошқа таркибий қисмларига, жумладан, афсонавий дунёқарашга ҳам фаол таъсир қилади.³ Жумладан, собиқ шўролар даврида сиёсий ва тарихий қарашлар тарихни материалистик тушуниш асосида келиб чиққан «фан» – тарихий материализмдан озикланар эди. Чунки «дунёқараш умумий алоқадорлик принципи ва унинг тараққиёт принципи билан бирлигини тўғридан-тўғри тақозо этади».⁴ Ҳақиқатдан ҳам, дунёнинг бир бутунлигидан дунёқарашнинг бир бутунлиги келиб чиқади. Дунёнинг бир бутунлиги масаласи эса фалсафий дунёқарашнинг мавзуларидан ҳисобланади. Кишилиқ тарихида тушунишлар ва унга боғлиқ ҳолда дунёқарашлар типлари ва турлари шаклланган бўлиб, улар ижтимоий ҳодисалар, жумладан, ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларни билишнинг ғоявий манбаи вазифасини ўтаган.

¹ Понамарь Л.В. Понимание как творческий процесс. Автореф. дисс. ...канд. филос. наук. – Киев: 1991.– С.6.

² Фалсафа: Қомусий луғат. – Т.: «Шарқ», 2004. – Б.115.

³ Овчинников В.С. Мироззрение как явление духовной жизни общества. – Л.: Изд-во ЛГУ, 1978. -100 с.

⁴ Колчигин С.Ю. Философские основания целостного мироззрения. Автореф. дисс.докт. филос. наук. – Алма – Ата: 1993. – С.22.

Ҳар бир балоғатга етган, ақли расо инсон муайян дунёқарашга эга. Бу дунёқараш ижтимоий муносабатлар силсиласида шаклланади. «Дунёқараш, - дейилади, фалсафа фани дарсликларидан бирида, - бу аввало, инсон ўзини ва дунёни зарурий равишда англаши, тушуниши, билиши ва баҳолаши натижасида юзага келган хулосалари, билимлари асосида шаклланган умумлашмалар тизимидир.»¹ Худди шу ўринда «дунёқарашнинг таркибига борлиқнинг оддий ҳиссий ва ақлий инъикоси сифатида ҳосил бўлган сезги, идрок ва тасаввурлардан тортиб, назарий тафаккурда мантиқий жиҳатдан қайта ишланиб ҳосил бўлган мифологик, афсонавий, фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, бадиий ва илмий билимлар, нуқтаи назарлар, ишонч ва эътиқодларнинг барчаси киради,»² дейилади. Яна, шунингдек, ушбу дарсликнинг бошқа бир жойида ибодат қилиш афсонавий дунёқарашнинг учинчи элементи сифатида берилган. Ахир ибодат афсонавий-амалий ҳаракат-ку?! Унда моддий неъматларни ишлаб чиқаришдан иборат кишиларнинг амалий ҳаракатларини иқтисодий дунёқарашга киритса бўлар экан-да?!

Дунёқараш инсоннинг борлиқни бир бутун англашининг, билишининг натижасидир. Унинг доирасига сезги ҳам, амалий ҳаракатлар ҳам кирмайди. Аксинча, дунёқараш амалий ҳаракатларнинг маънавий асоси бўлиб хизмат қилади, аммо у амалий ҳаракат эмас. Дунёқараш, қисқача қилиб айтганда, дунё ва унинг томонлари қисмлари тўғрисидаги қарашлардир. Дунёқараш «дунё» ва «қараш» сўзларининг бирикмасидан иборат бўлиб, «қараш» жонли мушоҳада эмас, балки абстракт тафаккур натижасидир. Шунинг учун унинг таркибига ҳиссий билиш ва унинг шакллари ҳам киритиш номақбулдир. Дарсликларда бундай фикрларнинг берилиши ўқувчиларни тўғри фикрлашдан чалкаштиради. Чунки илмий адабиётларда қараш кўз ташлаш маъносида, тикилиб ёки хўмрайиб қараш маъносида эмас, балки «факт ва ходисаларни тушуниш тизими, нуқтаи назар, концепция»³ маъносида

¹ Фалсафа: Ўқув қўлланма. / Э.Ю.Юсуповнинг умумий таҳрири остида. – Т.: «Шарк», 1999. – Б.8.

² Ўша ерда. – Б.9.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 – том. – М.: «Рус тили» нашриёти, 1981. – Б.554.

ишлатилади. Дунёқараш дунёни англаш (онг)нинг умумлашмасидир, хусусий дунёқарашлар – физик дунёқараш, юридик дунёқараш ва бошқа тармоқ қарашлар тизимидан ўзининг умумийлиги билан фарқ қиладиган дунёнинг умумий манзарасининг инсон онгида ҳосил бўлиши, шаклланиши демакдир.

Онг социологик аспектда кундалик ва назарий онг даражаларидан иборат. Кундалик онг ижтимоий психология (руҳият) ва эмпирик онг даражаларидан иборат. Дунёқараш шахснинг кундалик (эмпирик) онгининг иккинчи даражаси – назарий онгнинг умумий ҳолатини, ҳосиласини ўз ичига олади. У шахснинг ижтимоий муносабатлар тизимида ўзаро таъсир ва «ишлов беришлар» туфайли шаклланади. Шунинг учун дунёқараш маънавий-маданий ҳодисадир ва тарихийдир. Тадқиқотчи С.Ю.Колчигин таъкидлаганидек, дунёқарашнинг негизида дунёнинг умумий алоқадорликлари ётади.¹ Дунёқарашнинг тарихий ҳодисалигига қараб қадимги дунё одамлари дунёқарашлари, ўрта асрлар одамлари дунёқарашлари, янги ва энг янги даврлар одамлари дунёқарашлари – аждодлар ва авлодлар дунёқарашлари фарқланади. Дунёқарашнинг қайси тушуниш нуқтаи назаридан ҳал қилинишига қараб, жамиятнинг яхлит манзараси ҳосил қилинган. Дунёқарашда нуқтаи назар ибтидо фалсафанинг бош масаласининг ҳал қилинишига боғлиқдир. Фалсафанинг бош масаласи айни вақтда дунёқарашнинг бош масаласи ҳамдир.²

Дунёқарашлар даврий оммавийлашганлигига, шаклланиши ва ривожланишига кўра афсонавий – мифологик, афсонавий ва фалсафий дунёқарашлар босқичларидан иборат. Аммо уларнинг ҳам негизида воқеликни тушунишлар ётади. Афсонавий – мифологик дунёқараш қадимги даврда оммавий ҳолатда мавжуд бўлган дунёқарашнинг илк босқичидир. Қадимги даврда содда, стихияли диалектик дунёқараш ҳам шаклланди, аммо у оммавийлик даражасига чиққан эмас. Афсонавий – мифологик дунёқараш

¹ Колчигин С.Ю. Философские основания целостного – мировоззрения. Автореф. дисс. докт. филос. наук. – Алма – Ата: 1993. – С.22.

² Қаранг: Овчинников В.С. Мировоззрение как явление духовной жизни общества. – Л.: «Изд-во ЛГУ», 1978. -100 с.

бевосита политеистик афсонавий эътиқодлар негизида шаклланган бўлиб, воқелик, жумладан, табиат кучлари кўплаб худолар образлари орқали илоҳийлаштирилиб ва жонлантириб акс эттирилган. Афсонавий – мифологик дунёқараш халқ оғзаки ижоди турлари – эртақлар, нақллар, ривоятлар, афсоналар, дostonларда ўз аксини топган. Афсонавий–мифологик дунёқараш наъмуналарига қадимги ҳинд халқининг «Маҳобхарата», «Рамаёна» дostonларини, Гомер ёзиб қолдирган «Одиссея» ва «Илиада» Ҳ. Олимжон ёзиб олган «Семурғ» дostonларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Қадимги ёзма ёдгорликлардан бири – «Овесто»да ҳам Марказий Осиё халқларининг афсонавий мифологик қарашлари акс этган. Унда зардуштийликнинг жамият тарихи тўғрисидаги тасаввурлари биринчи одам Иимаадан бошланади. Одамлар ундан тарқалган. У даврда одамлар ўлим нималигини билмаган. Худо Ахура Мазда абадий баҳорни яратган, унда одамлар бахтли ва фаровон яшаган. Лекин бир пайтга келиб одамлар гуноҳли иш қилиб қўйганлар. Яъни таъқиқланган мол гўштини еб қўйганлар. Шунда Ахра-манью (Ахриман) худосининг қаҳри келиб, одамларга қор ва совуқни юборган. Иимаа одамлар ва молларни совуқдан сақлаб қолиш учун уй қуриб, унга барча тирик мавжудотлардан бир жуфтдан жойлаштирган. Бу Таврот ва Қуръондаги қиёмат қоим ҳақидаги афсонага ўхшаб кетади. Шундай қилиб, кишилар ҳаётида биринчи давр – олтин давр тугаб, иккинчи давр – яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш даври бошланади. Учинчи давр инсоннинг келажаги давридир. Бунда қадимги одамларнинг бахт-саодат ҳақидаги орзулари ўз ифодасини топади. Яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги курашда худо Ахура Мазда ғолиб чиқиб, бахтли ҳаёт салтанати вужудга келади, ўлганлар тирилади, гуноҳкорлар жазоланади.¹

Умуман олганда, афсонавий–мифологик дунёқараш кишилик жамиятининг илк давридан бошлаб шаклланган бўлиб, ҳар қандай билишда ҳам, жамиятни бир бутун тасаввур қилишда ҳам, жамият ичидаги

¹ Қаранг: Искандаров Б. Ўрта Осиёда фалсафий ва ижтимоий–сиёсий фикрнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан лавҳалар. – Т.: «Ўзбекистон», 1993. – Б.8.

муносабатларни тартибга солишда ҳам ундан ғоявий манба сифатида фойдаланилган.

Афсонавий дунёқараш дунёқарашнинг иккинчи тарихий шакли бўлиб, унда якка худолик тўғрисидаги қарашлар устуворлик қилади. Афсонавий дунёқараш оламдаги воқеа ва ҳодисалар сабабларини илоҳий кучлар, олдиндан белгиланган мақсадлар билан боғлаб тушунишдир.¹ Афсонавий дунёқараш диннинг таркибий қисмларидандир. Унинг негизида асосан ўрта асрларда христианлик, буддизм, ислом цивилизациялари таркиб топди. Унинг негизида шариат ва бошқа диний–ҳуқуқий нормалар ишлаб чиқилди. Афсонавий дунёқараш туфайли, биринчидан, баъзан, масалан, Марказий Осиёда Уйғониш даврида, афсонавий ва илмий билимларнинг параллел ҳолда ўқитилиши, қиёслаб ўқитилиши туфайли илмий билимларнинг ривожланиши юз берди ва иккинчидан, баъзан, балки, кўпроқ деса тўғри бўлар, афсонавий жаҳолатнинг ҳукмрон бўлишига олиб келди. Афсонавий дунёқараш ва унинг муқаддас китоблардан Библия ва Қуръони Каримда дунё олти кунда яратилганлиги, бешинчи куни худо биринчи инсон Одамни яратганлиги, ва сўнгра жамиятнинг яратувчиси Илоҳ эканлиги тўғрисидаги, «у дунё» ва «бу дунё» тўғрисидаги таълимотлар бир бутун яхлит ижтимоий ҳаёт ва ундаги жараёнлар тўғрисидаги қарашларнинг асоси бўлиб хизмат қилди.

Фалсафий дунёқараш дунёқарашнинг навбатдаги шакли бўлиб, унинг келиб чиқиши қадимги давр мутафаккирларининг қарашларидан бошланган. Аммо унинг оммавий дунёқараш даражасига чиқиши янги даврда фан ва техниканинг ютуқларини умумлаштиришларига тўғри келди. Фалсафий дунёқараш назарий умумлашмаларга асосланади. Фалсафий дунёқараш материалистик (унинг йирик вакили Демокрит), идеалистик (унинг қадимги даврдаги йирик вакили - Платон), диалектик (унинг қадимги даврдаги йирик вакили Гераклит) ва метафизик йўналишларга эга бўлиб, жамиятни диалектик тушуниш стихияли диалектик (унинг қадимги даврдаги йирик

¹ Қаранг: Фалсафа: (Ўқув кўлланма). –Т.: «Шарқ», 1999. – Б.13.

вакили Гераклит), идеалистик диалектик (унинг янги даврдаги йирик вакили Гегель), тарихни материалистик тушуниш (унинг янги даврдаги асосчилари К.Маркс ва Ф.Энгельс) ва мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов аъмоли билан боғлиқ ҳолда юзага келаётган тарихни диалектик - маданий тушуниш босқичларидан иборат.

Табиатни диалектик-материалистик тушуниш табиатшунослик илмида устувор йўналишга эга. Жамиятни диалектик-материалистик тушуниш, яъни тарихни материалистик тушуниш, унинг чекланганлиги кўрсатилган ҳолда, ўз ўрнини тарихни диалектик - маданий тушунишга бўшатиб бермоқда. Демак, фалсафий дунёқараш ҳам муайян тушунишларга асосланган ҳолда турли-туман бўлиб, фалсафий, жумладан ижтимоий – фалсафий билишнинг ғоявий манбаи вазифасини ўтади ва ўтамоқда. Ҳозирги замон фани жамиятни тарихи билан яхлит бир бутун ҳолида ва уни ички ўзгаришларда ўрганишда фалсафий дунёқарашга таянади. Биз ўз тадқиқот ишимизда ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларни ўрганишда тарихни диалектик - маданий тушуниш ва унинг пировард мақсади – цивилизациян ёндашишдан фойдаландик.

Жамият тарихий даврлар нуқтаи назаридан қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги давр (яъни ижтимоий-иқтисодий эмас, балки ижтимоий шаклциялар)дан, бу йирик ҳажмдаги тарихий даврлар эса цивилизациялар, яъни ўз фуқаро ва давлатларига эга муайян ижтимоий макон ва замонда мавжуд мамлакатлардан ташкил топган экан, бунда ҳар бир мамлакатни ўзига хос тарихан яхлит бир бутунликда, тизим ҳолида ўрганиш ижтимоий тадқиқот ишлари учун муҳим методологик аҳамиятга эгадир. Тарихни «назарий қайта тиклаш, - деб ёзади Т.М.Ларина, конкрет, локал макон ва замондаги тарихий жараёнларни қайта кўриб чиқишга йўналтирилган. ...тарихий қайта тиклашда муҳим ўрин тарихий қонунларга тегишлидир.

Қонун ёрдамида назарий ва эмпирик қайта тиклаш (тарихий яхлитлик ва жараёнларни Т.Б.) амалга ошади».¹

Табиат (табий борлик) ва жамият (ижтимоий борлик) борлиқнинг турли томонларидир. Жамият табиат заминида шаклланади ва ривожланади. Табиат жамият учун Она - Замин. Инсон - табиатнинг доимий фарзанди. Шундай экан, борлиқнинг умумий қонунлари жамиятда ҳам устуворлик қилади ва ўзига хос ҳолатларда намоён бўлади. Шунинг учун биринчидан, фалсафий дунёқарашнинг илмий қисми–илмий фалсафа борлиқнинг умумий қонунларини ўрганар экан, ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларни билишнинг биринчи даражали методологик манбаи вазифасини ўтайди. Иккинчидан, жамият ўзига хос бир бутун яхлитликка эга. Демак, унинг умумий алоқадорликлари – қонунлари ва ҳаракатлантирувчи кучлари мавжуд бўлиб, улар ҳар бир тарихий макон ва замонда ўзига хос ҳолда намоён бўлади. Лекин жамиятнинг бу умумижтимоий қонунларини қайси тушунишга таянган ҳолда топиш мумкин? Бизнингча, жамият табиатдан воқеликка ишлов бериш орқали ажралиб чиққан экан, бу ишлов бериб яратилган борлик (жумладан, унинг субъекти – инсон ва унинг бирликлари) маданий борлик бўлиб, унинг ривожланиши билан жамият ҳам ривожланади, цивилизациялар ўзгаради, барча ижтимоий ҳодисалар унинг даражаси ва характериға боғлиқ ҳолда ўзгаради. Жамиятни бир бутун тизим сифатида тасаввур қилишга имкон берувчи ушбу тушуниш тарихни диалектик - маданий тушуниш бўлиб, ушбу тушуниш асосида ёритилган умумижтимоий қонунлар тўғрисидаги таълимот – ижтимоий фалсафа биз тадқиқ қилаётган мавзунинг навбатдаги, иккинчи тартибдаги методологик манбаи бўлиб хизмат қилади.

Агар илмий фалсафани, хусусан, диалектика ва билиш назариясини ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларни билишнинг биринчи тартибдаги методологик даражаси ва муайян тушуниш, жумладан, тарихни

¹ Ларина Т.М. Методологические проблемы исторической реконструкции. Автореф. ... канд. филос. наук. - Саратов, 1984. – С.18-19.

диалектик-маданий тушунишга асосланган ижтимоий фалсафани унинг иккинчи тартибдаги методологик даражаси десак, илмий билиш методларини эса унинг учинчи тартибдаги методологик даражаси деб қабул қилиш мумкин. Илмий билишнинг тарихийлик ва мантиқийлик, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, кузатиш, эксперимент, моделлаштириш каби методларидан фойдаланиш ижтимоий воқеликни тушунишга боғлиқдир. Чунки бу методлардан афсонавий билишда ҳам, идеалистик фалсафий дунёқарашларда ҳам, тарихни материалистик тушунишга асосланган ижтимоий фалсафада ҳам фойдаланишган. Кўплаб диссертацияларда бу ҳақда эса лом-лим дейилмаяпти. Диссертация авторефератларида тўғридан – тўғри тадқиқотнинг моделлаштириш, қиёслаш, анализ, синтез ва бошқа методлардан фойдаланилганлигини ёзишмоқда. Аммо илмий билишнинг бу методларидан воқеликни тушунишнинг қайси тури доирасида фойдаланилди, деган саволлар ҳануз очиқлигича қолмоқда. Ахир бу усуллардан диний тушунишларда ҳам фойдаланишади-ку?! Тадқиқотнинг назарий–методологик асоси қисмида ҳам худди шундай ҳолатни кузатамиз. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва қонун ости актлари тадқиқот ишининг назарий – методологик асоси бўлиб эмас, балки норматив асоси бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов, файласуф ва бошқа олимлар асарлари эса тадқиқот ишининг назарий асосларидан ҳисобланади. Аммо бу асарларнинг ижтимоий-фалсафий асосини қайси тушуниш ёки ёндашиш ташкил этганлиги очиқлигича қолмоқда. Мисол сифатида иқтибосда берилган авторефератлардан бирининг тадқиқот методлари ва тадқиқотнинг методологик асоси қисмига қаранг.¹

¹ Қаранг: **Тадқиқот методлари:** мавзуга оид тарихий, педагогик, психологик ва ижтимоий адабиётларни ўрганиш; ижтимоий методлар (анкета ва тест сўровлари, суҳбат, интервью); педагогик кузатиш; илғор иш тажрибаларини ўрганиш; педагогик тажриба; моделлаштириш; махсус (ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқловчи) тестлар; математик-статистик метод.

Тадқиқотнинг методологик асоси: тадқиқотнинг назарий ғояларини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да илгари сурилган назарий методологик ғоялар, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ҳамда тарихчи, файласуф, психологик ҳамда педагогик олимлар томонидан илгари сурилган қарашлар, «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисида»ги Низом талаблари, тарих фани бўйича яратилган Давлат таълим стандартларининг мазмуни, ўқув дастурларида белгиланган ҳамда ўқув дарсликларига қамраб олинган ўқув материалларининг

Ҳатто бунда ишнинг «методологик асослари» ўрнига «тадқиқот методлари» деб ёзилган. Ҳолбуки, тадқиқот методларидан фойдаланиш тадқиқотнинг методологик асосларига боғлиқ-ку?! Биз илмий билишнинг ушбу методларидан тарихни диалектик-маданий тушунишга асосланган ижтимоий-фалсафий дунёқараш ва унинг пировард мақсади – цивилизацияон ёндашиш доирасида фойдаланишга ҳаракат қилдик.

Демак, ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларни ижтимоий – фалсафий билишнинг ижтимоий воқеликни тушунишларга боғлиқлиги ва дунёқарашлардан озикланиши қонуниятли жараёндир. Бу борада «қонун», «қонуният» ва «қонуниятли» каби сўзларнинг маъно–мазмунини фарқлаш муҳимдир. «Қонун, - деб ёзади Ж.Туленов, – муайян шарт-шароитда воқеалар ривожининг характери ва йўналишини белгилайдиган, маълум бир қатъий натижани тақозо этадиган объектив дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг муҳим, зарурий, умумий, нисбий барқарор муносабатларидир».¹ Мазкур таърифда ҳар қандай қонунларнинг, табиат ёки жамиятдаги қонунлар бўлсин, белгилари ўз ифодасини топган. Қонуният эса, биринчидан, «якка қонунлар мажмуасидан иборат бўлиб, воқеликдаги нарса ва ҳодисалар жараёнларининг умумий ривожланиш йўналишларини белгилайди».² Қонуният сўзи иккинчидан, объектив равишда, «қонуний асосда, табиий равишда ўз-ўзидан келиб чиқувчи, табиий, муқаррар иш, ҳодиса ва»³ шу кабиларни англатади. «Қонуниятли» сўзи худди шу иккинчи маънода ишлатилади. Қонун воқеалар ривожининг характери ва жараёнлар йўналишини белгилар экан, у ижтимоий - тарихий яхлитлик ва унга хос жараёнларнинг негизини ҳам ташкил этади. Қонунларни диалектик фикрлаш ёрдамида очиш мумкин. Диалектик тафаккур услубининг стихияли диалектик, идеалистик диалектик, табиатни диалектик материалистик тушуниш, жамиятни диалектик материалистик

ҳажми, шахс тафаккури ва уни шакллантиришга оид психологик ва педагогик таълимотлар алоҳида ўрин тутди. // Муқимова Д.А. Касб–ҳунар коллежлари ўқувчиларида миллий ўзликни англаш туйғуларини шакллантиришнинг педагогик асослари (тарих фанлари мисолида). Пед. фан. ном.... дисс. автореферати. – Т.: 2007. – Б.7.

¹ Туленов Ж. Диалектика назарияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2001. – Б.106.

² Ўша ерда. – Б.149.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 – том. – М.: «Рус тили» нашриёти, 1981. – Б.598.

тушуниш, яъни тарихни - материалистик тушуниш ва тарихни диалектик - маданий тушуниш босқичлари мавжуд бўлиб, бундан биринчиси қадимги даврдан то Гегель замониғача устувор бўлиб келди. Диалектик тафаккур услубининг бу босқичи ҳамма нарса ўзгаради, деб ўргатади. Аммо бу диалектик тушуниш тараққиётнинг умумий қонунларини, шунингдек, жамиятнинг умумий қонунларини тўлиқ изоҳлаб берган эмас. Борлиқ, жумладан, жамият тарихини идеалистик тушунишда Гегель биринчи бўлиб диалектик қонунлар-тараққиётнинг асосий ва муҳим қонунларини очиб берди. Аммо у бу қонунларга табиат ва жамият тараққиётининг эмас, балки унинг яратувчиси – «мутлоқ рух»нинг намоён бўлиши сифатида қаради. Гегель кашф қилган диалектик қонунларни табиатни тушунишга қўллашдан табиатни диалектик-материалистик тушуниш шаклландики, бу ҳозирги табиатшунослик фанларида ўзининг методдолғик аҳамиятини сақлаб келмоқда. Гегель кашф этган диалектик қонунларни К.Маркс ва Ф.Энгельслар томонидан жамиятга қўллаш тарихни материалистик тушуниш, яъни жамиятни диалектик-материалистик тушунишни келтириб чиқардики, бу тушунишга мувофиқ барча ижтимоий ҳодисалар ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкчиликдан келиб чиқади. Иқтисодий муносабатлар – мулкчилик, айирбошлаш, тақсимот, истеъмол муносабатлари инсонлар томонидан яратилган ва амалга оширилган маданий ҳодисалар бўлиб, улар жамиятнинг бир томони, таркибий қисмлари ҳисобланади. Аммо уларни ижтимоий ҳодисаларнинг бирдан-бир белгиловчи манбаси, деб тушуниш «иқтисодий материализм»га, яъни унинг ролини ҳаддан зиёд бўрттиришга олиб боради. Бу тушуниш негизида ижтимоийизм тизими келиб чиқади. Собиқ СССРнинг 74 йилдан сўнг парчаланиши бу тушунишнинг бир томонламалигини ва чекланганлигини кўрсатди. Бу тушуниш асосида жамиятнинг қуйидаги умумижтимоий қонунлари, жумладан, моддий неъматларни ишлаб чиқариш усулининг ижтимоий тараққиётда, яъни жамиятнинг ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий ҳаёти соҳаларига нисбатан белгиловчилик роли қонуни, иқтисодий базиснинг устқурмага

нисбатан белгиловчилик роли қонуни каби «қонунлар» кашф қилинди. Бу қонунлар тўғрисидаги қарашларнинг бир томонламалиги қатор адабиётларда кўрсатилган.¹ Бу «қонунлар» ёрдамида жамиятнинг тарихан яхлитлиги ва жараёнларини тўлиқ ифодалаб бўлмайди. Чунки «ижтимоий билиш муаммосини диалектик-материалистик ҳал қилишда, – дейди Ж.Туленов, – моддий ҳаётни ишлаб чиқариш усули умуман ҳаётнинг ижтимоий, сиёсий ва руҳий жараёнларига сабабчи бўлади, деган тарихда пайдо бўлган барча ижтимоий муносабатларни ва давлат муносабатларини барча афсонавий ва ҳуқуқий тизимларни, барча назарий қарашларни фақат ҳар бир тегишли даврда, ҳаётнинг моддий шароитни тушунган ва уларни ана шу моддий шароитдан келтириб чиқарган вақтдагина тушуниш мумкин, деган қонидани эса тутишимиз зарур.

Маълумки, у ёки бу жамият нима ишлаб чиқаргани билан эмас, балки қай усулда ишлаб чиқариши билан характерланади. Моддий бойликлар ишлаб чиқариш усулининг ривожланиши ва алмашинуви табиий-тарихий характерга эгадир, яъни ўз ички қонуниятларига асосан амалга ошиб, уни ўрганиш эса ижтимоий билишнинг асосий масаласини ташкил қилади.»² ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларни ижтимоий – фалсафий билишда ушбу тушуниш ҳозирги кунда ҳам анъанавий кучини сақлаб қолмоқда. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз И.А.Каримов «Fidokor» газетаси муҳбири саволларига жавоб бериб, «бугун ўрта ва олий даргоҳлардаги таълим-тарбия жараёнларида фойдаланилаётган дарсликлар, дастур-қўлланмалар, китоблар қандай мафкурадан озиқланган? Уларда эски тузум давридан қолган ғоявий қарашлардан тўлиқ воз кечилганига ким қафолат бера олади? Бу ҳақда қайта-қайта гапиришга тўғри келмоқда?»³ деган эди.

Маълумки, Юртбошимиз И.А.Каримов томонидан «халқнинг маънавияти ва маданияти... жамиятимизни... муваффақиятли равишда олға

¹ Қаранг: Рустамбоев М.Ҳ., Абдухолиқов С.О. Ҳуқуқ методологияси: тарихи ва ҳуқуқни диалектик -маданий тушуниш асослари (виждон эркинлиги ва жинойт ҳуқуқи фани материаллари асосида). 2 – китоб. – Т.: ГДЮИ нашриёти, 2006. 11-113 бетлар.

² Туленов Ж. Ҳаёт фалсафаси. – Т.: «Ўзбекистон», 1993. – Б.284.

³ Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустақил иродасига ишонаман. // «Фидокор» газетаси, 2000 йил 8 июль. – Б.2.

силжишида ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир»¹, жамиятнинг ривожланиши «эволюцион йўл билан нормал, маданиятли таракқиёт»²дан иборат, кишилиқ тарихи муайян тарихий макон ва замонга эга «кўпдан кўп мустақил цивилизациялар»³дан ташкил топган, деган назарий дастуриламал фикрларни илгари сурди. Ўзбекистонни ривожланган мамлакатлар даражасига чиқариш ички ва ташқи миллий ва хорижий кадриятлардан фойдаланиш ва уларни ватанимизда қарор топтириш орқали юз беради.⁴ Ўзбекистон Республикаси давлати ва Юртбошимиз И.А.Каримов аъмолининг асосий мақсади барча соҳаларда маданий кадриятларни ўрнатишдан иборат. Жамият ўзаги маданий борлиқ ушбу маданий кадриятлар ҳисобига кенгайиб, такомиллашиб боради. Фан ютуқлари, янги технология, ўз-ўзини англаш, миллий ғурур, фидойилиқ ва бошқа шу кабилар маданий кадриятлардир. Жамият табиатдан воқеликка ишлов бериш орқали, шу йўл билан ўз мавжудлигини таъминлаш туфайли ажралиб чиққан. Борлиқнинг ишлов бериб яратилган қисми маданият, яъни маданий борлиқ⁵ бўлиб, унинг ўзгариши ва такомиллашиши билан цивилизациялар ўрин алмашишган ва умуман жамият ўзгарган ва ривожланган. Ижтимоий-тарихий яхлитлик жамиятнинг ўзаги-маданий борлиқнинг бир бутунлигидан ва тарихий жараёнлар унинг ички асосий, барқарор боғланишлари-қонуниятларидан келиб чиқади. Мазкур тушуниш Юртбошимиз И.А.Каримов аъмоли билан боғлиқ ҳолда юзага келаётган тарихни диалектик-маданий тушуниш ва унинг пировард мақсади – цивилизацияон ёндашиш бўлиб, биз ўз тадқиқот ишимизнинг кириш қисмида таъкидлаганимиздек, ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларни билишда ушбу тушунишга таяндик.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. – Б.114,139-140.

² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва таррақиёт йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 1992. - Б.10.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. – Б.144.

⁴ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва таррақиёт йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 1992. - Б.10.

⁵ Одилқориев Х.Т., Ғоипназаров Ш.Ғ. Сиёсий маданият. – Т.: ЎЗР ИИВ Академияси, 2004. - Б.9.

Фалсафий дунёқараш, хусусан, илмий - фалсафий дунёқараш ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларни билишнинг ғоявий манбаи экан, тадқиқотчининг қуйидаги фалсафий - онтологик ва диалектик тамойилларга таяниши муҳим аҳамиятга эгадир.

Маълумки, жамият ўзига хос бир бутун яхлит тизим бўлса-да, унинг келиб чиқиши, шаклланиши ва ривожланиши маълум маънода табиат тарихининг давоми ҳамдир. Табиий моддий борлиққа хос механик, физик, химик ва биологик қонуниятлар жамиятнинг моддий ҳаёти қисмида ҳам амал қилади. Ушбу фактлар борлиқ, жумладан, материя ва унинг мавжудлик усули ва мавжудлик шакллари тўғрисидаги, инсон онги юксак даражада ташкил топган материянинг хоссаси эканлиги тўғрисидаги қарашлар ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларни билишнинг фалсафий - онтологик асослари бўлиб хизмат қилади. Материя барча томонлари билан ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг моддий заминидир, материянинг ижтимоийлашган қисми эса, яъни ижтимоий моддий материя – моддий маданият ва унинг негизида юзага келадиган жамиятнинг моддий ҳаёти эса тарихан бир бутун жамият – ижтимоий - тарихий яхлитлик ва унга хос жараёнларнинг таркибий қисми ҳамдир.

Борлиқ моддий ва руҳий, табиий ва ижтимоий борлиқларга бўлинади. Моддий борлиқ, яъни материя ва руҳий борлиқларни табиий борлиқ билан чоғиштирсак, табиий борлиқ табиий- моддий борлиқ, яъни табиий материя ва табиий-руҳий борлиқлардан иборатлиги, уларда ўзига хосликлар мавжудлиги маълум бўлади. Агар моддий ва руҳий борлиқларни ижтимоий борлиқ билан чоғиштирсак, ижтимоий борлиқнинг бир томонида жамиятнинг моддий ҳаёти ва иккинчи томонда жамиятнинг маънавий ҳаёти турганлигини кўрамиз. Ижтимоий борлиқнинг оралиқ қисмларида эса жамиятнинг ижтимоий ҳаёти ва жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий ҳаётлари соҳалари мавжудлигини кўрамиз. Жамиятнинг тузилишида унинг «ижтимоий ҳаёти соҳаси», ёки «ижтимоий борлиғи» тушунчаси тор маънода, яъни фақат инсон ва унинг бирликлари ва уларнинг турмуш шароитлари маъноларида

ишлатилади. Агар олам-борлиқнинг бирлиги, мутафаккирлар таъкидлаганидек, унинг моддийлигида бўлса, ижтимоий борлиқ, яъни жамиятнинг яхлитлиги, бир бутунлиги унинг маданий қисмларининг бирлигидадир.¹

Ҳаракат борлиқнинг атрибути эканлиги масаласи ҳам фалсафий онтология масаласидир. Ҳаракат борлиқнинг мавжудлик усулидир. Борлиқнинг хилма-хиллигидан механик, физик, химик, биологик ва ижтимоий ҳаракат шакллари мавжудлиги фарқланади. Ижтимоий ҳаракат жамиятнинг ўзига хос жараёнларини ифодалайди. Агар «ҳаракат борлиқнинг мавжудлик усули» деган тамойилни жамият, яъни ижтимоий борлиққа қўлласак, ижтимоий фаолият жамият ўзаги бўлиш маданий борлиқнинг мавжудлик усули бўлиб чиқади. Ижтимоий фаолият ўз навбатида, кишиларнинг яратувчилик фаолиятлари ва яратилган натижаларни ўзлаштирувчилик, жумладан, уларни истеъмол қилиш ва улардан фойдаланиш фаолиятларидан иборат бўлиб чиқади.

Фалсафий онтологиянинг муҳим объектларидан бири макон ва замон масаласидир. Бу борада макон ва замоннинг метрик (миқдорий) ва топологик (сифатий) хусусиятлари ижтимоий макон ва замоннинг метрик ва топологик хусусиятларининг жамият ўзаги—маданий борлиққа боғлиқликларини билишда, ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнлар ўзига хос ижтимоий макон ва замон — цивилизацияларда юз беришини аниқлашда муҳим методологик аҳамиятга эгадир.

Табиий-руҳий борлиқ зоопсихологиянинг тадқиқот объекти ҳисобланади. Ижтимоий-руҳий борлиқ, жумладан, онгни ижтимоий психология ва бошқа гуманитар фанлар ўрганadi. Ижтимоий борлиқнинг таркибий қисмларидан бири—жамиятнинг маънавий борлиғи (ҳаёти соҳаси)нинг ўзагини маънавий маданият ташкил этади, маънавий

¹ Қаранг: Рустамбоев М.Х, Абдухолиқов С.О. Ҳуқуқ методологияси: тарих ва ҳуқуқни диалектик маданий тушуниш асослари (виждон эркинлиги ва жиноят ҳуқуқи фани материаллари асосида). 2-китоб. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. –Б.7.

маданиятнинг ўзагини эса инсон онги ташкил этади. Жамият ўзаги-маданий борлиқнинг бирон бир қисми инсон онгисиз юз бермайди. ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг мавжудлиги ва амал қилиши бевосита маданий борлиққа боғлиқ экан, бунда инсон онги унинг гносеологик асоси вазифасини ўтайди. Инсон онги айна вақтда борлиқда мавжуд ва унинг томонларига хос инъикос шакллари эволюциясининг натижасидир. Демак, онг тўғрисидаги фалсафий таълимот ҳам ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг юз беришини билишда муҳим методологик аҳамиятга эгадир.

Хуллас, фалсафа фанининг биринчи таркибий қисми—фалсафий онтология ижтимоий борлиқ, жумладан унинг тарихий яхлитлигининг таркибни, ундаги субординацион ҳолатларни, уларнинг бирлигини ва унинг таркибга хос жараёнларини аниқлашга имкон беради ва фалсафий асослашда восита бўлиб хизмат қилади.

Модомики ижтимоий борлиқ бир бутун борлиқнинг ўзига хос сифат муайянлигига эга бўлган яхлит организм сифатидаги таркибий қисми экан, борлиқнинг умумий диалектик қонунлари ижтимоий борлиқ ва унинг яхлитлиги шакли бўлмиш ҳар бир цивилизацияда ҳам ўзига хос ҳолда намоён бўлади. Диалектика қонунлари асосий ва муҳим қонунлар туркумларига ажратилади. Диалектиканинг асосий қонунлари миқдор ва сифат ўзгаришларининг бир бирига ўзаро ўтиши қонуни, қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни ва инкорни инкор қонунлари ҳисобланади. Миқдор ва сифат ўзгаришларининг ўзаро бир бирига ўтиш қонуни жамият ўзаги – маданий борлиқнинг субстанционал бир бутунлиги қонуни орқали юз бериб, ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг механизмини очиб беради. Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни эса жамият ўзаги – маданий борлиқнинг субстанционал илгарилама доиравий айланиши қонуни орқали намоён бўлиб, ижтимоий тарихий яхлитлик ва жараёнлар манбаини ёритиб беради. Инкорни инкор қонуни жамиятнинг ўзаги – маданий борлиққа хос учинчи субстанционал қонун – эҳтиёжнинг ошиб бориши

қонуни орқали юз бериб, ижтимоий–тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг йўналишини кўрсатиб беради.

Диалектиканинг муҳим қонунлари унинг универсал, таркибий ва сабабий алоқадорликлари ҳисобланади. Универсал алоқадорлик қонуниятларидан бири барча борлиқ шакллариға хос моҳият ва ҳодисалар диалектикаси ижтимоий–тарихий яхлитлик ва жараёнлар жамият ўзаги – маданий борлиқнинг ички туб ўзгаришлариға боғлиқлигини кўрсатиб беради. Универсал алоқадорлик қонуниятларидан яна бири – умумийлик, хусусийлик ва алоҳидалиқ диалектикаси ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнлар умумий боғланишларини, умумиижтимоий жараёнлар алоҳида ижтимоий ҳаёт соҳалари жараёнлариға ўтишини ва аксинча, ижтимоий ҳаёт соҳаларидаги жараёнлар бир бутун яхлит ҳолида жамиятга ўтиши мумкинлигини билишга имкон беради. Таркибий алоқадорликлар қонуниятлардан бири – бутун ва қисм диалектикаси ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг таркибини билишга, яна бири – мазмун ва шакл диалектикаси ижтимоий–тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг томонлари ўртасидаги боғланишларни ёритишга, учинчиси – тизим ва таркиб диалектикаси ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг қонуниятли тарзда бир бутун бўлиб шаклланиши ва ташкилланишини ечишга имкон беради. Сабабий алоқадорлик қонуниятларидан бири – сабаб ва оқибат диалектикаси ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг асосий босқичларини, иккинчиси – зарурият ва тасодиф диалектикаси ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг муқаррарлиги қонуниятли тарзда боришини, имконият ва воқелик диалектикаси эса ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг изчиллигини билишга ёрдам беради. Кейинги пайтда ночизиқли ҳаракат, тартибсизлик, ўз-ўзини ташкил этиш ва ўз-ўзини бошқариш тўғрисида синергетика деб аталувчи тафаккур услуби ҳам шаклланмоқда.¹ «Синергетик ёндашиш позицияси билан, - деб ёзади С.П.Мирончик, – ривожланиш ғояси

¹ Қаранг: Основы философии. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – С.215-218.

бунда зарурият ва тасодиф бир–бирларини тўлдирган ҳолда муҳим ролни ўйнар экан, материянинг ўз-ўзини конструкциялаш, ўз-ўзини ташкил этиш жараёни сифатида ифодаланмоқда».¹ Бизнингча, агар синергетика сўзи энергиянинг бир бутунга синтезлашувини, ўз-ўзини ташкил этиш ва бошқаришни ифодалар экан, унда бу ҳолат борлиқ тизимида нисбатан бир бутун сифатидаги жамиятни ўз ички жараёнлари билан яхлитликда олиб ўрганишга, ўзига хос ўз-ўзини ташкил этиш- жамиятнинг яхлитлигига хос ўз-ўзидан ҳаракат ва ривожланишини билишга, жамият яхлитликлари ва ундаги жараёнларнинг турли–туманликларининг сабабларини билишга ёрдам беради. Ночизикли ҳаракат, энергиянинг синтезлашуви сифатидаги ўз-ўзини ташкил қилиш ва ўз-ўзидан ҳаракат умумий алоқадорликлар тизимида юз берар экан, демак, синергетик ёндашув диалектикани тўлдириб келади. Хуллас, диалектик алоқадорликлар объектив ҳолатда мавжуд бўлиб, ижтимоий–тарихий яхлитлик ва жараёнларда жамият ўзагиси – маданий борлиққа хос корреляцион-функционал ва субстанционал заминлари орқали амал қилади.

Биринчи бобни яқунлаб, қуйидаги хулосаларни илгари суришимиз мумкин.

1. Ижтимоий билишнинг назарий шакллари тизимида ижтимоий–фалсафий билишни унинг бошқа турларига нисбатан дунёқараш ва методологик функцияларни бажаради. Чунки умумижтимоий қонунларсиз жамиятнинг тарихан яхлитлигини ҳам, унинг жараёнларини ҳам илмий изоҳлаб бўлмайди. Бунинг учун эса Юртбошимиз И.А.Каримов аъмоли билан боғлиқ ҳолда шаклланётган тарихни диалектик - маданий тушуниш ва унинг пировард мақсади цивилизацион ёндашиш асосида ижтимоий фалсафа фанининг тузилишини қайта кўриб чиқиш лозимдир.

2. Дунёқарашлар ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларни билишнинг манбаи бўлиб, у воқелик, жумладан, ижтимоий воқеликни

¹ Мирончик С.П. Культурно историческое детерминация научного подхода к природе. Автореф. дисс. ...канд. филос.наук. –Свердловск, 1990. –С.18.

тушунишлар асосида шаклланади. Бугунги кунда тарихни материалистик тушуниш, яъни жамиятни диалектик-материалистик тушуниш асосида шакланган ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнлар тўғрисидаги таълимотларни ижтимоий ўзгаришларнинг негизида маданийлик ётганлиги учун тўла маънода илмий деб бўлмайди. Чунки ҳар қандай ижтимоий ҳаёт соҳалари маданиятларининг бир-бирлари билан боғланишларидан корреляцион-функционал ва субстанционал қонунлар таркиб топар экан, ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнлар улардан келиб чиқади. Шунинг учун биз ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларни Юртбошимиз И.А.Каримов аъмоли билан боғлиқ ҳолда шакланаётган тушуниш, яъни тарихни диалектик - маданий тушуниш асосларига таянган ҳолда баён этдик.

II БОБ. ИЖТИМОЙ - ТАРИХИЙ ЯХЛИТЛИК ВА ЖАРАЁНЛАРНИНГ КОРРЕЛЯЦИОН-ФУНКЦИОНАЛ ВА СУБСТАНЦИОНАЛ ЗАМИНЛАРИ

2.1. Ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг корреляцион- функционал заминлари

Борлиқ моддий ва рухий, табиий ва ижтимоий борлиқ, яъни жамиятлардан иборат. Жамият ибтидоий даврдан то ҳозирги кунгача табиий борлиқ-табиатга нисбатан ўзига хос бир бутунлик – яхлитликка эгадир. Аммо жамият ўз тарихий ривожланиши бўйича узлукли ва узлуксизликдан иборат. Худди шу узлуксизлик-давомийлик, жамият ўзаги бўлган маданий борлиқ ва унинг ютуқларининг ворисийлик қонунияти асосида авлоддан-авлодга ўтказилиши табиатга ёки ўзга цивилизацияларга нисбатан жамиятни бир бутун яхлит деб ўрганишга асос бўлади. Агар тарихий яхлитлик жамиятнинг сифат муайянлигини ифода этса, тарихий жараён эса унинг ўзгаришини, жумладан, илгарилама ҳаракатини акс эттиради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ижтимоий-тарихий яхлитлик доимо ўзгариш – шаклланиш, ривожланиш ва бир шаклдан иккинчи шаклга ўтаётган, яъни тарихий жараёнда бўлган жамиятнинг бир бутунлигини ифодалайди. «Яхлитлик» сўзи рус тилида «целостность», яъни бутунлик маъносини беради. Бутун ва қисм эса фалсафий категориялар сифатида борлиқнинг таркибий алоқадорлик тизимининг муайян қисмини ифодалайди. Таркибий алоқадорлик деб аталувчи қонуниятлар эса бутун, қисм ва элемент, мазмун ва шакл, тизим ва таркибий каби диалектика категориялари орқали билиб олинади. Бутун ўзаро диалектик алоқадорликда бўлган қисмлар, элементларнинг узвий бирлигидан иборат алоҳида воқелиқдир. Қисм эса бутунни ташкил этган, унинг тарихибидаги бўлак, томон, элементдир.¹

¹ Қаранг: Фалсафа: Ўқув қўлланма (Э.Ю Юсуповнинг умумий таҳрири остида). – Т.: «Шарқ», 1999. – Б. 205.

Илмий адабиётларда бутуннинг турли типлари, жумладан, механик, органик, ташкиллашган ва бошқа типлари фарқ қилади.¹

Борлиқ – олам бир бутундир. У социологик маънода табиий ва ижтимоий борлиқ (жамият) каби қисмлардан иборат. Аммо, ўз навбатида, бу қисмлар ҳам ўз миқдор ва сифат муайянлигига эга бутунликлардан иборат. Табиий борлиқ, ташкиллашганлик яхлитлигига кўра, анорганик ва органик қисмлардан иборат. Ижтимоий борлиқ, яъни жамият ҳам ўзига хос яхлитликка эга бўлса-да, борлиқнинг ташкиллашганлигининг бир қисми ҳисобланади. Агар уларнинг генетик боғланишларига эътибор берсак, анорганик бир бутунликдан органик бир бутунлик ва бир органик бутунликдан жамиятнинг бир бутунлиги келиб чиққан. Анорганик бир бутун табиат органик ва ижтимоий бир бутунликларсиз мавжуд бўлади. Лекин органик бир бутунлик анорганик бир бутунлик негизида юзага келади. Жамият бир бутунлик сифатида уларнинг иккаласи негизида таркиб топади. Механик, физик, химик, биологик ва ижтимоий ҳаракатлар негизида механик, физик, химик, биологик ва ижтимоий бир бутунликларнинг юқори қисми уларнинг қуйи қисми негизида таркиб топади.

Анорганик бир бутунликнинг типларидан уларнинг функционал бир бутунликлари ҳам келиб чиқади. Жонли табиатга бутунликнинг органик типи хосдир. Жамият инсонларсиз таркиб топмайди. Жамият табиатдан воқеликка ишлов бериш асосида ажралиб чиққан. Ишлов бериб яратилган борлиқ бир бутун маданий борлиқ бўлиб, улар тўртта асосий томон (қисм): инсон ва унинг бирликлари, моддий маданият, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятлар, маънавий маданиятларнинг корреляцион-функционал бирлигидан иборат. «Корреляция» сўзи ўзаро алоқадорик, ўзаро тақозо қилиш деган маъноларни беради. Маданий борлиқнинг томонлари функционал, яъни амал қилиш ҳолатларига кўра бир-бирларини тақозо қиладилар. Биз илгари сурган ғоя – ушбу маданий томонларнинг

¹ Туленов Ж. Диалектика назарияси. -Т.: «Ўзбекистон», 2001. – Б.151.

корреляцион–функционал бирлигидан жамиятнинг тарихан яхлитлиги келиб чиқади, деган фикрдир. «Яхлитликнинг келиб чиқиши, – деб қайд қилади Я.Фебер, - бу унинг мавжудлигининг фақат тарихигача бўлган босқичдир. Унинг ўз тарихи – бу қайта ишлаб чиқаришнинг кенгайиши жараёни, ўз-ўзини инкор жараёни, қачонки яхлитлик ички зиддиятлар асосида янги ҳолатга ўтади. Яхлитликнинг ўз-ўзидан харакати унинг мавжудлигининг барча зарурий шароитларини қайта ишлаб чиқариш жараёни ҳисобланади».¹ Жамият ўзаги бўлган маданий борлиқнинг бу томонларини тизим ҳолатида шакллантирувчи субстанционал элементларининг генетик боғланишларидан жамиятнинг субстанционал бир бутунлиги ва ижтимоий-тарихий жараёнлари келиб чиқади. Эски ижтимоий-тарихий жараёнлар негизида эса янги типдаги ижтимоий-тарихий яхлитликдан иккинчи типдаги ижтимоий-тарихий яхлитлик ҳам келиб чиқади. Бир типдаги ижтимоий-тарихий бутунликдан иккинчи типдаги ижтимоий-тарихий бутунликка ўтганда ижтимоий ҳаётда ўзига хос жараёнлар ҳам ўзгаради.

Ҳар қандай бутун ўз мазмун ва шаклига эга. Жумладан бир бутун жамият тарихан яхлит сифатида жамият ўзаги бўлган маданий борлиқ томонларининг корреляцион-функционал боғланишларидан иборат мазмунига ва цивилизациялар кўринишидаги шаклларига эга. Мазмун нарса ва ҳодисалар элементлари ўзгаришларини ифодаловчи жараён бўлса, шакл эса мазмуннинг ички ва ташқи бирлигини ифодалайди. Ушбу бирлик туфайли ҳар қандай нарса ва ҳодисалар сифат муайянликларига эга бўлади. Мазмун ва шакл нарса ва ҳодисанинг икки томони ҳисобланади. Ҳар қандай мазмун шаклда ифодаланади ва шакл ҳам ўз мазмунига эга бўлади. Мазмун бир қанча шаклларда ва аксинча, турли хил мазмун бир шаклда ифодаланиши мумкин. «Оламдаги ҳар бир нарса ва ҳодисада мазмун билан шакл ажралмас бирликда бўлади, - деб ёзади Ж.Туленов. - Мазмунга эга бўлиб, шаклга эга

¹ Фебер Я. Единство мира и целостность мышления. Автореф.дисс. ...канд.филос.наук. – Санкт-Петербург, 1992. –С.16.

бўлмайдиган ёки шаклга эга бўлиб, мазмунга эга бўлмайдиган ҳодисалар йўқ. Шунинг учун уларни бир - биридан ажратиш мумкин эмас.

Мазмун билан шакл бирлигида мазмун ҳал қилувчи, асосийдир. Мазмун шаклни белгилайди. Олдин мазмун, сўнгра шакл ўзгаради. Шундай бўлса-да, шакл нисбий мустақилликка эга бўлиб, мазмун ривожланишига фаол таъсир этади.

Мазмун ва шаклнинг бирлиги улар орасидаги зиддиятни мустасно этмайди. Нарса ва ҳодисаларнинг илгарилаб бориши мазмун ва шакл ўртасидаги содир бўлган зиддиятларни ўз вақтида бартараф этиш илмий билиш ва амалиётда муҳим роль ўйнайди»¹. Ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларда мазмун ва шаклнинг диалектик бирлиги жамият ўзаги – маданий борлиқнинг ички алоқадорлигидан келиб чиқади. Илмий адабиётларда таъкидланганидек, инсон эҳтиёжларининг турли-туманлигидан маданий борлиқнинг турли соҳалари келиб чиққан. Кишиларнинг ижтимоий бирликлари ва унинг томонлари: моддий, маънавий ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятлар маданий борлиқнинг асосий соҳаларидир. Бу маданият турлари негизида ижтимоий ҳаётнинг субъекти-кишиларнинг ижтимоий бирликларининг моддий, маънавий ва сиёсий-ҳуқуқий ҳаёт соҳалари келиб чиққан.

Хўш, жамият ўз ички ривожланиши, тарихи бўйича ўзига хос тарихий яхлитлик ва жараёнлардан иборат экан, уларнинг мазмуни нимада? Биз ушбу параграфда асосий эътиборни тарихий яхлитлик мазмунларидан бири бўлган корреляцион-функционал боғланишларга қаратмоқчимиз.

Табиат, жамият ва унинг яхлитлиги ва хилма-хиллигининг табиий замини ҳисобланади, аммо унинг ички ўз-ўзидан ривожланишининг асоси ҳисобланмайди. Тарихни диалектик-маданий тушунишга мувофиқ, одамлар жамоаси табиатдан воқеликка ишлов бериш орқали ажралиб чиққанлар. Чунки ҳайвонлар табиий тайёр нарсаларни еб, ўз мавжудликларини таъминлайдилар. Одамларнинг табиатни ўзгартириб ўзлаштиришлари яқка

¹ Туленов Ж. Диалектика назарияси. — Т.: «Ўзбекистон», 2001.— Б.150.

холда эмас, балки жамоа доирасида амалга ошади. Бу табиатга ишлов бериб яратган борлиғи «культура» - маданият ҳисобланган. Наинки, уни табиат яратмаган. Маданий ўсимликлар, уй ҳайвонлари, меҳнат қуроллари, ерга ишлов бериш жараёнининг ўзи, ерга ишлов бериш жараёнида, яъни меҳнат жараёнида одамнинг биоижтимоий маданийлашиб бориши, меҳнат жараёнини бошқариш ва унинг натижалари бўлган ҳосилни тақсимлаш, мулкни кафолатлашлар маданий фактлардир. Улар инсон онги орқали юз берган. Инсон онги ҳам маданийдир, у жамият маънавий маданиятининг ўзак қисми ҳисобланади. Бу маданий ҳодисалар инсонлар билан биргаликда мавжуд бўлган, мавжуд ва мавжуд бўлади. Улар борлиқнинг инсон томонидан воқеликнинг ўзгартирилган кўринишларидир. Улар бир бутунликни ташкил этиб, жамият ўзаги бўлган маданий борлиқни ташкил этади. Маданий борлиқнинг ўзагида инсон ва унинг жамоаси туради. Чунки инсон уларнинг яратувчиси ва авлоддан-авлодга ташувчиларидир. Ушбу маданий борлиқ келиб чиқиши билан ижтимоий ҳаёт келиб чиққан, у ўзгариши билан ижтимоий ҳаёт-мамлакатлар ўзгарган, тарихий даврлар келиб чиққан.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бир бутун яхлит жамият куйидаги тўртта асосий соҳалардан иборат: жамиятнинг моддий ҳаёти соҳаси, жамиятнинг ижтимоий ҳаёти соҳаси, жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётлари соҳалари ва жамиятнинг маънавий ҳаёт соҳаси ва унинг тармоқлари. Лекин тарихий материализмда жамиятнинг моддий ҳаёти соҳаси моддий неъматларни ишлаб чиқариш билан тенглаштирилиб, ўз-ўзидан детерминация ва ўз-ўзидан ривожланишига қодирлик қилади, жамиятнинг бошқа барча қисмларининг яхлитлик сифатида зарурий умумий йўналиши ва ривожланишини юзага келтиради,¹ дейилган қоида ҳукмрон эди. Жамиятнинг тарихий яхлитлиги ва жараёнларини излаш шу вақтга қадар ушбу иқтисодий детерминизмга асосланган эди. Жумладан, бунга мисол

¹ Қаранг: Калиев Ю.А. Основной социологический закон и его значение в развитии общества. Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – М: 1989. – С.11.

сифатида А.Абдуманноповнинг «Ижтимоий ҳаёт яхлитлиги (яъни бир бутунлиги. -Т.Б.) ва тизимли ёндашиш» номли диссертациясида ушбу қарашлар асос қилиб олинган эди. «Жамият, - дейди у, - бу моддий неъматларни ишлаб чиқаришнинг конкрет усулига асосланган нисбий мустақил, очиқ, ўз-ўзидан ривожланувчи ва ўз-ўзидан бошқарилувчи бир бутун тизим, принципиал янги сифатий тизим бўлиб, юзага келиши, амал қилиши, ривожланиши ва сифатий айланиши инсон фаолияти воситасида намоён бўладиган ўзининг махсус қонунларига эга ижтимоий элемент ва ҳодисаларнинг интеграцион ижтимоий ўзаро алоқадорликларининг маҳсули ҳисобланади.»¹ Жамиятни тизим сифатида изоҳлаб берган бу ғоялар ўша даврда ҳукмрон бўлган коммунистик мафкураининг негизи-тарихни материалистик тушуниш асосида чиқарилган хулосалардир. Бу илмий тушуниш жараёни, собиқ Иттифоқ даврида ёзилган деярли барча асарларда учрайди. Жумладан, тадқиқотчи К.Б.Досалиев «Ижтимоий ҳодисаларни билишда бутунлилик ёндашишининг роли» номли номзодлик диссертациясининг иккинчи бобини «Ижтимоий билишга бутунли ёндашишни диалектик-материалистик асослаш» деб номлаган. У ўз тадқиқот ишида жамиятнинг яхлитлигини асослашда объектив оламнинг моддий бирлиги тамойилига таянган.²

Биз эса ўз тадқиқот ишимизда ижтимоий ҳаёт соҳаларининг ўзак қисмлари-маданийлик ва уларнинг бирликларидан келиб чиқдик. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз И.А.Каримов «тафаккурнинг мафкуравий ақидалардан (сўз аввало, коммунистик ва афсонавий ақидапарастлик устида кетмоқда- Т.Б.) холи бўлган, ҳар бир мамлакатнинг ва бутун жаҳон маърифатпарварлигининг сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтиши шакллари ва йўлларининг хилма-хиллигини кўрсатиб берадиган янги тури ва услубини яратиш»³ зарурлигини илгари сурган эди.

¹ Абдуманнопов А. Диалектика целостности общественной жизни и системный подход. Автореф. дисс. ...канд. филос. наук.-Т: 1983.-С.11.

² Қаранг:Досалиев К.Б. роль целостного подхода в познании социальных явлений. Автореф. дисс. ...канд. филос.наук. – Алма –Ата: 1985. – 24с.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли.-Т.: «Ўзбекистон», 1993.- Б.4.

Ҳозирги кунда илмий адабиётларда тарихни материалистик тушуниш ўрнида Юртбошимиз И.А.Каримов аъмоли билан боғлиқ ҳолда тарихни диалектик-маданий тушуниш шаклланмоқда. «...экокадриятларга, - деб ёзади Р.П.Маматқулов, - иқтисодий детерминизм нуқтаи назаридан формацион ёндашиш тарихни материалистик тушунишнинг тамал тоши бўлса, цивилизацион ёндашиш эса, Юртбошимиз И.А.Каримов аъмоли билан боғлиқ юзага келаётган тарихни диалектик - маданий тушунишнинг пировард мақсадини ташкил этади. Шунинг учун Юртбошимиз И.А.Каримов тафаккур услубини ўзгартириш ғоясини илгари сурган эди. Биз «табиат-жамият-инсон» тизимидаги экологик алоқадорликлар бевосита цивилизацияларга боғлиқлигини эътиборга олиб, сўнгги тушунишни тадқиқотимизда ижтимоий -фалсафий методология сифатида қўлладик ва унинг цивилизацион ёндашишлигини асослашга ҳаракат қилдик.»¹

Ижтимоий воқеликни ушбу янгича тушуниш бошқа тадқиқотчилар томонидан ҳам илгари сурилган эди. Жумладан, профессор Ҳ.Ф.Воҳидов шундай дейди: «Ҳозирги замон илмий адабиётида формацион ёндашув аста-секин ўз ўрнини цивилизацион ёндашишга бўшатиб бермоқда, чунки бу ёндашув ҳуқуқий давлат ва ҳуқуқ вазифаларига мосдир, уларни илмий таҳлил қилиш имкониятини беради...».²

Бизни жамиятнинг яхлитлиги ва жараёнларини қайси методологик тамойиллар ёрдамида ёритиш қизиқтиради. Жамиятнинг яхлитлиги масаласи эса ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистонда чоп этилаётган баъзи адабиётларда очиклигича қолмоқда. Жумладан, 1998 йилда рус тилида чоп этилган «Фалсафа асослари» ўқув қўлланмасида «жамият ҳар қандай мураккаб бир бутун ташкиллашганлик сингари, ҳар қандай тизим сингари, ўз тузилишига эгаллик қилади,» деган фикрдан нарига ўтилмаган. Таркибий алоқадорликлар тизимида билиш бутун ва қисм диалектикаси (бутунли ёндашиш)дан унинг мазмуни ва шаклига ва ундан тизим ва таркибга томон чуқурлашиб боради.

¹ Маматқулов Р.П. Ўзбек халқи ахлоқий кадрияларида табиатга оқилона муносабат ва унинг ҳозирги кундаги аҳамияти. Фалсафа. фан. ...дисс. автореферати. – Т... 2006. – Б.7.

² Воҳидов Ҳ.Ф. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларни ўрганиш методологияси// Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Дарслик. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2003.- Б.8.

Китобда эса жамият бир бутун яхлит ҳолида изоҳланмаган. Тизим бутун мазмунининг асосий, ўзак қисмини – қонуниятли боғланишларини ўз ичига олади. Демак, ижтимоий - тарихий яхлитлик охир - оқибатда жамиятни тизим сифатида қараб чиқишни тақозо этади. Бунинг учун ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларни билишда ҳам жамиятнинг бир бутун ҳолатини назарий яратишдан унинг мазмунига, яъни корреляцион-функционал қонунлари-боғланишларига ва ундан сўнгра, янада чуқурроқ боғланиш – ижтимоий-тарихий яхлитликни тизим сифатида ташкил этувчи субстанционал қонунларига ўтилади.

Тарихни материалистик тушунишга мувофиқ, «кишилар сиёсат, фан, санъат, дин ва ҳоказолар билан шуғулланишига қодир бўлмоқ учун аввало емоқ, ичмоқлари, уй-жойлик бўлмоқлари ва кийинмоқлари керак; демак, тирикчилик учун бевосита зарур моддий воситаларни ишлаб чиқариш ва натижада халқ ёки давр иқтисодий тараққиётининг ҳар бир маълум босқичи шундай бир негиз ҳосил қиладики, давлат муассасалари, ҳуқуқий қарашлар, санъат ва ҳатто муайян кишиларнинг афсонавий тасаввурлари ҳам шу негиздан тараққий топади ва шу сабабли уларни ана шу негизга асосланиб изоҳламоқ керак.»¹ Бу ёндашиш, яъни ижтимоий ҳодисаларнинг мавжудлиги ва ривожланишини моддий неъматларни ишлаб чиқариш, жумладан, ишлаб чиқариш муносабатлари, хусусан, мулкчиликдан қидириш собиқ «совет фанлари»нинг ўқ илдизини ташкил этган эди. Мисол сифатида тадқиқотчи А.Абдусаломовнинг қуйидаги фикрини келтирамиз: «Социалистик жамиятнинг ижтимоий яхлитлиги асоси социалистик ижтимоий мулкчилик ҳисобланади, у ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини бир бутунликка боғлайди ва кишилар бирлигининг ҳар хил ижтимоий гуруҳларини якка коллектив (жамоа -Т.Б.)га айлантиради».²

Тарихни диалектик-маданий тушунишга мувофиқ эса, кишилар табиатдан воқеликка ишлов бериш орқали ажралиб чиққанлар. Чунки

¹ Энгельс Ф. К.Маркс қабри устида сўзлаган нутқ // К.Маркс ва Ф.Энгельс. Танланган асарлар. 3 – том. – Т.: «Ўзбекистон», 1981. – Б.185.

² Абдуманнопов А. Диалектика целостности общественной жизни и системный подход. Автореф. дисс. ...канд. филос. наук.-Т.:, 1983.- 13 с.

инсондан бошқа барча жонли мавжудотлар табиатнинг тайёр неъматларини истеъмол қиладилар, одамлар эса, улардан ҳайвонларга хос табиий имкониятларнинг мавжуд эмаслиги туфайли, табиатни ўзгартириб ўзлаштирадилар ва бу маданий муносабат туфайли ўзларининг мавжудликларини таъминлайдилар. Бу маданий жараёнда одамнинг ўзи ҳам ўзгариб, биоижтимоий- маданий мавжудотга айланиб борган. Худди шу ҳолат, яъни кишилар томонидан ишлов бериб яратилган борлиқ «культура», яъни маданият - маданий борлиқ бўлиб, усиз кишилик жамияти мавжуд бўла олмайди.

«Жамият» «маданият» тушунчасига нисбатан кенг тушунчадир. Чунки маданий борлиқ кишилик жамиятининг ўзагини ташкил этади. Жамият, бундан ташқари, ушбу маданий борлиқ негизда юзага келаётган ижтимоий жараёнлар, йўналишлар, қонунларни ҳам ўз ичига олади. Шунинг учун Юртбошимиз И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» номли йирик асарида «халқнинг маънавияти ва маданияти... жамиятимизни... муваффақиятли равишда олға силжитишда ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир».¹ деган эди. Демак, маданият, жумладан, моддий маданиятсиз жамият ривожланмайди.

Моддий маданият нима? Моддий маданият биз бевосита табиий-моддий борлиқни ўзгартириб тайёрлаган буюмларимиздир. Ерни шудгорлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, саноат ва унинг маҳсулотлари моддий маданият буюмларидир. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, моддий маданият моддий ҳаётимизнинг асосидир. «Табиатдан фарқли ўлароқ, маданият,- дейилади фалсафа фанига оид дарсликлардан бирида, - бу инсонлар яратган ва яратаётган ҳам моддийлик ва ҳам маънавийликдир. Маданият - бу у ёки бу эҳтиёжларни қондириш мақсадида махсус ишлов берилган, инсонийлашган табиат.»²

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. – Б.139-140.

² Философия: учебник для студентов высших учебных заведений. – Ростов на Дону.: «Феникс», 1999. – С.312.

Маданият тор маънода, яъни шахс даражасида ҳар бир инсоннинг онги, жумладан, билими ва ундан фойдалана билишидир. Маданият кенг маънода шахс маданиятини ҳам ўз ичига олади. Маданият кенг маънода жамият маданияти маъносида ишлатилади. Бу борада олиб борилган тадқиқот ишларида маданиятга оид концепциялар таҳлил қилинган.¹

Маданиятни тушунишнинг биринчи концепциясига мувофиқ, у «культура» сўзининг этимологик маъносидан келтириб чиқарилган ҳолда жамият билан тенглаштирилди.² Тўғри, маданиятсиз инсон мавжуд бўла олмайди. Аммо жамият маданиятга нисбатан ҳажм жиҳатидан кенгдир.

Маданият тўғрисидаги иккинчи концепцияга мувофиқ, маданият бу кадриятлардир.³ Кадрият аҳамиятлилик демакдир. Чор унсурлар - тоза сув, унумли тупроқ, нормал куёш нури, тоза ҳаво табиий бойликлардир. Улар инсонлар томонидан юзага келтирилмаган. Шунинг учун улар ўз-ўзича , табиий ҳолатда маданий ҳодисалар эмасдир. Агар уларга инсон томонидан ишлов берилиб, ўзгартирилса, «инсонийлаштирилса», унда улар маданий ҳодисаларга, кадриятларга айланади. Жамият тизимида инсон, миллат ва башарият учун аҳамиятли бўлган буюм ва муносабатлар эса ижтимоий кадриятлар ҳисобланадилар. Улар ҳам моддий, жумладан, хўжаликка ва экомаданиятга оид кадриятларга, сиёсий ва ҳуқуқий кадриятларга, маънавий, жумладан, ахлоқий ва эстетик ва бошқа шу каби кадриятларга бўлинади. Хўжаликка оид кадриятлар технологик ва иқтисодий кадриятлардан иборат. Ушбу ижтимоий кадриятлардан муайян қисми инсон томонидан махсус, онгли, мақсадли равишда ишлов бериб яратилган экан, унда улар маданий кадриятлардир. Аммо инсон томонидан ишлов бериб яратилган буюм ва муносабатларнинг барчаси кадриятли бўлавермайди. Иркчилик концепцияси

¹ Қаранг: Коган Л.Н., Вишневский Ю.Р. Очерки теории социалистической культуры.- Свердловск: 1972; Маркарян Э.С. Очерки теории культуры. – Ереван: 1969; Соколов Э.Ю. Культуры и личность. – Л.: 1972; Шермухамедов С.Ш. Расцвет и сближение национальных культур народов СССР. – М.: «Мысль», 1974; Унинг: Некоторые вопросы теории и практики развития социалистической культуры. – Т.: «Ўзбекистон», 1980; Уледов А.К. К определению специфики культуры как социального явления // Философские науки. 1974, №2.

² Қаранг: Зворикин А.А. Определение культуры и место материальной культуры в общей культуре. – М: 1964; Очерки по историческому материализму. –М., 1981.

³ Қаранг: Проблемы социалистической культуры: научно-аналитический обзор.- М: 1981.

хам маданий ҳодисадир. Чунки у ҳам муайян кишилар томонидан онгли равишда ишлаб чиқилган. Аммо у инсоният учун кадриятли эмасдир. У маданий, аммо ижобий маданий кадриятга кирмайди, балки маданиятнинг салбий томонларини ташкил этади. Демак, маданиятни кадрият билан айнанлаштириш илмий билишдаги чекланишдир.

Маданиятни тушунишнинг учинчи концепциясига мувофиқ, маданият ижодий фаолият ва унинг усуллари дир.¹ Маданият ижтимоий - фалсафий категория сифатида, деб ёзади Ш.А.Гусейнов, - ижтимоий ҳаётнинг яхлитлигини мустақамлаши керак, ижодий жараён сифатида фаолиятнинг муҳим хусусиятлари орқали жамиятга тавсиф бериши керак.»²

Тўғри, ижодий фаолият ҳам маданийдир, аммо бунда унинг субъекти, ижодий фаолият натижалари маданият доирасига қамраб олинмайди-ку?!

Маданиятни тушунишнинг тўртинчи концепциясига мувофиқ, маданият инсон онги ва унинг моддийлашувидир.³ Бу концепцияга нисбатан ҳам эътирозлар мавжуд. Жумладан, бунда маданият инсон онги билан тенглаштирилган.

Маданиятни тушунишнинг бешинчи концепциясига мувофиқ, у инсоннинг такомиллашганлигидир.⁴ Бунда маданият доирасига инсонлар яратган буюм ва муносабатлар киритилмаган.

Маданиятни тушунишнинг олтинчи концепциясига мувофиқ, маданият жамиятнинг сифат ҳолатидир.⁵ Маданиятга бундай ёндашиш бир бутун

¹ Қаранг: Боголюбова Е.В. Культура и общество: вопросы истории и теории.- М., 1978; Давидович В.Е., Жданов Ю.А. Сущность культуры.- Ростов /Д., 1979; Злобин Н.С. Культура и общественный процесс.-М., 1980; Иовуч Т.М., Когон Л.Н. Советская социалистическая культура: исторический опыт и современные проблемы.-М., 1979; Маркарян Э.С. О генезисе человеческой деятельности и культуры. – Ереван, 1971; Унинг: Теория культуры и современная наука / логика – методологический анализ /.-М., 1983.

² Гусейнов Ш.А. Методологическое значение категории «цивилизация». Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. –М ... 1990. - С. 21.

³ Қаранг: Чесноков Д.И. Исторический материализм. – М: 1965. с 346. Атеистический словарь. М: 1984. с 225.

⁴ Қаранг: : Ковальзон М.Я. Место понятия «культуры» в системе категорий исторического материализма.- Барнаул: 1976; Культура - человек - философия: к проблеме интеграции и развития // Вопросы философии, 1982. № 1.

⁵ Қаранг: Марксистко-ленинская теория исторического прогресса. –М: 1983.- с. 166. Андрушенков В.П. Исторический материализм и категория культуры. -Новосибирск, 1983. – с 26. Кейзеров Н.М. Политическая правовая культура (Методологические проблемы).-М., 1983.-с35; Уледов А.К. К определению специфики культуры как социального явления // Философские науки. 1974, №2.

яхлит мамлакатларни қиёслаб кўриш имконини беради. Аммо маданиятнинг моҳиятини тўлиқ очиб бермайди.

Маданият тушунишнинг еттинчи концепциясига мувофиқ эса, «маданият онтологик аспект бўйича Инсон ва улар томонидан бевосита ишлов бериб яратилган буюм ва муносабатлари тизими, яъни бошқача сўз билан айтганда, янги сифатга эга бўлган мавжудлик - маданий борлиқдир. Борлиқ эса мавжудлик демакдир.»¹ Маданиятни бундай тушуниш ва уни жамиятнинг негизига қўйиш жамият тарихини диалектик-маданий тушунишнинг бошланишидир. «Биз, - деб ёзади тадқиқотчи С.Абдухолиқов, - ...методологик изланишларни давом эттириб, ҳуқуқни диалектик - маданий тушунишни асослашда мулкни эмас, маданиятни бошланғич нуқта қилиб олдик. Ва юзлаб фалсафий ва ҳуқуқий адабиётларни таҳлил қилиб, маданият ва ҳуқуқий маданият тўғрисидаги олти концепцияларнинг ютуқ ва чекланганликларини афсонавий-ҳуқуқий ҳаётга қўллаш орқали аниқладик. ...Илмий адабиётларда маданият, жамият ва шахс даражаларида талқин қилишлар мавжуддирки, бунда иккинчиси биринчисининг таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Маданият, жумладан, ҳуқуқий маданиятлар тўғрисидаги концепцияларда унинг фақат у ёки бу томонлари очиб берилган. Бизнингча, гап инсон томонидан хоҳ табиатнинг ўзгартирилган шакли бўлсин, хоҳ унинг жамиятнинг ички ҳолатидан келиб чиққан ҳолда бевосита яратган муносабатлари бўлсин – янги сифатга эга бўлган борлиқ устида кетиши керак. Инсон илк бор маданиятни ўзи ишлов бериб яратган буюмларини табиий ҳодисалардан фарқлаш учун ишлатган. «Ишлов бериш» инсон фаолияти сифатида маданиятнинг яшаш усули ҳисобланади.»²

Демак, маданий борлиқ ривожланиши билан жамият ҳам ривожланади, мамлакатлар ўзига хос цивилизациялар сифатида ўрин алмашишади ва такомиллашиб боради. Биз жамиятнинг яхлитлиги ва ўзгариб бориш жараёнини жамият ўзаги – маданий борлиқ яхлитлигидан, бир типдан

¹Қаранг: Рустамбоев М.Х., Абдухолиқов С.О. Ҳуқуқ методологияси: ҳуқуқни фалсафий тушуниш бўйича изланишлар. (Жинойат ҳуқуқи) 1 - китоб. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. 257-бет.

² Қаранг: Ўша ерда.

иккинчи типга ўтишларидан кидиришимиз лозим. Тарихни материалистик тушунишда илгари сурилган асосий ғоя - моддий неъматларни ишлаб чиқариш усули ҳам маданий ҳодиса, моддий маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Илмий адабиётларда таъкидланганидек, ижтимоий ҳаёт соҳаларининг марказий қисмларини маданийлик ташкил этади. Ижтимоий ҳаёт соҳалари маданий қисмларининг бирлиги ижтимоий - тарихий яхлитликнинг асосини ташкил этади. Жумладан, моддий ҳаёт хўжалик ва экоҳаётлар бирлигидан иборат. Аммо уларнинг ўзак қисмини хўжалик маданияти ва экомаданиятлар ташкил этади. Хўжалик маданияти негизида хўжалик ҳаёти ва экомаданият асосида экоҳаёт шаклланади. Хўжалик ва экомаданиятлар бирлигидан моддий маданият келиб чиқади. Моддий маданият ҳолати ва даражасига қараб моддий ҳаёт таркиб топади. Жамиятнинг ижтимоий ҳаёти соҳаси эса инсонларнинг микро ва макрожамоалари, уларнинг турмуш шароитларидан иборат. Улар ҳам маданий ҳодисалардир. Жумладан, кишиларнинг микробирликларидан бири бўлган - оила маданий ҳодисадир. Чунки унга ҳам мақсадга мувофиқлик, онгли фаолият, ҳаракат ҳосдир. Инсоннинг ўзи ҳам биоижтимоий маданий ҳодисадир. Ёки сиёсий ҳаёт соҳасини олайлик. Унинг асосий компонентлари - давлат ҳокимияти ва сиёсий нормалар кишилар фаолиятининг натижалари, яъни - маданий ҳодисалардир. Бу ҳолат ҳуқуқий ҳаёт ва маънавий ҳаёт соҳаларига ҳам ҳосдир. Хуллас, барча ижтимоий ҳаёт соҳаларини асосий белгиловчи, марказий қисмини уларнинг ишлов бериб яратилган қисми – маданиятлар ташкил этади.

«Маданият жамият ва инсон мавжудлигининг усули сифати тўғрисида гапирилганда, - дейилади Ростов-Донда нашр этилган фалсафа фанига оид дарсликлардан бирида, - унинг генезиси ва таркибий хусусиятлари муаммосига мурожаат қилиш керак. Афтидан, антропосоциогенез жараёнида узоқ йиллар давомида маданиятда етакчи компонент одамнинг ҳаётий циклини, унинг витал эҳтиёжларини таъминловчи технология эди. Одам ва ҳайвонлар тана функциялари (овқат, ичимлик, ажратиш ва бошқалар)нинг

ташки ўхшашлиги, хусусан, ушбу жараёнда биологик ва ижтимоийлик чегаралари бошланган ва кенгайган. Физиологик эҳтиёжларни қондириш жараёнида одамнинг тана маданияти маданиятнинг базавий фундаментал қатлами сифатида шаклланган. Бекорга бўлмаган қадимги ва янада расм бўлган ахлоқий таъқиқлар - табу маданият шаклланишининг замини сифатидаги инсоннинг озиқ-овқатга ва жинсий хулқи билан боғланган эди. Ўзига озиқ-овқат ва сувни тامينлаш, об-ҳаво ва иқлим ҳодисаларидан ҳимоя қилиш, жинсий ва бола туғиш функцияларини маросимлаштириш жамоа ҳаётини такомиллаштиришни янада кўпроқ талаб қилади.»¹

Илмий адабиётларда таъкидланганидек, тарихни диалектик - маданий тушунишга мувофиқ, антропогенез ривожланиши эҳтиёжлари ва тирик қолиш зарурияти одам подасини ижтимоий подага, ярим ижтимоий бирлик-жамоага ўтишга ундаган бўлса, тўла маънодаги ижтимоий бирлик ёки жамоа, хусусан, меҳнат жамоаси ва дастлабки инсон оилаларининг юзага келишига олиб келган. Ушбу зарурият айни вақтда ижтимоий нормаларнинг шаклланишисиз содир бўлмаган. Ижтимоий нормалар, ўз мавжудик ҳолатига кўра, ижтимоий ҳаётнинг, хусусан, ибтидоий жамоанинг томони ҳисобланади, функционал ҳолатига кўра эса, тартибга солувчилик вазифасини бажаради. Унинг негизида кейинчалик сиёсий ва ҳуқуқий нормалар ҳам ўсиб чиққан. Шунингдек, бу нормалар синкретик характерга эга. Кишиларнинг ижтимоий бирликлари табиатга дастлабки ишлов беришдан иборат моддий ишлаб чиқариш ва тартибга солиб турувчилик кучига эга бўлган ижтимоий нормаларнинг юзага келиши абстракт тафаккурни, яъни уларга бўлган эҳтиёжни келтириб чиқарган. Демак, кишиларнинг дастлабки ижтимоий бирликлари (айни вақтда микро-ижтимоий бирлик), дастлабки содда моддий ишлаб чиқариш фаолияти, дастлабки тартибга солиб туриш хусусиятига эга ибтидоий ижтимоий нормалар, ибтидоий ақлий билиш - бу ижтимоий, маданий томонлар бир-

¹ Философия: Учебник для студентов высших учебных заведений. – Ростов. на Дону.: «Феникс», 1999. – С.312-313.

бирларини яратувчи омиллар сифатида параллел ҳолда юзага келган. Бу тўртала томонларнинг корреляцион-функционал бирлигидан ибтидоий жамиятнинг ижтимоий – тарихий яхлитлиги ва унинг ўзига хос ички жараёнлари келиб чиққан.

Илмий адабиётларда таъкидланганидек, ижтимоий ҳаёт соҳаларининг тўртта маданий қисмлари бир-бирларисиз мавжуд бўла олмайди. Уларнинг бирлигидан маданий борлиқ таркиб топади. Бунда инсон ва унинг бирликлари ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларига нисбатан ижтимоий асос қонунини бажаради. Бу умумижтимоий асосий қонундир. Чунки ижтимоий ҳаётнинг бирон қисми йўқ-ки, улар инсонларсиз - субъектларсиз юз берса. Чунки инсон яратувчи ва алоддан-авлодга ташувчи ҳисобланади. Ижтимоий асос қонуни тарихда халқ оммаси ва шахснинг роли кўринишларида намоён бўлади. Маданий борлиқни яратишда ва такомиллаштиришда халқ оммаси ва шахснинг роли бирдай қийматга эга. Тарихий яхлитликнинг ва тарихий жараёнларнинг асосини инсон кадр-қиммати, унинг манфаати ташкил этади. Тарих субъектларсиз юз бермайди.

Собиқ СССР даврида чоп этилган адабиётларда моддий маданият, моддий ишлаб чиқариш жамият мажудлиги ва ривожланишининг асоси, деб қаралар эди. Ҳолбуки, моддий маданиятни ўз эҳтиёжлари учун инсон яратади. «Тўғри, - деб қайд қилади В.А.Лаперашвили, – жамият ривожланиши тарихи ўз қонуниятларига эга, аммо инсон бу қонуниятларнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади».¹ Моддий маданият инсон фаолиятининг натижаси, инсон ва унинг жамоаларини бошқариш, моддий маданиятни яратиш учун бошқарув аппарати ва нормалари керак. Сиёсий–маданий ҳодисалар, жумладан, сиёсий муассаса ва нормалар шу эҳтиёж туфайли келиб чиққан. Айни вақтда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини кафолатлаш – мажбурийлик асосида тартибга солиш эҳтиёжи ҳам келиб чиққан. Ҳуқуқий маданият, жумладан ҳуқуқий норма ва муассасалар

¹ Лаперашвили В.А. Онтологические принципы истории и современная теория перестройки. Автореф. дисс. ...канд. филос. наук. –Тбилиси:1990. – С.20.

ушбу эҳтиёжга жавоб тариқасида юзага келган. Ижтимоий ҳаёт соҳаларининг маданий қисмлари инсон онгисиз таркиб топмаган. Инсон онги эса жамият маънавий маданиятининг асосий, марказий компоненти ҳисобланади. Демак, ижтимоий ҳаёт соҳаларининг маданий қисмлари бир-бирларини тақозо этади. Уларнинг функционал ҳолатларидан жамиятнинг умумижтимоий қонунларидан бир гуруҳи – корреляцион-функционал қонунлар келиб чиқади. Бу тизимда инсон ва унинг бирликлари жамиятнинг бошқа соҳаларига нисбатан ижтимоий асос, яъни субъектнинг белгиловчилик роли қонуни, моддий маданият эса моддий асос қонуни, сиёсий маданият бошқариб турувчилик қонунини, ҳуқуқий маданият тартибга солиб турувчилик қонунини ва маънавий маданият маънавий асос қонунини бажаради.¹ Тадқиқотчилар кўрсатишганидек, ижтимоий ҳаёт соҳалари маданий қисмларининг ушбу ўзаро алоқадорликлари, мувофиқликлари хусусан, вертикал мувофиқликлари жамият ва унинг тарихан яхлитликларининг корреляцион-функционал асосини ташкил этади.

Илмий адабиётларда тарихий яхлитлик масаласида ушбу механизмга ҳануз эътибор қаратилмади. Жамият ўзаги – маданий борлиқнинг юқорида кўрсатилган тўрттала томонлари – маданий қисмлари қадимги ёки ўрта асрлар, ёки янги ва энги янги даврлар бўлсин, тизим ташкил этувчи субстанционал асосларига эга бўлиб, уларнинг намоён бўлишларидир. Жамият ўзаги – маданий борлиқнинг корреляцион-функционал яхлитлиги жамиятнинг тизим ташкил этувчи субстанционал элементлари ва қонунлари ҳам жамиятнинг субстанционал яхлитлигини таъминлайди ва тарихий жараёнларни келтириб чиқаради. Ижтимоий–тарихий яхлитликка мисол сифатида совет социалистик цивилизацияси ва Ўзбекистон Республикасини олайлик. Совет социалистик цивилизациясида ишчи-деҳқонлар синфлари ва зиёли, хизматчилар қатламидан иборат совет халқи тоталитар йўл билан шакллантирилди. Унда моддий, жумладан, иқтисодий маданиятнинг асоси –

¹ Қаранг: Рустамбоев М.Х., Абдухолиқов С. Ҳуқуқ методологияси: тарих ва ҳуқуқни диалектик маданий тушуниш асослари. 2 – китоб. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. – Б.11-24.

ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулкчилик – давлат мулки ва колхоз – кооператив мулки шакллантирилди. Бу онгли жараён коммунистик мафкура – марксизм-ленинизм ғоялари асосида юзага келган сиёсий ташкилотлар – коммунистик партия ва совет давлати томонидан ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари, жумладан моддий ишлаб чиқариш маъмурий-буйруқбозлик услуби асосида бошқарилди. Совет конунлари эса ушбу тоталитар умумманфаат – ижтимоий мулкчиликни мустаҳкамлашга бўйсундирилди. Инсон ҳуқуқлари ҳам ушбу ҳолатларга бўйсундирилди. Демак, собиқ совет **социалистик** иттифоқи мамлакати – цивилизациясида ишлаб чиқариш воситаларига бўлган ижтимоий мулкчилик ушбу цивилизациянинг иқтисодий асоси, коммунистик мафкура эса гносеологик асоси, социалистик сиёсий маданият, жумладан, давлатчилик бошқариб турувчилик асоси, социалистик ҳуқуқий маданият, жумладан, совет конунчилиги тартибга солиб турувчилик асоси бўлиб хизмат қилди.

Ҳар қандай тизимнинг келиб чиқиши бор экан, унинг ўзгариб бориши ҳам мавжуддир. Собиқ СССР Евроосиё маконида ўзига хос жараёнларига эга бўлган жамият, яъни ижтимоий–тарихий яхлитлик сифатида 74 йил яшади. Аммо бу яхлитлик такомиллашиб, ўзгариб бориши ўрнига инқирозга учради. Чунки унда бевосита халақит берувчи омиллар шакллантирилган эди. Биринчидан, инсон ҳуқуқларидан муайян қисми, жумладан, миллий ўзига хосликлар ҳисобга олинмади. Бу маконда яшаётган миллат ва элатларнинг бир-бирларига яқинлашуви сунъий равишда тезлаштирилди. Миллатларнинг бир-бирларига иқтисодий ва бошқа соҳаларда яқинлашиб бориши, улар ўртасидаги алоқаларнинг глобаллашиб бориши қонуниятли жараёндир. Аммо уни тезлатиш қайсидир миллат ва халқларнинг камситилишига ҳам олиб боради. Мустақил Ўзбекистон Республикасида бу ҳолатларга чек қўйилди. У инсонпарвар, демократик, байналминал, адолатпарвар мамлакатдир. Иккинчидан, собиқ СССРда ижтимоий ҳаёт соҳалари, жумладан, моддий неъматларни ишлаб чиқариш соҳасида мулкчиликнинг хилма-хиллиги йўқлиги туфайли рақобат қонуни деярли мавжуд эмас эди.

Маълумки, рақобат сифат ўзгаришларига олиб боради. Социалистик мусобақа ҳеч вақт рақобат қонунининг ўрнини босолмайди. Мустақил Ўзбекистон Республикасида эса мулк хилма-хиллиги, бозор муносабатлари жорий қилинди. Учинчидан, собиқ СССР да маънавий ҳаёт соҳасида битта мафкура – коммунистик мафкура ҳукмронлик қилди. Унда фикрлар, мафкуралар хилма-хиллиги мавжуд эмас эди. Шунинг учун ижтимоий ҳаётнинг моддий ёки ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий ҳаётлари соҳаларида бўлсин, хорижда яратилган маданий кадриятлар, жумладан моддий - маданий кадриятларга нисбатан нигилистик, синфий муносабат ҳукмронлик қилди. Ўзбекистон Республикасида эса фикрлар хилма-хиллиги, плюралиزمи кафолатланди. Тўртинчидан, собиқ СССРда тузум тоталитарчиликка, мустамлакага асосланган мамлакат эди. Ўзбекистон Совет социалистик Республикаси мустамлака республика эди. У номигагина, сўздагина суверен деб айтилар эди. Собиқ СССРда барча бошқарув тизими коммунистик партия томонидан амалга оширилди ва назорат қилиб борилар эди. Мустақил Ўзбекистон Республикасида эса ҳокимият бошқарувининг уч таркибий қисмлари: қонунчилик, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўрнатилди. Партиялар хилма-хиллиги шаклланди.

Ижтимоий–тарихий яхлитлик нисбийдир. Унинг ички жараёнлари эса, жамият мавжуд экан, абадийдир. Ҳозирги кунда азалдан мавжуд бўлиб келган мамлакатларнинг, шу жумладан ҳозирги ривожланган мамлакатларнинг ҳам аслида қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги даврдаги шакллариининг ўзгариб келганликларини кўраимиз. ижтимоий - тарихий яхлитлик, аввало, тўрт томонларидан иккитаси – моддий ва маънавий томонларининг бирлигидир. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз И.А.Каримов «моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўйлаймизки, ўринли бўлади,»¹ деган эди. Биз яна шуни кўшимча қилиб айтаемизки, жамият ўзаги – маданий борлиқнинг икки томонлари – моддий ва маънавий маданиятлар ўз ички жараёнларига эга

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – Б.67.

ижтимоий – тарихий яхлит жамият – мамлакатларнинг икки қутбий томонлари экан, қолган икки томонларидан бири – ижтимоий соҳа ва унинг бирликлари ушбу мамлакат жамиятнинг субъекти, яъни яратувчиси ва авлоддан-авлодга ташувчисидир. Қолган икки томонлардан иккинчиси, яъни сиёсий-ҳуқуқий маданиятлар эса ушбу ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг мускуллари – боғичларидир. Бу ижтимоий - тарихий яхлитлик ижтимоий – тарихий жараёнларни таъминлайди. Ижтимоий – тарихий жараёнлар эса бу яхлитликнинг, мамлакатнинг мавжудлигини таъминлайди. Ижтимоий–тарихий жараёнлар ижтимоий–тарихий яхлитликнинг ҳаракатини ифодалайди. Ҳар бир инсон организми бир бутун, яхлитдир. Аммо у дастлаб она организмнинг тарихий қисми сифатида мавжуд бўлади. У туғилгандан сўнг мустақил бўлгунга қадар ота-онага боғлиқ, боқимандаликда бўлади. Мамлакатларда ҳам худди шундай жараёнлар мавжудлигини кўрамай. Ҳар бир мамлакат ўзидан олдинги мамлакат ичида тайёрланади. Ушбу ҳолатнинг ўзи ҳам ижтимоий – тарихий жараённинг кўринишидир. Ҳар бир мамлакат юзага келган кунидан бошлаб ўзига хос «ижтимоий организм» сифатида яхлитлик ҳолатида амал қилади. Жамиятнинг ўзига хос яхлитлик, масалан, мамлакат ҳолатида амал қилишининг ўзи ҳам ижтимоий - тарихий яхлитликнинг навбатдаги кўринишидир.

Илмий адабиётларда таъкидланганидек, жамият ўзаги – маданий борлиқнинг тарихий типлари, тарихий яхлитлик ва шу асосда мамлакатлар – цивилизацияларни келтириб чиқарган. «Маданият» ва «цивилизация» тушунчаларининг баҳсли ва кўп маънолигининг юқори даражадалиги, -деб ёзади В.Г.Скрипин, - ёндашишларнинг аниқ формулировкасини культурологик ва цивилизацион, цивилизацион ва формацион, формацион ва культурологик ёндашишларнинг ўзаро нисбатини ва ўзаро шартланганликларини ифодалашни қийинлаштиради».¹ Жамиятнинг

¹ Скрипин В.Г. Исторические проблемы докапиталистических обществ. Автореф. дисс. ...канд. филос. наук. –Якутск: 1993. – С.17.

кадимги давр, янги ва энг янги давр шаклларига оид яхлит мамлакатлар – цивилизациялар мавжудлигини кўрамиз. Цивилизация ўз фуқаролари ва давлатига эга бўлган ўзига хос яхлит мамлакат маъносида ҳам тушунилади.¹ Ўзбекистон Республикаси ҳам фуқаролари ва давлатига эга энг янги давр мамлакатлари – цивилизацияларидан бири. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий асосини 28 миллиондан зиёд Ўзбекистон аҳолиси, хусусан кўп сонли ўзбеклар ташкил этади. Ўзбекистон халқи мамлакатимиз маданий борлиғи, жумладан, моддий ва маънавий, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятларини 1991 йил 31 августдан бошлаб, тоталитар тузум давридан мерос бўлиб қолган социалистик маданий борлиқни ўзгартирган, ислоҳ қилган ҳолда яратмоқда. Мамлакатимиз маданий борлиғининг таркибий қисмларидан бири моддий маданият, хусусан, хўжалик маданияти кўпмулкчиликка асосланган бозор иқтисодиёти асосида қайта қурилди. Экомаданиятда ҳам, хусусан, Орол муаммоси ҳам қайта кўрила бошланди. Сиёсий маданиятда, давлат ҳокимиятида ва сиёсий нормаларда ўзгаришлар юз берди. Президентлик Республикаси, кўп партиявийлик жорий қилинди. Ҳуқуқий маданият соҳасида илгари совет халқи учун хизмат қилган юридик муассасалар ва нормалар мазмунан ўзгарди. Улар бугунги кунда Ўзбекистон аҳолиси ҳуқуқларини кафолатлайди. Маънавий маданият тизими коммунистик мафкурадан озод қилинди. Кўп фикрлилик, миллий ва умуминсоний маънавий кадриятлар тикланмоқда. Аммо гуманитар фанлар соҳасидаги тадқиқот ишларида, ижтимоий-фалсафий методология соҳасида, тилга олинмаса-да, тарихни материалистик тушунишга таянилмоқда. Фақат санокли тадқиқот ишларида ижтимоий-фалсафий методологик асослардан бири – Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов номи билан боғлиқ ҳолда юзага келаётган тарихни диалектик - маданий тушунишга таянилган ва шу асосда жамият тарихи яхлитлиги ва жараёнларининг асоси – корреляцион-функционал ва субстанционал қонунлар мавжудлиги ёритилган.

¹ Шаповалов В.Ф. Основы философии. От классики к современности. Учебное пособие. – М.: ФАИР – ПРЕСС, 2001. – С.511-529.

Хуллас, муस्ताқил мамлакатимиз ўз ижтимоий асосига, моддий, сиёсий ва ҳуқуқий ва маънавий маданий асосларига эга. Уларнинг бир-бирларини тақозо қилишлари, бир-бирларига мувофиқ келишлари бугунги кунимиз, мамлакатимиз яхлитлигининг биринчи тартибдаги манбаи ҳисобланади. Тарихий яхлитлик авлодлар ўртасидаги узлуксиз ворисийликнинг муайян узлукли палласи ва давридир. Ижтимоий–тарихий яхлитликни илмий билишда жамият ўзаги – маданий борлиқнинг корреляцион-функционал яхлитлигига ҳам эътибор бериш тадқиқот объектига ҳолисона ёндашишни таъминлайди.

2.2. Ижтимоий–тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг субстанционал заминлари

Ҳар бир тизим ўзининг келиб чиқиши, шаклланиши, ривожланиши ва ўзгариб бориши тарихига эга. Тизим яхлитликнинг қонуниятли қисмидир. Аммо бу ҳолат ички жараёнлар ҳисобига юз беради. Инсоният тарихи ўзгариш, илигарилама ҳаракатда экан, у ўз моҳиятига кўра, тарихий жараёндир. Тарихий жараён юз бериши учун, энг аввало, жамият тарихан бир бутун тизим сифатида яхлит бўлиши керак.

Хўш, тизим нима? Жамиятнинг субстанционал яхлитлиги тизим эмасми? Ушбу саволларга жавоб бериш учун тизим тушунчасининг фалсафий мазмунини билиб олишимиз керак.

Борлиқнинг ҳар қандай таркибий қисмидаги тизим ва таркиб ўз онтологик ҳолатига кўра диалектиканинг таркибий алоқадорликларидан ўрин олган. Агар бутун категорияси барча қисмларга оид бирлаштирувчи томонларни акс эттирса, қисм категорияси эса унинг томонлар ва уларнинг ўзига хос хоссалари орқали намоён бўлишини ифодалайди. Ҳар қандай бутун ўз мазмунидан иборат. Мазмун эса бир бутунлик ичидаги барча томонларнинг боғланишларидир. Жумладан, жамият ўзаги – маданий борлиқнинг томонлари – инсон ва унинг бирликлари, моддий маданият,

сиёсий ва ҳуқуқий маданиятлар ва маънавий маданиятларнинг корреляцион-функционал боғланишларидан жамиятнинг мазмуни шаклланади. Бу боғланишларнинг тарихий босқичлари – ижтимоий - тарихий яхлитликнинг шакллари – цивилизациялар таркиб топади. Шакл эса бутун ичидаги томонларининг субординациясидир. Мазмун шаклни белгилаб келади. Аммо тизим бутундаги барча томон ва улар ўртасидаги қонуниятли алоқадорликлардан иборатдир. Қонуният тўғрисида академик Ж.Туленов шундай дейди: «Қонуният яқка қонунлар мажмуасидан иборат бўлиб, воқеликдаги нарса ва ҳодисалар жараёнларининг умумий ривожланиш йўналишларини белгилайди. Шунинг учун ҳам табиат ва жамият тараққиёти қонунларини билиш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади. Бундан қонуният категориясининг методологик аҳамиятини яққол кўришимиз мумкин».¹ Таркиб эса тизим ичидаги қисмларнинг барқарор боғланишлари – тузилишидир. Қисмнинг ўзгариши таркибнинг ва ундан кейин тизимнинг ўзгаришига сабаб бўлади. Тизимнинг ўзгариши ҳам таркибнинг ўзгаришларига олиб боради. Тизимни бутун билан, таркибни қисм билан айнанлаштириш нотўғридир. Тизим қонуниятли бир бутунликдан иборатдир. Бутун мазмунга нисбатан кенгдир, мазмун эса тизимга нисбатан кенгрокдир. Тизим мазмуннинг барқарор қисмидир. Ҳар қандай бутун ўз мазмуни ва системасидан иборат. Бутуннинг таркибий қисмларининг субординациясидан шакл таркиб топади. Шакл таркибни ҳам ўз ичига олади. Таркиб шаклнинг нисбатан мустақил қисмларининг бир жинслилик негизида тартибли боғланишидир. Тизим ва таркибда боғланишларнинг қонуниятлари қисмлари қамраб олинади.

«Яхлитлик» (яъни бутун.- Т.Б.) ва «тизимлилик», - деб ёзади К.Б.Досалиев, - бу фалсафий категориялар диалектик бирликда ўз-ўзидан ривожланувчи яхлит объектларнинг турли хил томонлари ва даражаларини акс эттиради. Хусусан: яхлитлик сифатий муайянликни ва объектнинг ички кўплаб қисм ва компонентларга бўлинишларини тавсифлайди. Тизимлилик

¹ Туленов Ж. Диалектика назарияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2001. – Б.149.

бутунниг ўз-ўзидан ҳаракат ва ривожланиш усулини шакллантирадиган қисмлар ўртасидаги қатъий субординациялардаги муносабат ва ўзаро боғланишларни ифодалайди».¹ Шунинг учун тизимли ёндашиш тўғрисида фикр юритилганда таркиб ҳақида ҳам сўз юритилади.

Ижтимоий - тарихий яхлитлик ўз жараёнларига эга тизим экан, ижтимоий воқеликка тизимли ёндашишга оид баъзи тадқиқот ишларига эътиборни қаратмоқчимиз. Жумладан, Г.Л.А.Куэвчс ўзининг «Тизимли ёндашиш ва унинг ижтимоий билишдаги роли» номли номзодлик диссертациясида шундай дейди: «Ҳар қандай тизимли тадқиқот, биринчидан, тадқиқот қилинаётган тизимдан элементлар ёки тизим остиларини ажратишни тақозо қилади. Бунда бир бутун сифатидаги тизимдан келиб чиққан ҳолда бу бутунликни ташкил этувчи элементлар (тизимости)нинг ажралиши ушбу тизимнинг мавжудлиги учун зарурият ва кифоя қилиши сифатида ифода этилиши зарур».² Тадқиқотчи ўз ишида ижтимоий билишда тизимли ёндашувнинг методологик аҳамиятини кўрсатгани ҳолда, жамиятни тизим ва тизимости қисмлари ва элементларга ажратиб ва улар ўртасидаги боғланишларни тарихий материализм доирасида ҳал қилган. Ижтимоий билишда элементларга эътибор бериш зарурлиги бизни жамиятни яхлит тизим сифатида ташкил этувчи субстанционал элементларини таҳлил қилишга ундади. Жамиятнинг тизим ташкил этувчи субстанционал элементлари ва қонунлари масаласи илмий адабиётларда берилган.³ «Субстанция» сўзи лотинчадан моҳият деган маънони беради. «Субстанция – дейилганда, - дейди Б.О.Тўраев, -фалсафада дастлабки вақтларда борлиқ, табиат, жамият, инсон ва бир бутун дунёдаги барча нарса ҳамда ҳодисаларнинг асосини ташкил этадиган моддий ва руҳий бирламчи нарса

¹ Досалиев К.Б. Роль ценностного подхода в познании социальных явлений. Автореф. дисс. ...канд. филос. наук. – Алма-Ата: 1985. – С.21.

² Куэвчс Г.Л.А. Системный подход и его роль в социальном познании. Автореф.дисс. ...канд. филос. наук. – Л., 1984.-С.5.

³ Қаранг: Рустамбоев М.Х., Абдухоликов С.О. Ҳуқуқ методологияси: тарих ва ҳуқуқни диалектик -маданий тушуниш асослари. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. – 405 б.; Момджян К.Х. Введение в социальную философию: учебное пособие. – М.: «Высшая школа: Университет», 1997. – 447 с. ва бошқалар.

тушунилади».¹ Бизнингча, қонунлар субстанционал боғланишлардан келиб чиқар экан, тизим эса бир бутуннинг энг чуқур, қонуниятли боғланишларидан иборат экан, ижтимоий - тарихий яхлитлик ва ундаги жараёнларни субстанционал ёндашишсиз таҳлил қилиб бўлмайди. Фанда биринчи тартибдаги, иккинчи ва бошқа навбатдаги воқеликнинг ичида мавжуд бўлган моҳиятлар тўғрисида гапирилади.² «Жаҳон тарихи субстанционал бир бутунлиги ҳақида муҳокама юритиб, - дейди К.Х.Момджян, - биз «умуман жамият»нинг универсал моделини ташкил этувчи ижтимоий ҳаёт соҳалари белгиларининг ҳар бир конкрет минтақавий тарихда намоён бўлиши кўринишига эга бўламиз».³ Тадқиқотчилардан К.Х.Момджян ҳам ижтимоий воқеликка субстанционал ёндашиш унинг негизларига олиб боришига ишора қилар экан, аммо у ҳам жамиятнинг яхлитлигини тизим сифатида ташкил этувчи субстанционал элементларининг генетик боғланишларини кўрсатиб бермаган.

Г.Л.А.Куэвчс жамиятни тизим сифатида тизимости қисмлари ва элементларига ажратганда келтирганимизда, унда у эътиборни инсоннинг бир бутунлигига қаратган эди.⁴ Тўғри, инсон биологик ва ижтимоий жиҳатдан бир бутунликка эга . Инсон ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида иштирок этувчи, нафақат иштирок этувчи, балки уни яратувчи субъектдир. «Айнан инсон, - деб ёзади А.Г.Зарубин, -тарихий жараёнларнинг субъекти сифатида ўтмиш, ҳозирги ва келгуси даврлар алоқадорликларини амалга оширади, уларга нисбатан ҳар хил муносабатларни, уларнинг турли хил ижтимоий функцияларини белгилайди».⁵

¹ Тўраев Б.О. Фалсафада субстанция муаммоси. // Фалсафа: (Ўқув қўлланма). // Э.Ю.Юсуповнинг умумий таҳрири остида. – Т.: «Шарк», 1999. – Б.177.

² Қаранг: Никитченко В. Утверждение социальной справедливости – важнейшая проблема духовного возрождения общества. // Ўзбекистон мустақиллиги ва фалсафа. 1- китоб. – Т.: «Университет», 1995. - Б.54-56.

³ Момджян К.Х. Введение в социальную философию: учебное пособие. – М.: «Высшая школа: Университет», 1997. – С. 142.

⁴ Қаранг: Куэвчс Г.Л.А. Системный подход и его роль в социальном познании. Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – Л: 1984. – С.13.

⁵ Зарубин А.Г. Временные связи истории и современность (проблемы социальной динамики). Автореф. дисс. ... докт. филос. наук. – М: 1991. – С.21.

Шунинг учун у жамиятнинг барча тизимости қисмларини яхлитликка бирлаштирувчи субстанционал элементдир. Биз бу борада инсон тушунчасини кўплик шаклида, инсоннинг макро бирликлари шаклида, жамиятнинг асосий томони сифатида ишлатмоқдамиз. Аммо бу фикрни якка бир бутун индивидга қўллаб бўлмайди. «Бир бутун инсон, - деб қайд қилади А.В.Нечаев, - бу шуки, у ушбу конкрет ўзаро алоқадорликда ўзининг таркибининг сифатий ўзига хослиги, барқарорлигини саклаб қолади, ва шундай қилиб, бу орқали эса бошқа кишига нисбатан бир бутунликдаги барча ўзаро алоқадорлик жараёнига, ижтимоий муносабатлар тизимининг муайян элементига муносабатида белгиловчи бўлиб чиқади («ўзининг бошқачалиги»ни яратиб, уларни ўзгартиради)».¹ Бизнингча, бутун қисмлар ва элементларга нисбатан, қисм эса элементларга нисбатан устуворлик қилади: унга хос умумий томонлар қисм ва элементларга нисбатан белгиловчилик қилади. Элементларнинг диалектик бирлигидан қисм ва сўнгра бутун, яъни яхлитлик ташкил топар экан, элементнинг фаоллиги бутунга кучли таъсир қилади. Агар элемент, жумладан, жамиятда якка инсон, доимий белгиловчи омилга эга десак, бутуннинг, жумладан, жамиятнинг умумий томонларининг, хусусан инсоннинг макробирликларининг ролига етарли эътибор бермаган бўламиз. «Инсон – жамият» тизимида инсон якка элемент – шахс сифатида олинади. Инсоннинг микро ва макро бирликлари эса, жумладан миллат «жамият» тушунчасининг асосий қисми – субъектини ифодалайди. Тўғри, инсоннинг макро бирликлари – халқ конкрет инсонлардан ташкил топган. Аммо якка инсонларнинг функционал ҳолатларининг боғланишларидан жамиятнинг умумий устувор томон ва қонуниятлари келиб чиқади. Тадқиқот мавзуимизга таалуқли яна битта илмий ишлардан бири – А.Ш.Мирзабекованинг «Тарихий материализм ва жамиятни тизимли таҳлил» номли номзодлик диссертациясидир.² Муаллиф ўз ишида ижтимоий фалсафанинг бир кўриниши – тарихий материализмни жамиятни тизимли

¹ Нечаев А.В. Проблема целостности человека. Автореф. дисс. ...канд. филос. наук. – Самара, 1991. – С.14.

² Қаранг: Мирзабекова А.Ш. Исторический материализм и системный анализ общества Автореф. дисс. ...канд. филос. наук. – М: 1985. – 23с.

таҳлил қилишнинг гносеологик асоси сифатида кўриб чиққан. Аммо бу тадқиқот ишида ҳам жамият яхлитлигини тугал ҳолига келтирувчи тизим ташкил этувчи субстанционал элементлари кўрсатилмаган. Бу иш ҳам моҳият жиҳатидан юқорида кўрсатилган А.Абдуманноповнинг «Ижтимоий ҳаёт яхлитлиги диалектикаси ва тизимли ёндашиш» номли номзодлик диссертациясининг давоми десак бўлади.

Энди эътиборни мавзуга бевосита алоқадор баъзи китобларга қаратмоқчимиз. Жумладан, С.Э.Крапивенский ҳам жамиятни яхлит тизим сифатида таҳлил қилишга ҳаракат қилган. У ўзининг «Ижтимоий фалсафа» номли дарслигининг «Жамият тизим сифатида» номли бобида «ижтимоий тизим – бу ташувчиси индивид ва уни қамраб олган ижтимоий гуруҳлар ҳисобланган кўплаб ижтимоий муносабатларнинг тартибланган, ўз-ўзини бошқарадиган яхлитлигидир»¹ дейди. У ижтимоий тизимлар яхлитлиги, ва ундаги асосий томонлар сифатида интегратив сифатларни илгари сурган ва бунда инсонни универсал, интегратив компонент сифатида қараган. Англаган ижтимоий эҳтиёжни эса жамият ўзаги –маданий борлиқнинг субстанционал элементи сифатида эмас, балки кишилиқ тарихининг замини деб ҳисоблаган. Ижтимоий ҳаётнинг тизим ости қисмларида маданийликнинг белгиловчилик характерини четда қолдирган. Китоб мантиқан бир бутун ҳолида иккинчи бобнинг тўртинчи параграфининг «Асосий социологик қонун» пунктида баён қилинган моддий неъматларни ишлаб чиқариш усулининг ижтимоий ҳаёт томонларига нисбатан белгиловчилик роли қонунига бўйсундирилган. Ўз-ўзидан кўришиб турибдики, бу тарихий материализмдир. Шунинг учун у жамиятни ўз жараёнлари билан яхлитликда сақлаб турувчи – тизим ташкил этувчи субстанционал элементлари ва қонунларини баён этмаган.

В.Е.Кемеров «Ижтимоий фалсафага кириш» номли ўқув қўлланмасининг иккита бобини жамиятнинг тизим сифатида яхлитлигини ўрганишга

¹ Крапивенский С.Э. Социальная философия: учебник для студентов вузов. – М.: Гуманит. изд. центр. ВЛАДОС, 198. – С.73.

бағишлаган.¹ Жумладан, китобнинг саккизинчи боби «Жамият кишиларнинг шахсий боғлиқликларининг тизимси сифатида» деб аталиб, унда қуйидаги савол қўйилган: «Энг қийин ва энг оғир саволлардан бири: ижтимоий эволюцияда қиёсан тахминан юз кишини бирлаштирган катта бўлмаган ижтимоий тузилмадан, жамият қандай вужудга келганлигини назарда тутиб, қачонки Миср, Яқин Шарқ, Ҳиндистон, Хитой, Марказий Америка қадимги цивилизациялари ҳақида гапирганимизда, юз минглаб кишиларнинг ҳаётини камраб олувчи ва ташкил этувчи етарли даражадаги йирик ижтимоий тизимларга ўтиш қандай амалга ошган? Қандай қилиб бу ижтимоий тизимлар юз йиллар мобайнида муайянликка эга бўлган, таркибий шаклланган, нисбатан ёпиқлик ва барқарорлик ташкил топа бошлаган?»² Ушбу саволлар асосида В.Е.Кемеров дастлабки ижтимоий тузилма овчилик, кейинчалик ижтимоий эҳтиёжлар негизида деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб ўтроқлаша бошлаганлигини, тузилма ичидаги ва тузилмалар ўртасидаги муносабатлар давлатчиликнинг илдизи, бошқарув аппаратига эҳтиёж сезганлигини корреляцион-функционал йўналишда асослаб берган. Китобнинг тўққизинчи бобида эса жамиятни кишилар ўртасидаги ашёвий боғлиқлик тизими сифатида ўрганган. Аммо у ҳам жамиятнинг яхлитлигини ташкил этувчи субстанционал элементлар ва қонунларни таҳлил қилиб бермаган.

Р.Р.Назаров томонидан «Жамият: тушунча ва таркиб» номли ўқув қўлланмасига ёзилган мақолада «жамият, ҳар қандай мураккаб яхлит тузилма сингари, ҳар қандай тизим сингари, ўзининг таркибига эга бўлиш»лиги қайд этилган.³ Аммо бу ўқув қўлланмада ҳам жамиятнинг тарихан жараёнлари ила яхлитлиги асослаб берилмаган.

В.В.Миронов томонидан ёзилган фалсафа бўйича дарсликда жамият органик яхлитлик сифатида талқин қилинади. «Жамият, -деб ёзади муаллиф,

¹ Қаранг: Кемеров В.Е. Введение в социальную философию. Учебное пособие для гуманитарных вузов. – М.: Аспект пресс, 1996. – С.122-123.

² Кемеров В.Е. Введение в социальную философию. Учебное пособие для гуманитарных вузов. – М.: Аспект пресс, 1996. – С.122-123.

³ Основы философии: Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. (Под редакцией Ахмедовой М.А. и Хана В.С.) – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – С.345.

-бу органик яхлит тизим бўлиб, унда уни ўз-ўзидан ривожланишига қодир килувчи таркибий (ижтимоий) алоқадорликлар фаоллиги жуда юқори».¹

Илмий адабиётлардан бизга маълумки, яхлитлик, яъни бир бутунликнинг механик, органик ва ташкиллашган кўринишлари мавжуд. Жамият ўзагиси маданий борлиқ экан ва унинг биринчи компоненти инсон экан, унинг фаолияти эса мақсадли характерга эгадир. Жамиятнинг тарихан жараёнлари билан яхлитлигини организм сифатида талқин қилиш ижтимоий билишни биологик детерменизмга олиб боради. Жамиятнинг тарихан жараёнлари ичра яхлитлигини қиёслаш маъносида, билишимизни осонлаштириш мақсадида биологик маънодаги организмга ўхшатиб тушунтириш мумкин, аммо уни органик яхлит тизим сифатида қабуллаб бўлмайди. «Умуман олганда, -дейди В.Ф.Шопавалов, -муайян жамиятни, унинг ҳаётий фаолиятининг махсус хусусиятларини ҳисобга олган, шартли равишда жонли организмга қисман таққослаш (илмий изланиш мақсадида) мумкин, чунки алоҳида қисмлар жонли яхлитлик ташкил этган ҳолда ўзаро қатъий мувофиқлашади».² Шунинг учун биз жамиятнинг жараёнлари билан яхлитлигини ташкиллашган яхлитликка киритиш тарафдоримиз.

Тарихни диалектик - маданий тушунишга мувофиқ, жамият табиатдан фарқли ҳолда воқеликка ишлов бериб, ўз ризқини топиш ҳисобида яшайди. Инсоният табиатдан шу йўл билан ажралиб чиққан. Шунинг учун, қайсидир маънода, жамият тарихи табиат тарихининг давомидир, деган хулоса тўғри. Кишилар томонидан воқеликнинг ишлов бериб яратилган қисми маданий борлиқ бўлиб, у ўз ичига унинг яратувчиси – инсонни ва унинг бирликларини ҳам қамраб олади. Чунки инсон ва унинг микро бирликлари – оила ва меҳнат жамоалари маданий ҳодисалардир. Кишиларнинг макро бирликлари – уруғ, қабила, элат ва миллат белгиларига ҳам маданийлик хосдир.

¹ Миронов В.В. Философия. Учебник. – М.: «Проспект», 1988. – С.174.

² Шаповалов В.Ф. Основы философии. От классики к современности. Учебное пособие для студентов вузов. – М.: ФАИР-ПРЕСС, 2001. – С.459.

Тарихни диалектик - маданий тушунишга мувофиқ, кишилар томонидан воқеликнинг ишлов бериб яратилган қисми – маданият, яъни маданий борлик жамият мавжудлиги ва ривожланишининг асоси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз И.А.Каримов жамият тараққиётини маданият белгилайди, деган эди.¹ Чунки унинг келиб чиқиши билан ижтимоий ҳаёт жараёнлари вужудга келган. Унинг такомиллашиши билан жамият тарихида кетма-кет тарихий жараёнлар юз берган, мамлакат – цивилизациялар ўрин алмаштирган.

Жамият ўзаги – маданий борликдан иборатлиги, унинг негизида умумижтимоий корреляцион-функционал ва субстанционал қонунлар келиб чиқиши илмий адабиётларда асосланган.² Маданий борлик тўртта таркибий қисмдан иборат: 1) инсон ва унинг бирликлари; 2) моддий маданият, яъни моддий ҳаётнинг инсонлар томонидан ишлов бериб яратилган қисми; 3) жамият сиёсий ва ҳуқуқий маданиятлари, яъни сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётларни бошқариш ва тартибга солиш мақсадида инсонлар томонидан ишлов бериб яратилган қисми; 4) жамият маънавий маданияти, яъни маънавий ҳаётнинг инсонлар томонидан ишлов бериб яратилган қисми.

Маънавий маданият ахлоқий, афсонавий, илм-фан, эстетик муносабатлар бирлигидан ташкил топган бўлиб, уларнинг негизида ахлоқий, эстетик, илмий, афсонавий ҳаёт, таълим-тарбия ва оммавий ахборот воситалари тизимлари таркиб топади. Демак, маданий борликнинг ушбу тўртта томонлари – инсон ва унинг бирликлари, моддий маданият, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий маданиятлар негизида ижтимоий ҳаётнинг соҳалари келиб чиқади. Бу тўртта томон бир –бирини тақозо қилади, яъни корреляцияда бўлади, бир бутун маданий борликнинг юзага келишига олиб келади ва функционал ҳолатларига кўра, биринчиси жамиятнинг қолган соҳаларига нисбатан ижтимоий асос қонуни, иккинчиси моддий асос қонунини,

¹ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. – Б.139-140.

²Қаранг: Рустамбоев М.Х., Абдухоликов С.О. Ҳуқуқ методологияси: ҳуқуқни фалсафий тушуниш бўйича изланишлар. 1 – китоб. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. – 314б.; Уларнинг: Ҳуқуқ методологияси: тарих ва ҳуқуқни диалектик маданий тушуниш асослари. 2 – китоб. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. – 403 -б.

учинчиси бошқариб ва тартибга солиб турувчилик қонунларини ва тўртинчиси маънавий асос қонунларини бажаради. Бу корреляцион-функционал мувофиқлик ижтимоий – тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг биринчи тартибдаги манбаи ҳисобланади. Бу таркибий қонуният қадимги даврда, ўрта асрларда, янги ва энг янги даврларда ҳам бир хил кучга эга бўлиб келган. Аммо уларни бир бутун, тарихий яхлитлик ҳолатида тутиб турувчи ёки тарихий жараёнларини келтириб чиқарувчи яхлитлик тизим ташкил этувчи субстанционал элемент ва қонунлари ҳам мавжуд. Улар ижтимоий – тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг янада чуқурлашган, иккинчи тартибдаги манбалари ҳисобланади.

Жамият ўзаги – маданият, яъни маданий борлиқ таркиб топиши учун нималар бўлиши керак? Тарихни диалектик - маданий тушунишга мувофиқ, жамият ўзаги - маданий борлиқ таркиб топиши учун, биринчидан, унинг яратувчиси ва авлоддан - авлодга етказувчиси -субъекти, яъни инсонлар бўлиши керак. Инсонлар маданий борлиқнинг яхлитлик тизим ташкил этувчи биринчи субстанционал элементларидандир. «Маданият дунёси, - дейилади фалсафа фанига оид дарсликлардан бирида, - шундай қилиб, инсонга ҳам ташқаридан, ҳам ичкаридан йўналтирилган кишилар фаолияти жараёнларини ва натижаларини ўз ичига олади. Маданиятнинг ташқи қатлами инсон учун иш моҳияти бўйича табиат ва коинотнинг ўзгармас дунёси сингари объектив реалликдир. Маданият дунёсида яшаб, инсоннинг ўзи маданий ҳодиса бўлиб, ўзидан кейин моддий маданият (болалар, буюмлар), ёки маънавий маданият (ғоялар)ни қолдиради. Шу билан у ҳам ўтмиш билан, ҳам ҳозирги кун билан, ҳам келгуси кун билан жаҳон тарихи харакатига қўшилган ҳолда мулоқотда бўлади».¹ Инсон якка шахс сифатида биоижтимоий маданий ходисадир. Унинг биологик жихатдан ҳам ярим маданий ходиса эканлиги юқорида тарихни деалектик маданий тушуниш бўйича ёзилган адабиётларда асослаб берилган. Унинг маданийлигига, маданий бўлмаган жихатларига кучли, актив таъсир этади. Инсон ижтимоий

¹ Философия: Учебник для высших учебных заведений. – Ростов на Дону.: «Феникс», 1999. – С.312.

маданий жихатдан айни вақтда хўжалик ҳаёти субъекти - ишчи кучи ёки мулкдор, айни вақтда экоҳаёт субъекти, айни вақтда сиёсий ҳаёт субъекти – сиёсий мавжудот, айни вақтда ҳуқуқий ҳаёт субъекти-ҳуқуқий мавжудот, маънавий ҳаёт соҳаларида катор кўринишдаги субъектлар – ахлоқий мавжудот, эстетик мавжудот ва ҳаказо мавжудликлар кўринишларида намоён бўлади. Инсон кўплик шаклда микро ва макро бирликлари кўринишларида талқин қилинади.¹ Оила ва меҳнат жамоаси кишиларнинг микробирликларидир. Улар ҳам маданий ҳодисалардир. Уруғ, элат ва миллатлар кишиларнинг макробирликларидир. Жамиятнинг моддий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий маданиятлари миллат мавжудлигининг томонлари ҳамдир. Инсон ва унинг бирликлари жамият мавжудлиги ва ривожланишининг негизи – маданий борлиқнинг яратувчиси ва ташувчиларидир.

Жамият ўзаги – маданий борлиқ таркиб топиши учун, иккинчидан, кишиларнинг анланган эҳтиёжлари бўлиши керак. У маданий борлиқнинг тизим ташкил этувчи иккинчи субстанционал элементиدير. Агар эҳтиёж ниманингдир етишмовчилиги бўлса, манфаат уни тўлдириб келади ва кишиларнинг жамиятда ўз ўринларини топа олишини англатади. Инсоннинг биологик эҳтиёжлари ҳам ижтимоий қонунларга бўйсунган ҳолда юз беради. Инсоннинг эҳтиёж ва манфаатлари жамият ўзаги – маданий борлиқ юзага келиши ва ривожланишининг мотиви функциясини бажаради. Инсон эҳтиёжлари турли хил, жумладан технологик ёки иқтисодий, оилавий ёки ахлоқий ва бошқа кўринишларда мавжуд бўлади.

Жамият ўзаги – маданий борлиқ таркиб топиши учун, учинчидан, кишилар ушбу турли хил кўринишлардаги эҳтиёж ва манфаатларни англаб олишлари керак. Кишилар онги, билиши, баҳолаши, мақсади ва режаси маданий борлиқ юзага келиши ва ривожланишининг навбатдаги яхлитилик – тизим ташкил этувчи учинчи субстанционал компонентларидир. У маданий борлиқ, ва умуман жамият юзага келишининг гносеологик асосини ташкил

¹ Қаранг: Барулин В.С. Социальная жизнь общества. –М.: Изд-во МГУ, 1987.

этади. У эҳтиёжларга жавоб тариқасида табиий ва ижтимоий онг шаклларида иборат. Ушбу гносеологик асос элементлари ичида мақсаднинг ҳам ўзига хос ўрни ва роли мавжуд. Бу ҳақда К.Х.Момджян шундай дейди: «Фалсафий тилда айтганда, «мақсад» термини кенг маънода ўз-ўзидан ҳаракат ва унинг натижалари ўртасидаги муносабатларнинг ўз-ўзини ташкил этувчи ва ўз-ўзини сақловчи тизимларнинг хулқ-атворининг олдиндан мўлжалланган, «экфинал» шароитида келиб чиқадиган алоҳида типини англатади. Мақсад – бу унинг сифатий ўз-ўзига айнанлиги, субстанционал ажралмаслигининг муҳитда сақланиш ва ҳар қандай мавжудликнинг алмашилиб турадиган шароитида интилиши билан боғланган барқарор, ҳаётий аҳамиятли ҳолатларнинг тўпламига эгалик қилувчи тизимнинг ҳаракати векторидир».¹ Эҳтиёжни англаш, яъни онг ва унинг ижодий характери – билиш эҳтиёж ва манфаатни баҳолашга олиб боради ва сўнгра ундан мақсадга ўтилади. Мақсад баҳолаш ва режа, яъни хомчўтлаш ўртасида турувчи кўприк ҳисобланади. Режадан навбатдаги субстанционал элемент – кишиларнинг яратувчилик фаолиятига ўтилади.

Жамият ўзаги – маданий борлиқ таркиб топиши учун, тўртинчидан, юқорида кўрсатилган англаш асосида кишиларнинг яратувчилик фаолиятлари бўлишлари керак. Яратувчилик фаолияти маданий борлиқнинг яхлитлик – тизим ташкил этувчи тўртинчи субстанционал элементи бўлиб, бунёдкорлик фаолияти ҳамдир. Бусиз инсонлар эҳтиёжларини қондириб бўлмайди. Яратувчилик фаолияти кишилар фаолиятининг биринчи босқичидир. Унинг иккинчи босқичи эса ўзлаштирувчилик фаолиятидир. Фаолият маданий борлиқ ва умуман жамият мавжудлигининг усули вазифасини бажаради. Яратувчилик онгли, мақсадли жараёндир. Яратувчилик фаолияти технологик, иқтисодий, сиёсий ва бошқа шаклларда мавжуд бўлади.

¹ Момджян К.Х. Введение в социальную философию: учебное пособие. – М.: «Высшая школа: Университет», 1997. – С.188.

Жамият ўзагиси – маданий борлиқ таркиб топиши учун, бешинчидан, яратувчилик фаолияти натижалари (буюм, муассаса, норма ва бошқалар) мавжуд бўлиши керак. Яратувчилик фаолияти натижалари маданий борлиқнинг яхлитлик – тизим ташкил этуви бешинчи субстанционал элементи бўлиб, жамият мавжудлиги ва ривожланишининг манбалари ва воситаларидан ҳисобланади. Инсоннинг яратувчилик фаолияти натижалари (буюм, маҳсулот, норма, муассаса ва бошқалар) эса маданий борлиқ юзага келишнинг навбатдаги , бешинчи субстанционал элементиدير. У маданий борлиқ мавжудлигининг воситаси вазифасини ўтайди.

Жамият ўзаги – маданий борлиқ таркиб топиши учун, олтинчидан, ушбу натижаларнинг ўзлаштирилиши ёки улардан фойдаланишлар ёхуд уларга риоя қилишлар керак. Бу натижалар ашёвий ёки ғоявий, муассасавий ёки нормавий кўринишларда бўлишидан қатъий назар, улардан фойдаланиш фаолиятнинг ўзига хос сифат муайянлигини ташкил этади. Шунинг учун ҳам кишиларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида ўзлаштирувчилик ёки фойдаланувчилик фаолиятлари маданий борлиқнинг яхлитлик – тизим ташкил этувчи олтинчи субстанционал элементи ҳисобланади. Ушбу субстанционал элементлар бир-бирларини генетик равишда келтириб чиқаради. Шундай экан, жамият ўзагиси – маданий борлиқнинг яхлитлик тизим ташкил этувчи иккинчи субстанционал элементи – анланган ижтимоий эҳтиёжларнинг шаклланиши, унинг биринчи яхлитлик – тизим ташкил этувчи субстанционал элементи – инсон ва унинг бирликлари даражасига боғлиқ ҳолда юз беради, чунки эҳтиёжлар субъектларникидир. Жамият ўзагиси – маданий борлиқнинг яхлитлик – тизим ташкил этувчи учинчи субстанционал элементи – онг ва унинг компонентлари иккинчи субстанционал элемент – эҳтиёжларни англаш заруриятидан келиб чиқади ва демакки, унинг даражасига боғлиқ бўлади. Жамият ўзаги – маданий борлиқнинг яхлитлигига – қадриятли ёндашиш ҳам мавжуддир. Қадриятлилиқ аҳамиятлилиқ демакдир. Тўғри, бу яратилган натижаларни инсонлар ўз манфаатлари йўлида яратганлар ва яратмоқдалар. Аммо

уларнинг ҳаммаси ҳам башарият учун кадриятлими?! Жумладан, фашизм кайсидир миллатчи, ирқчи гуруҳлар учун кадриятлидир, аммо у башарият учун кадриятли эмас-ку?! Демак, кадриятлилик нисбий характерга эгадир. «...кадрият, -деб ёзади И.К.Комарова, - нисбатан мустақил ижтимоий маданий феномен бўлиб, субъект ҳаракатининг «ташқил этилган», «оралиқдаги», ижобий баҳоланган аҳамиятли натижалар сифатида чиқади ва ижтимоий ҳаётдаги ҳаётий жараённинг нормал оқими ва мавжуд шароитининг конкрет мезони ўртасидаги субъект томонидан топилган зарурий мувофиқликни ифодалайди.»¹ Демак, жамиятнинг ўз-ўзини ташқил этувчи яхлит тизим сифатида юзага келиши ва амал қилишида кадриятли ёндашишнинг, хусусан кишиларнинг яратувчилик фаолияти натижаларининг субстанционал манба ва восита сифатида ўз ўрни бор. Жамият ўзагиси – маданият борлиқнинг тизим ташқил этувчи тўртинчи субстанционал элементи – кишиларнинг яратувчилик фаолиятлари унинг яхлитлик –тизим ташқил этувчи учинчи субстанционал элементи –инсон онгига боғлиқ ҳолда юз беради. «...кишилар ҳаракатлари натижаларининг ютуқлари турли хил баҳоланадиган муносабатларнинг англанганлиги ва фиксацияси орқали маъно-мазмун билан тўлдирилади, субъект маданиятда жойлашган чизма ва фаолият шакллари билан қуролланади, инсон фаоллигининг маънавий ва буюмли омилларининг ўзаро алоқадорликлари юз беради».² Худди шундайин, маданий борлиқнинг яхлитлик – тизим ташқил этувчи бешинчи субстанционал элементи – яратувчилик фаолияти натижалари, уларнинг мақсадга бўйсундирилганлиги тўртинчи субстанционал элемент – кишиларнинг яратувчилик фаолиятига, олтинчи субстанционал элемент – яратувчилик фаолияти натижаларини ўзлаштириш эса бешинчи субстанционал элемент – яратилган натижаларга боғлиқ бўлади. Мазкур кетма-кетлик маданий борлиқнинг охириги яхлитлик –тизим ташқил этувчи субстанционал элементи – яратувчилик фаолияти натижаларининг

¹ Комарова И.К. Аксиологические аспекты процесса организации и самоорганизации общества. Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – Минск: 2003. – С.10.

² Ўша ерда. – С.11.

Ўзлаштирилиши билан тугамайди. Балки бу олтинчи субстанционал элемент асосида ижтимоий эҳтиёжлар кондирилади ва биринчи субстанционал – элемент – инсон ва унинг бирликларининг мавжудлиги таъминланади. Бу билан маданий борлиқнинг субстанционал бир бутунлиги қонуни таркиб топади. Ушбу субстанционал қонун негизида жамиятнинг муайян тарихий даврлардаги яхлитлиги келиб чиқади. Бу жамиятнинг ижтимоий - тарихий субстанционал яхлитлигидир. «Шундай қилиб, -деб ёзади, И.К.Комарова, - кишилар доимий ҳаракатдаги куч ҳисобланганлиги, кадриятлар эса субъект – объект, объект – субъект муносабатлари сифатида, жамиятни алоҳида кўп ўлчовчи яхлитликка айлантирган ҳолда, боғловчи ролни бажаради».¹

Жамият ўзагиси –маданий борлиқнинг яхлитлик –тизим ташкил этувчи иккинчи субстанционал элементи –ижтимоий эҳтиёжлар субъектларга боғлиқ ҳолда доимо ўзгаришда бўлади, субъектларга боғлиқ ҳолда эҳтиёжнинг ошиб бориши қонуни келиб чиқади. Ушбу ҳолат ижтимоий-тарихий яхлитлик ичидаги жараёнларнинг юзага келишига олиб келади.

Ижтимоий - тарихий яхлитлик муайян миқдор ва сифат бирлигидир. Жамият ўзаги – маданий борлиқнинг яхлитлик – тимиз ташкил этувчи субстанционал элементлари миқдорий томонлар бўлиб, улардаги ўзгаришлар йирик ҳажмдаги сифатий ўзгаришларга олиб келгунга қадар жамиятнинг тарихан яхлитлиги сақланиб қолаверади. Тадқиқотчилар томонидан кўрсатилганидек, жамият ўзаги – маданий борлиқнинг яхлитлик – тимиз ташкил этувчи субстанционал биринчи элементи, яъни инсонлар, иккинчи субстанционал элементи, яъни анланган ижтимоий эҳтиёжлар, учинчи субстанционал элементи – инсон онги ва унинг компонентлари, тўртинчи субстанционал элементи, яъни кишиларнинг яратувчилик фаолиятлари ўзига хос сифатий муайянликка, бирликка эга бўлганликлари учун маданий борлиқнинг юзага келишининг субстанционал биринчи босқичини ташкил этадилар. Бешинчи субстанционал элемент –яратувчилик фаолияти

¹ Ўша ерда. – С.10.

натижалари эса янги кўринишдаги сифатий яхлитликка эга бўлганликлари учун маданий борлиқ шаклланишининг иккинчи босқичини вужудга келтиради. Жамият ўзаги –маданий борлиқнинг яхлитлик –тизим ташкил этувчи олтинчи субстанционал элементи, яъни яратувчилик фаолияти натижаларининг ўзлаштирилиши, улардан фойдаланиш ва уларга риоя қилиш фаолият босқичи ва кўринишлари сифатида маданий борлиқнинг шаклланиши ва ривожланишининг учинчи босқичини юзага келтиради. Бу босқич ҳам ўзига хос сифатий муайянликка эга. Демак, жамият ўзаги – маданий борлиқнинг биринчи босқичи унинг иккинчи босқичини, иккинчи босқичи эса унинг учинчи босқичини юзага келтиради. Жамият ўзаги – маданий борлиқнинг учинчи босқичи эса унинг биринчи босқичининг мавжудлигини таъминлайди. Бу билан жамиятнинг ижтимоий – тарихий яхлитлиги юз беради ва бу босқичларнинг бир-бирларини келтириб чиқаришлари ва таъминлашларидан ижтимоий–тарихий жараёнлар йўналишлари келиб чиқади. «...тарихий жараён, -дейди А.А.Леонова, - битта жамиятнинг тизим ташкиллашганлигидан бошқасига қонуниятли алмашинувида ифодаланадиган ички ташкиллашганлик характериға эгадир. Бунда эса тарихий яхлитлик ҳаракатида ўзаро таъсир ва ўзаро алоқадорликдаги алгоритм цикллариининг кетма-кетлиги шаклланади.»¹ Бу кетма-кетликдан жамият ўзаги – маданий борлиқнинг субстанционал илгарилама доиравий айланиши қонуни келиб чиқади. Бизнинг вазифамиз ушбу ижтимоий - тарихийжараёнларнинг илдизи ушбу субстанционал қонунларда эканлигини кўрсатишдир. Жамият ўзаги –маданий борлиқнинг биринчи босқичидаги ижтимоий жараён – ўзгаришлар унинг иккинчи босқичидаги ижтимоий жараён – ўзгаришларга, иккинчи босқичидаги ижтимоий жараён –ўзгаришлар унинг учинчи босқичидаги ижтимоий жараён ўзгаришларга олиб боради. Демак, яратувчилик фаолияти натижаларининг ўзлаштирилиши инсон-субъктларнинг ижтимоий эҳтиёжларга мос келса,

¹ Леонова А.А. Философские основания исторической реконструкции. Автореф. дисс. ...канд. филос. наук. – Л: 1990. – С.14.

маданий борлиқнинг бир бутунлиги келиб чиқади. Аксинча, жамият даражасидаги ўзлаштиришлар субъектларнинг эҳтиёжларини, субъектларнинг мавжудлигини таъминлай олмаса, иккинчи унсур билан олтинчи унсур ўртасида зиддият келиб чиқиши, бир бутунликка путур етиши мумкин. Натижада эски типдаги маданий борлиқдан янги типдаги маданий борлиққа ўсиб ўтишга тўғри келади. Бу маданий тарихий жараён асосида цивилизациялар, яъни ўз фуқаролари ва давлатига эга бўлган мамлакатлар ўзгаради, бири ўрнига иккинчиси юзага келади. Юқорида биз номувофиқлик туфайли бирбутунликка путур етиши мумкин, дедик. Ҳолбуки, бу масала айни вақтда манфаат ва адолат масаласидир. «Кишилиқ жамиятида, - дейди У.Эргашев, - адолат бўлган жойда адолатсизлик, ижтимоий тенглик бўлганда тенгсизлик, манманлик бўлганда камтарлик, хушомадгўйлик бўлганда одиллик, хуллас, ижтимоий ҳаётда бир-бирига қарама-қарши бўлган томонлар, зиддиятлар, ғоявий келишмовчиликлар бўлиб туриши муқаррар. ...Агар ижтимоий тузумда бундай бир-бирига зид томонлар бўлмаса, унда ижтимоий ҳаётда, турмушда турғунлик ҳукм суради ва охир-оқибат жамият инқирозга юз тутади.»¹

«Адолат» арабча сўз бўлиб, фалсафий маънода субъектлар ўртасида тенгликнинг қарор топиши, расмийлашиши, яъни ҳаққонийлик – одилликнинг қарор топиши-ку?! Нима бало, тенглик тенгсизликни, адолат адолатсизликни тақозо қиладими?! Ҳолбуки, қарама-қаршилиқ бўлиши учун фарқли томонлар бир-бирларига айнан бўлиши, бир- бирини ўзаро тақозо қилиши керак, шу асосда қарама-қаршилиқлар бирлиги ва улар ўртасидаги кураш келиб чиқади. Ҳатто оила қарор топиши учун эр ва аёл, ер мавжуд бўлиши учун шимолий ва жанубий кутблар бир – бирларини тақозо қилади. Субстанционал аспектда яратувчилик фаолияти натижаларининг ўзлаштирилиши (яъни маданий борлиқнинг олтинчи субстанционал элементи) ижтимоий эҳтиёж (яъни маданий борлиқнинг иккинчи

¹ Эргашев У. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини куриш жараёнида ижтимоий адолатнинг қарор топиши масалалари. Фалс. фан. ном. ...дисс. автореферати. –Т.:, 2006. – Б.26.

субстанционал элементи)га мувофиқ келиши бевосита бир-бирини тақозо қилувчи томонлардир, умум ижтимоий - тарихий жараёнлардир. Бу жараёнлар – қарама-қаршилиқлар мувофиқ келиши негизида ижтимоий - тарихий яхлитлик, яъни жамият, мамлакатнинг бир-бутунлиги келиб чиқади-ку?!

Демак, ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг биринчи манбаси жамият ўзагиси – маданий борлиқ томонлари – қонунларининг корреляцион-функционал мувофиқлигида бўлса, иккинчи – янада чуқурлашган манбаи маданий борлиқ субстанционал элемент ўртасидаги боғланишларда, қонунларда, хусусан, ижтимоий эҳтиёж ва яратувчилик фаолияти натижаларининг ўзлаштиришлари ўртасидаги мувофиқлик ёки номувофиқлик (жумладан, низо)лардандир. Жамият ўзаги –маданий борлиққа хос ушбу субстанционал боғланишлар замирида инсонларнинг даражаларига боғлиқ ҳолда ижтимоий эҳтиёжларнинг ошиб бориши қонуни белгиловчилик ролини ўйнайди. Шу асосда авлодлар ўртасидаги боғланиш – ворисийлик амалга ошади.

Юртбошимиз И.А.Каримов танлаган йўлимиз эволюцион, нормал маданиятли тараққиётдан иборат, деган ижтимоий –фалсафий ғояни илгари сурган эди. Чунки жамият тарихи авлодлар кетма-кетлиги, моддий, маданий, маънавий, сиёсий, ҳуқуқий, жумладан, ахлоқий, афсонавий муносабатлар, умуман маданий борлиқ тарихидан иборатлигини кўрсатади. Жамият ўзаги – маданий борлиқ, маданий қадриятлар ҳисобига кенгайиб, такомиллашиб ўсиб боради. Маданий қадриятларни яратиш –ишлов бериш фаолияти асосан эволюцион йўлдан иборат. Шу жиҳатдан, ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнлар манбаларини билишда умумижтимоий боғланишларга эътибор бериш муҳим аҳамиятга эгадир.

Демак, жамият ўзаги –маданий борлиқнинг яхлитлик –тизим ташкил этувчи субстанционал элементларининг генетик боғланишларидан маданий борлиққа хос учта субстанционал қонунлар – маданий борлиқнинг субстанционал бир бутунлиги қонуни, маданий борлиқнинг субстанционал

илгарилама доиравий айланиши қонуни ва эҳтиёжларнинг ошиб бориши қонунлари келиб чиқади. Бу қонунлар айна вақтда жамиятнинг умумижтимоий қонунларидандир. Ушбу субстанционал қонунлар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, тармоқларида ўзига хос кўринишларида юз беради. Демак, ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнлар ва уларнинг ижтимоий ҳаёт соҳаларидаги кўринишларини шартли равишда умумий ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнлар, хусусий ижтимоий яхлитлик ва жараёнлар ва алоҳида кўринишдаги ижтимоий яхлитлик ва жараёнларга бўлиш мумкин. Юқорида биз кўриб чиққан жамият даражасидаги ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнлар умумий ижтимоий жараёнлардир. Улар бевосита жамият ўзаги –маданий борлиқнинг яхлитлик –тизим ташкил этувчи субстанционал қонунларидан келиб чиқади. Жамиятда, бундан ташқари, фақат хўжалик ҳаётига, экоҳаётга, ижтимоий соҳага, сиёсий ҳаётга, ҳуқуқий ҳаётга, маънавий ҳаётга, жумладан, ахлоқий ҳаётга, эстетик ҳаётга, афсонавий ҳаётга, илмий ҳаётга, таълим-тарбия тизимида, оммавий ахборот воситаларига хос жараёнлар ҳам мавжуд. Уларнинг илдизларини ҳам ижтимоий ҳаёт соҳаларига хос субстанционал қонунлар ташкил этади. Жумладан, хўжалик ҳаётининг негизини хўжалик маданияти ташкил этар экан, ундаги ўзига хос субстанционал қонунлардан хўжалик ҳаётининг яхлит тизим сифатида шаклланиши ва бу тизимга хос жараёнлар, яъни хўжалик ҳаётига хос жараёнлар келиб чиқади. Ижтимоий ҳаёт соҳалари ва соҳаларнинг ички тармоқлари бўйича ҳам худди шундай ўзига хос қонуниятли ҳолатлар устуворлик қилади. Ижтимоий ҳаёт соҳаларига хос яхлитлик ва жараёнлар эса хусусий ижтимоий яхлитлик ва жараёнлардир. Шунингдек, алоҳида олинган ижтимоий ҳодисалар ҳам субстанционал бир бутунликка эга бўлиб, уларда яхлитлик ва жараёнлар мавжуддир. Улар эса алоҳида кўринишдаги, фақат муайян ижтимоий ҳодисага хос, масалан, оилага хос ижтимоий яхлитлик ва жараёнлардир.

Жамият ўзаги – маданий борлиқнинг биринчи таркибий қисми – ижтимоий асоси инсон ва унинг бирликлари маданий борлиқнинг томони

сифатида амал қилади. Бу мазкур томондаги ўзгаришлар, такомиллашишлар тармоқлар таркибининг такомиллашишига олиб боради. Аммо ижтимоий - тарихий яхлитликнинг асосий шакли – бир типдаги цивилизацияга ўтиш маданий борлиқнинг барча томонларининг бир вақтдаги субстанционал номувофиқликлари негизда юз беради. Демак, ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг мезонини жамият ўзаги –маданий борлиқнинг даражаси ва унинг ички корреляцион-функционал ва субстанционал боғланишлари ташкил этади.

Жамият ўзаги –маданий борлиқнинг мезонини иккинчи яхлитлик –тизим ташкил этувчи субстанционал элемент – яратувчилик фаолияти натижаларининг ўзлаштирилиши, жумладан, истеъмолларнинг бир-бирлари билан боғланишларидаги мувофиқлик ёки номувофиқлик – зиддиятни ташкил этади. Бу ҳолат ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ўзига хос ҳолда юз берган. Жумладан, моддий ҳаётнинг негизини моддий маданият ташкил этар экан, моддий маданият ўз навбатида хўжалик ва экомданиятлардан иборат. Хўжалик маданияти технологик ва иқтисодий маданиятларнинг диалектик бирлигидан иборат бўлиб, у ҳам хўжалик маданияти субъекти – ишчи ва мулкдор, анланган хўжалик эҳтиёжи, хўжалик онги, моддий неъматларни яратиш –ишлаб чиқариш, ишлаб чиқарилган моддий неъматлар ва уларни ўзлаштириш, жумладан, истеъмол каби олтига субстанционал элементлардан иборат. Хўжалик маданиятида ҳам унинг иккинчи яхлитлик – тизим ташкил этувчи субстанционал элементи – анланган ижтимоий эҳтиёж ва олтинчи яхлитлик ташкил этувчи субстанционал элементи – истеъмол ўртасидаги мувофиқлик ёки зиддият хўжалик ҳаётига хос яхлитлик ва жараёнларнинг манбаи ҳисобланади. Хўжалик ҳаёти яхлит бўлиши учун унинг олтинчи маданий субстанционал элементи – хўжалик эҳтиёжига мос келиши керак. Хўжалик ҳаётига хос жараёнлар ҳам худди шу каби икки кутбий боғланиш – эҳтиёж ва истеъмол ўртасидаги муносабатлардан келиб чиқади. Улар ўртасидаги мувофиқлик –яхлитлик мавжуд бўлганда ҳам хўжаликка оид жараёнлар тўхтамайди, аммо номувофиқлик –зиддият бир

турдаги хўжаликка оид жараёнлар блокидан иккинчи турдаги хўжаликка оид жараёнлар блокига ўтишга, натижада бир типдаги хўжалик ҳаётига оид яхлитликдан иккинчи типдаги хўжалик ҳаётига оид яхлитликка ўтишга олиб боради. Мазкур қонуниятли ҳолатлар экоҳаётга, ҳуқуқий ҳаётга, эстетик ҳаётга оид яхлитлик ва жараёнларда ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳам мавжуддир.

Жамият ўзаги – маданий борлиқнинг икки қутби –англанган эҳтиёж ва ўзлаштириш (жумладан, истеъмол) ўртасидаги зиддият маданий борлиқ ва сўнгра жамиятнинг кенгайиб, такомиллашиб боришига олиб боради. Натижада ижтимоий - тарихий яхлитлик ҳам ўзгариб боради. Бу ҳолат ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ҳам ўзига хос ҳолда юз беради. Жамият ўзаги –маданий борлиқ субстанционал элементларининг миқдорий ва сифатий ўзгариб, ривожланиб бориши цивилизацияларнинг ўзгариб боришига, янги типдаги тарихий жараёнларнинг юзага келишига олиб боради. «Сакраш алоқадорлик кўриниши сифатида, - дейди Б.И.Мокин, - барқарорлик шакли сифатидаги сақланишни ҳам ва барҳам топиш, инкорни ҳам тақозо этади. Сақланиш шундай намоён бўладики, янги сифат ҳеч нарсадан эмас, балки бошқа сифат асосида, яъни объектив оламнинг умумийликлари намоён бўладиган борлиқнинг умуман сақланишидан келиб чиқади. Шундай ички сақланишни тақозо қилувчи ва инкон қилувчи зиддиятли алоқадорлик ворисийлик тушунчасида ифодаланади.»¹ Юқорида кўрсатилган икки қутбнинг бир-бирига мувофиқлиги нисбийдир, чунки субъектлар эҳтиёжлари доимо ўзгаришда бўлиб, ошиб боради. Эҳтиёжлар ошиб борар экан, бу икки қутб ўртасидаги кураш, инсоният бор экан, абадийдир. ижтимоий - тарихийжараёнлар ижтимоий - тарихий яхлитликка олиб боради. ижтимоий - тарихий яхлитлик эса ижтимоий – тарихий жараёнларни таминлайди.

¹ Мокин Б.И. Диалектика устойчивости и изменчивости в развитии и особенности её проявления в условиях социализма. Автореф. дисс. ...докт. филос. наук. – М., 1989. – С.35.

2.3. Ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг корреляцион-функционал ва субстанционал заминларининг ўзаро муносабатлари

Ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг манбаи жамият ўзаги –маданий борлиққа хос корреляцион-функционал ва субстанционал қонунларнинг ўзаро алоқадорликларидир. Бу ўзаро алоқадорликлар, хусусан уларнинг бирлиги ва тавофутлари кўринишларида намоён бўлади.

Жамиятнинг корреляцион-функционал ва субстанционал қонунлари келиб чиқиши ва ижтимоий асосига кўра бирликдадир. Жамиятнинг корреляцион-функционал ва субстанционал қонунлари жамият ўзаги – маданий борлиқнинг ички алоқадорликларидан келиб чиқиб, жамиятнинг умумижтимоий қонунлари ҳисобланадилар. Инсон ва унинг бирликлари жамият ўзаги –маданий борлиқнинг субъекти – яратувчиси ва ташувчиси сифатида корреляцион-функционал ва субстанционал қонунларнинг ижтимоий асосини ташкил этади. Инсоннинг билиши кишиларнинг бирликлари тизимида мулоқотдан бошланиб, аввал бу бирликларнинг томонлари –моддий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий маданиятлар ва уларнинг функционал ҳолатларини англайди ва сўнгра янада чуқурлашиб бу томонларнинг бирлигини таъминловчи субстанционал боғланишлари – қонунларига кириб боради. Бу умумижтимоий қонунлар ҳам ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнлар бирлигининг бир хил тартибдаги қонунлари ҳисобланади. Улар айна вақтда ижтимоий - тарихий яхлитликни ва ижтимоий – тарихий жараёнларни билишнинг қонунларидир.

Жамиятнинг корреляцион-функционал ва субстанционал қонунлари функционал ҳолатларига кўра бирликдадир. Чунки бу қонунлар барча тарихий давр ва маконлар –цивилизацияларда амал қилади. «...макон ва закон бирликда бўлиб, дейди С.Н.Бордонов, - барча моддий ҳодиса ва жараёнлар учун умумий фундаментал хоссаларга эга бўлсалар-да, улар турли хил моддий жараёнлар, тизимларда махсус жиҳат ва хусусиятларга киради. Шундай ёндашишнинг асосий табиий – илмий ва гносеологик илдизини

макон ва замонга субстанционал ёндашиш методологияси, деб ҳисоблаймиз. Хронотоп (вақт-макон)ни субстанциялаштириш ўз асосига эга. Масала шундаки, субстанционал ёндашишда макон-замоннинг хусусий шакллари, хоссалари барча материяга тарқалади ва энг умумий деб эълон қилинади».¹ Худди шундайин, корреляцион-функционал қонунлардан бири – жамият моддий ҳаётининг ўзаги – моддий маданиятнинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига нисбатан моддий асос қонунини бажариши негизида субстанционал қонунларнинг алоҳида кўринишлари –хўжалик маданияти ва экомданиятлар субстанционал қонунларининг амал қилиши ётади. «Цивилизацион ёндашишнинг тизимли – функционал талқини, - дейди А.В.Дорогенский, - асрлар оралиғида жамият олдида турган муаммоларнинг характери ва даражасини адекват баҳолашга бутунлай ёрдам беради ва у социомаданий ва технологик модернизациялашнинг аниқ дастурини ишлаб чиқариш методологиясининг асосида ётиши мумкин».² Демак, бу ички қонунларсиз моддий маданиятнинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига нисбатан моддий асос қонунини бажариши келиб чиқмайди.

Жамиятнинг корреляцион-функционал қонунларидан яна бири – ҳуқуқий ҳаётнинг ўзагиси – ҳуқуқий маданиятнинг жамиятнинг барча соҳаларига нисбатан тартибга солиб турувчилик қонунини бажаришнинг негизини ҳам субстанционал қонунларнинг алоҳида кўринишлари – ҳуқуқий маданиятнинг субстанционал қонунларининг амал қилиши ташкил этади. Ҳуқуқий борлиқнинг бу субстанционал қонунларсиз ҳам ҳуқуқий маданиятнинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига нисбатан тартибга солиб турувчилик қонунини бажариши юз бермайди.

Корреляцион-функционал қонунлардан яна бири – сиёсий ҳаётнинг ўзаги –сиёсий маданиятнинг ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларига нисбатан бошқариб турувчилик қонунини бажаришининг негизида субстанционал қонунларнинг алоҳида кўринишларидан бири – сиёсий маданиятнинг

¹ Бордонов С.И. Социальный хронотоп как качественно – количественная определенность общественного развития. Автореф. дисс. ...канд. филос. наук. – Киев: 1991. – С.9.

² Дорогенский А.В. Социодинамика техногенной цивилизации как предмет философско-методологического анализа. Автореф. дисс. ...канд. филос. наук. – Минск: 1996. – С.14.

субстанционал қонунларининг амал қилиши ҳисобланади. Сиёсий борлиқнинг бу субстанционал қонунларисиз сиёсий маданиятнинг жамиятнинг бошқа соҳаларига нисбатан бошқариб турувчилик қонунини бажариши амалга ошмайди.

Бу борада қуйидаги фикрларни қўшимча қилишни лозим, деб топдик. Илмий адабиётларда сиёсий борлиқ ва ҳуқуқий борлиққа оид фикрлар кетганда, кўпинча ҳуқуқий борлиқ ва уни акс эттирувчи томонлар умуман тилга олинмайди ёки иккинчи ўринга тушиб қолади.¹ Тўғри, сиёсий маданиятнинг бешинчи субстанционал элементи – сиёсий ижодкорлик натижалари ичида энг асосий қисми – давлат ҳокимиятидир. Давлат жамиятда сўзсиз равишда бош ролни ўйнайди. У ўзига хос йирик юридик шахс – сифатида қонун ижодкорлигининг асосий субъектидир. Давлат ҳокимияти позитив ҳуқуқ, яъни расмий ҳуқуқ – қонун ва қонун ости актларининг бевосита соҳиби ҳисобланади. Шунинг учун ҳам сиёсий омиллар ҳуқуқий жараёнларга нисбатан бирламчидек туюлади. Бизнингча, илмий адабиётларда «сиёсий-ҳуқуқий ҳаёт» терминларининг ушбу кетма-кетликда ишлатилишини ижтимоий билиш орқали ойдинлаштириб олиш лозим бўлади. Ҳуқуқ субъектларники. У объектив ҳолат. Табиий ҳуқуқ, масалан, оналик ҳуқуқининг объективлиги барчага равшан. Шахснинг жамиятнинг ичида қўлга киритадиган ҳуқуқлари, масалан, ўқитувчилик қилиш ҳуқуқи ҳам объективдир. Чунки ўқитувчилик фаолиятини жамият тақозо этади. Худди шунингдек, бошқарув, жумладан, оиладаги бошқарувдан то жамият даражасидаги бошқарувлар ҳам объектив бўлиб, ижтимоий муносабатлар томонидан тақозоланган. «Сиёсат» термини арабчадан бошқарув деган маънога эга бўлиб, ҳозирги кунда у давлат даражасидаги бошқарув сифатида ишлатилаётган экан, унинг ҳуқуққа асосланиши ва ҳуқуқ негизида юз бериши эса сиёсатнинг объективлигини таъминлайди. Шунинг учун «ҳуқуқий-сиёсий ҳаёт» терминини ишлатиш ҳар бир тадқиқотчининг шахсий

¹ Крапивенский С.Э. Глава восьмая. Политическое общество. // Социальная философия: учебник для студентов вузов. – М.: Гуманит. изд. центр. ВЛАДОС, 1998. – С.191-215.

иши, албатта. Аммо ҳуқуқ биринчи тартибдаги манфаат ҳисобланади, унга асосланиб давлат бошқарувини амалга ошириш, сўнгра давлатнинг бошқаруви орқали позитив ҳуқуқ – қонун ва қонуности актларини реализация қилиш юз беради. Илмий фалсафий билишда ушбу сиёсий-ҳуқуқий ҳаётнинг ўзаро боғлиқлик диалектикасига таяниш фикрларнинг объективлигини таъминлайди.

Маънавий ҳаёт ахлоқий, афсонавий, эстетик, илмий ҳаёт, таълим-тарбия тизими ва оммавий ахборот воситалари тизимларидан иборат. Уларнинг марказий қисмини инсон онги ташкил этади. Уларнинг функционал моҳиятини эса инсон онгига таъсир этиш белгилайди. Агар маънавий ҳаётнинг ушбу олтита соҳаларига диалектик - маданий тушуниш нуқтаи назаридан ёндашсак, жамият даражасидаги ахлоқий ҳаётнинг ўзагисининг унинг ишлов бериб яратилган қисми –ахлоқий маданият ташкил этади. Худди шунингдек, эстетик ҳаётнинг ўзагини эстетик ҳаётнинг ишлов бериб яратилган қисми –эстетик маданият, афсонавий ҳаётнинг ўзагини афсонавий ҳаётнинг ишлов бериб қисми –афсонавий маданият, илмий ҳаётнинг ўзагини илмий маданият, хусусан фанлар ташкил этади. Таълим – тарбия ва оммавий ахборот воситалари тизимлари тўғрисида ҳам худди шундай фикрларни айтиш мумкин.¹ Маънавий ҳаётнинг бу барча соҳаларидаги жараёнлар ўзига хос ҳолда юз беради ва амал қилади. Аммо улардаги асосий бирлик башарият, ижтимоий прогресс даражасидаги маънавий кадриятларни, жумладан, моддий неъматларни ишлаб чиқариш учун илмий кадриятларни оқилона, мақсадга мувофиқ яратиш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уларга нисбатан умумлашган тушунча –«маънавий маданият» термини ишлатилади. Маънавий маданият ва унинг таркибий қисмлари маънавий ҳаёт ва унинг таркибий соҳаларининг ўзак қисмларини ташкил этади. Корреляцион-функционал қонунлардан яна бири – маънавий маданиятнинг жамиятнинг бошқа соҳаларига нисбатан маънавий асос,

¹ Қаранг: Рустамбоев М.Ҳ., Абдухолиқов С.О. Ҳуқуқ методологияси: ҳуқуқни фалсафий тушуниш бўйича изланишлар. 1 – китоб. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. – Б. 208-211, 227-239; уларнинг: Ҳуқуқ методологияси: тарих ва ҳуқуқни диалектик маданий тушуниш асослари. 2 – китоб. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. – Б. 152-160.

жумладан гносеологик асос қонунини бажаришининг негизида ҳам жамиятнинг субстанционал қонунларининг ўзига хос алоҳида кўринишлари – маънавий маданиятнинг субстанционал қонунлари ва уларнинг тармоқ кўринишлари ётади. Маънавий борлиқнинг субстанционал қонунларсиз маънавий маданият ва унинг томонлари – жамиятнинг бошқа соҳаларига нисбатан маънавий асос қонунини бажаришлари амалга ошмайди.

Демак, жамиятнинг субстанционал қонунлари жамиятнинг корреляцион-функционал қонунларининг асосини ташкил этади. Жамиятнинг субстанционал қонунлари ва унинг кўринишлари ички қонуниятли боғланишлар сифатида амал қилади. Ворисийлик бевосита субстанционал қонунларга хосдир. «Маданий – тарихий типларнинг шаклланиши жараёни, - дейди Е.М.Травина, - халқлар ва уларнинг маданиятларининг ўзаро таъсирлари ҳаракатлари натижасида юз беради. Цивилизация қанчалик бой ва ҳар хил бўлса, унинг мустақил ташкил этувчи элементлари шунчалик ҳар хил бўлади. Ўзаро таъсир нафақат маданий – тарихий типларнинг ичкарасида, балки шу билан бирга ворисийлик деб аталадиган цивилизациялар ўртасида ҳам тақозо қилинади».¹ Жамиятнинг корреляцион-функционал қонунлари – бир бутун жамиятнинг тармоқлари – ижтимоий ҳаёт соҳалари ўртасидаги боғланишлар сифатида амал қилади. Жамиятнинг иккала туркум қонунлари ҳам жамиятнинг ички тизимига хос бўлиб, фақат нисбий маънодагина уларни асос, ички, бирламчи ва унга боғлиқ иккиламчи, ташқи деб олиш мумкин. Корреляцион-функционал қонунлар жамиятнинг яхлитлиги ва жараёнларининг мазмуни, субстанционал қонунлари эса унинг янада чуқурлашган қисми – моҳиятлари ҳисобланадилар. Жамиятнинг корреляцион-функционал ва субстанционал қонунлари ўртасидаги ушбу бирлик бўлмаса, муайян ижтимоий - тарихий яхлитлик келиб чиқмайди, ички барқарорлик қарор топмайди, тарихий жараёнларнинг муайян оқими ва давомийлиги юз бермайди. Бу бирликни

¹ Травина Е.М. Взаимодействие культур: социально-философский анализ. Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. –С.Пб.: 1992. – С.9.

билиш кишиларнинг фаолиятини бошқариш, жамиятнинг яхлитлигини қарор топтириш ва бошқариш ишларининг асосини ташкил этади.

Жамиятнинг субстанционал қонунлари муайян ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларни келтириб чиқарар экан, улар жамиятнинг туб, умумий алоқалари ҳисобланади. Жамиятнинг корреляцион-функционал қонунлари эса жамиятнинг умумий соҳалари, томонлари ва уларнинг функционал ҳолатларини ифодалайдилар. Жамиятнинг субстанционал қонунлари ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг механизми, корреляцион-функционал қонунлар эса ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг муҳим мувофиқ келувчи томонлари ва боғланишларини ифодалайди.

Жамиятнинг субстанционал қонунлари ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг бош йўналишларини, корреляцион-функционал қонунлари эса ижтимоий - тарихий яхлитлик жараёнларнинг ижтимоий ҳаёт соҳалари бўйича томонларини ташкил этади. Жамиятнинг субстанционал қонунлари ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг чуқурроқ даражаларини, корреляцион-функционал қонунлар эса уларга нисбатан воқеликларни ифодалайди. Жамиятнинг ушбу умумижтимоий қонунлари – корреляцион-функционал ва субстанционал қонунларини биргаликда, бир-бирлари билан боғланишларда олиб қараш муайян ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларни илмий ижтимоий – фалсафий билишда умумий методологик ролни ўйнайди.

Иккинчи бобдан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

1. Инсон ўз ризқини табиатга ишлов бериб топади. Ушбу ишлов бериб яратилган борлиқ – маданият, яъни маданий борлиқ негизида ижтимоий ҳаёт соҳалари келиб чиққан. Бу маданий қисмлар корреляцион-функционал алоқадорликда бўлиб, ундан ижтимоий - тарихий яхлитликнинг «органик» ва ташкиллашган – мақсадга мувофиқлик типи ташкил топади. Уларнинг бу бирликларидан цивилизациялар – мамлакатлар кўринишларидаги ижтимоий-тарихий яхлитлик ва унинг ички табиатига хос жараёнлар келиб чиқади.

Шунинг учун ҳам жамият ўзаги – маданий борлиқ томонларининг корреляцион-функционал қонуниятли бирлиги ижтимоий–тарихий яхлитлик ва жараёнларининг биринчи тартибдаги манбаидир.

2. Жамият ўзаги – маданий борлиқнинг тўртала томонларининг тизим ташкил этувчи субстанционал элементларининг генетик кетма-кет боғланишларидан унинг субстанционал бир-бутунлиги қонуни келиб чиқади. Худди шу субстанционал қонун ижтимоий–тарихий яхлитликнинг навбатдаги субстанционал манба ва замини ҳисобланади. Бу тизим ташкил этувчи субстанционал элементларнинг узлуксиз бир-бирларини келтириб чиқаришлари ва таъминлашларидан маданий борлиқнинг субстанционал илгарилама доиравий айланиш қонуни келиб чиқади. Ушбу қонун ижтимоий - тарихий яхлитликка хос жараёнларнинг манбаи бўлиб хизмат қилади. Маданий борлиқнинг иккинчи субстанционал элементи – эҳтиёжларнинг ўзгаришидан эҳтиёжнинг ошиб бориши субстанционал қонуни келиб чиқади. Бу қонун эса ижтимоий–тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг йўналишларини ташкил этади. Ижтимоий–тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг турли йўналганлигининг генетик боғланишларидан ворисийлик келиб чиқади. Маданий борлиқнинг субстанционал қонунлари ижтимоий–тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг иккинчи, аммо янада чуқурлашган моҳиятли, ижтимоий–тарихий яхлитликни тизим ҳолига келтирувчи заминларидир.

Ижтимоий–тарихий яхлитлик, ўз жараёнлари томонидан шаклланади ва такомиллашади. Айни вақтда ижтимоий–тарихий яхлитлик ўз жараёнларининг функционал ҳолатларини таъминлайди. Ижтимоий - тарихий яхлитлик нисбатан барқарордир. Ижтимоий–тарихий жараёнлар эса доимо ҳаракатда. Ижтимоий–тарихий яхлитликнинг имкониятидан воқеликка айланиши ижтимоий–тарихий жараёнлар асосида муайян шароитда юз беради. Ижтимоий–тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг бир-бутунлиги жамият, цивилизациялар–мамлакатларни ташкил этади. Уларнинг хилма-хиллиги цивилизациялар–мамлакатлар хилма-хиллигини ташкил этади.

Цивилизациялар–мамлакатлар ижтимоий–тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг конкрет намоён бўлишидир.

3. Жамиятнинг корреляцион-функционал ва субстанционал қонунлар амал қилиши ва ривожланишининг ижтимоий асослари, яъни субъектларига ва амал қилиш (функционал) ҳолатларига кўра бирликдадир. Жамиятнинг яхлитлиги ва жараёнларининг мазмунини корреляцион-функционал қонунлар, моҳиятини эса субстанционал қонунлар ташкил этади. Бу умумижтимоий қонунлар бирлигисиз ижтимоий–тарихий барқарорлик қарор топмайди, тарихий жараёнларнинг муайян оқими ва давомийлиги юз бермайди.

3-БОБ. ИЖТИМОЙ–ТАРИХИЙ ЯХЛИТЛИК ВА ЖАРАЁНЛАРНИНГ ТАБИЙ ЗАМИНЛАРИ ВА ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРДА НАМОЁН БЎЛИШИ

3.1. Ижтимоий–тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг табий заминлари

Табиат - борлиқнинг асосий таркибий қисми. Борлиқ онто ҳолатига кўра моддий ва руҳий борлиқларга бўлинади. Борлиқнинг моддий шакли бўлган моддий борлиқ материя тушунчаси орқали ифодаланади. Материя инсон онгига нисбатан ишлатилиб, ундан ташқаридаги моддийликни ифодалайди. Материянинг инсон онгига нисбатан объектив реаллиги тушунчаси, яъни мавжудлиги худди шу қиёсий таҳлилдан келиб чиққан. Борлиқнинг объектив реаллик тушунчасига нисбатан ишлатиладиган субъектив реаллик тушунчаси эса инсон онги ва унга боғлиқ жараёнларни ифодалаш учун ишлатилади. Илмий адабиётларда таъкидланганидек, инсон онги юксак даражада ташкил топган материя, яъни инсон миясининг хоссасидир. Демак, борлиқ моддий ва руҳий борлиқларга, объектив ва субъектив борлиқ – реалликларга бўлинади. Борлиқ кўлами жиҳатидан табиий борлиқ (яъни табиат) ва ижтимоий борлиқ (жамият)ларга бўлинади.

Илмий адабиётларда «табиат», «табиий борлиқ» тушунчаси умумий, хусусий ва алоҳидалик кўринишларида, яъни кенг ва тор маъноларда ишлатилади. «Табиат», яъни «табиий борлиқ» тушунчаси кенг маънода «объектив реаллик» тушунчалари билан айнанлаштирилиб ишлатиб келинмоқда. У хусусийлик кўринишида, яъни «объектив реаллик» тушунчасига нисбатан алоҳида тор маънода, яъни жамиятга нисбатан табиат маъносида ҳам ишлатилади. Бунда «табиат», яъни «табиий борлиқ» тушунчаси айни вақтда «географик муҳит» тушунчасига нисбатан кенг маънода ишлатилади. «Табиат», яъни «табиий борлиқ» тушунчаси алоҳида, яъни тор маънода «географик муҳит»ни ўзида акс эттиради. Табиат, яъни

табиий борлиқ хусусийлик, яъни кенг маънода табиий - моддий борлиқ ва табиий-руҳий борлиқлардан иборат. Табиий - моддий борлиқ анорганик табиат ва органик табиатдан ташкил топган. Органик табиат – биосфера одам танасини ҳам ўз ичига қамраб олади.

Ижтимоий борлиқ борлиқнинг кўлам жиҳатидан бир кўриниши сифатида ўзида объектив реаллик (борлиқ)нинг уйғунлашуви сифатида намоён бўлади. Чунки ижтимоий борлиқ ҳам ўз навбатида ижтимоий моддий борлиқ (яъни жамиятнинг моддий томонлари, жумладан, моддий ҳаёти) ва ижтимоий руҳий борлиқ, жумладан унинг асосий қисми –инсон онгидан ташкил топган. Ижтимоий моддий борлиқ эса объектив борлиқ сифатида инсон онги –субъектив реалликсиз таркиб топмайди. Чунки ижтимоий моддий борлиқнинг ўзаги – моддий маданият борлиқнинг инсон томонидан ишлов бериб яратилган қисмидир. Ижтимоий моддий борлиқ табиий моддий борлиқнинг инсонлар томонидан ўзгартирилган қисми ва давомидир. Ижтимоий руҳий борлиқ, жумладан инсон онги ҳам табиий - руҳий борлиқ заминида ривожланиб, янги сифат босқичида юзага келган ҳодисадир. Шунинг учун фалсафий - онтологик аспектда олганимизда ҳам табиат – табиий борлиқ жамият ва унинг сифатий кўринишлари – ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг табиий замини ҳисобланади. Мазкур табиий заминда юз берадиган ўзгаришлар мамлакатлар кўринишидаги ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларга кучли ёки кучсиз, ижобий ёки салбий таъсир этади.

Демак, ижтимоий борлиқ ижтимоий - тарихий яхлитлик бир бутун жамият сифатида борлиқнинг умумий алоқадорлик тизими силсиласида юзага келган, янги сифати эга бўлган борлиқ бўлиб, унинг заминида табиий борлиқнинг такомиллашиши ётади. Одам - табиатнинг меваси. Одамзот табиатнинг барча қисми билан эмас, балки унинг бир қисми яшаш учун имкон бўлган қисми – географик муҳит билан нафақат ижтимоий - тарихийлик, балки шу билан бирга ижтимоий – тарихий жараёнлар хилма-хиллигининг ҳам табиий замини ҳисобланади. «Табиий шароитларнинг

табақалашуви тарихнинг маконий хилма-хиллигининг манбаларидан бири сифатида ўзининг махсус ижтимоий инъикосини топади».¹ Чунки инсон воқеликни ўзгартириб ўзлаштирар экан, бу бирон-бир фаолият, меҳнат тури орқали юз беради. Ижтимоий фаолият эса жамият ўзагиси – моддий борлиқнинг мавжудлик усули ҳисобланади. Ер шарининг турли жойларида географик шароитга мувофиқ ҳолда ишлаб чиқаришнинг ихтисослашганлиги ва шунга мувофиқ турли мамлакатлар турли тарзда ва турли даражада шаклланиши табиат ижтимоий - тарихий яхлитликнинг ва тарихий жараёнларнинг турли-туман бўлишларининг табиий замини бўлиб хизмат қилганлигини кўрсатади. Океан, денгиз, дарё ва тоғларнинг географик кенгликлар ўртасида девор бўлиб туришлари турли халқнинг ўзига хос йўллардан кетишларига табиий сабаб бўлган.

Иқлимнинг шимол ва жанубда турличалиги ҳам тарихий жараёнлар ҳолатига таъсир қилган, қайсидир мамлакатнинг ери унумдорлиги ёки табиий ресурсларга бойлиги билан фарқланади ва аксинча, унумсиз ерларга, табиий ресурсларнинг камлиги ёки йўқлиги билан фарқланадиган мамлакатлар ҳам мавжуд. Ушбу ҳолатлар ижтимоий - тарихий жараёнларнинг турлича ва турли даражада ривожланишига кучли таъсир қилган. Шимолий ҳудудлардаги изғирин совуқ у ерларда асосан овчилик, балиқчилик ва буғучилик билан шуғулланиб, ўз мавжудликларини сақлаб қолишга мажбур этган ва шунга мувофиқ турмуш тарзи келиб чиққан. Аксинча, иссиқ тропик ўлкаларда табиий шароит инсоннинг мавжудлиги учун шароитни яратганлиги билан фарқ қилади.² Ёки Марказий Осиёда дарё бўйлари воҳаларида деҳқончилик маданиятининг, чўл ва дашт ҳудудларда эса чорвачиликнинг ривожланиши ва шу асосда муайян халқ ўтроқ турмуш тарзи ва муайян халқнинг кўчманчилик турмуш тарзи масаласига замин бўлган. Ушбу табиий шароитлар таъсири шундаки, давлатчилик ижтимоий ҳодиса

¹ Қаранг: Келле. В.Ж. Теория и история. (Проблемы теории исторического процесса). – М.: «Политиздат», 1981. – С.220.

² Қаранг: Ўша ерда. – Б. 221-222.

сифатида биринчи навбатда ўтроқ аҳоли ўртасида шаклланган ва ривожланган.

Одам танаси табиатники бўлиши билан бирга, у биоижтимоий маданий ходиса ҳисобланади. Чунки ҳайвон табиатнинг тайёр маҳсулотларини ўзлаштиради, одам эса ўз ризкини воқеликка ишлов бериб ажратиб олади ва ўз мавжудлигини таъминлайди. Бу жараёнда унинг ўзи ҳам яратган маданий борлиғи билан инсонийлашиб борадиган борлик, яъни жамият юзага келади. Дехқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик ушбу эҳтиёж туфайли таркиб топган. Шунинг учун одам ҳайвонларга қараганда, табиатга нисбатан кўпроқ нисбий мустақилликка эга. Ушбу ҳолат одамнинг нисбий мустақил мавжудлик сифатида табиатга нисбатан модда алмашинуви ва насл қолдириш муносабатларини ҳайвонлардан фарқли равишда, ўзига хос ҳолда шакллантиради. Тўғри, жамият ўзига хос қонуниятлари билан инсонлар фаолияти орқали ривожланади. Аммо анатомик маънодаги одам - табиатнинг бир бўлаги. Агар анорганик табиатда муайян сифат ўзгаришлари бўлса, бу ҳолат органик табиат – флора ва фаунага ҳам ижобий ёки салбий таъсир этади. Табиатдаги ижобий ёки салбий ўзгаришлардан инсон танаси ҳам четда қолмайди. Одамнинг табиат билан модда алмашиши унинг насл қолдириши авлодлар кетма-кетлигига ижобий ёки салбий таъсир қилади. Демак, табиат инсон мавжудлигининг табиий-географик замини, яъни шарт-шароитидир. Айни вақтда инсоннинг биологик мавжудотлиги ижтимоий мавжудлигининг табиий заминига киради. «Табиий муҳит, - дейди Г.Ҳ.Тиллаева, - инсоннинг биологик ривожини таъминласа, ижтимоий муҳит эса инсон фаолияти давомида (оила, боғча, мактаб, мактабдан ташқари муассасалар ва маҳалла) шахс сифатида шаклланиши учун асосий омил бўлиб хизмат қилади».¹

С.Э.Крапивенский «Ижтимоий фалсафа» номли дарслигида А.Розе (АҚШ) ва Щепаньский (Польша)ларнинг ишларидан олинган рўйхатлардан

¹ Тиллаева Г.Ҳ. Ижтимоий муҳит ва тарбия: муаммо ва ечимлар (ижтимоий-фалсафий таҳлил). Фалс. фан. ном.... дисс. автореферати. –Т.: 2007. - Б.10.

фойдаланган ҳолда инсон организмнинг ижтимоий ҳаёти учун табиий замин сифатидаги хусусиятларини қуйидагича кўрсатади:

а) тик юриш анатомик хусусият сифатида одамга атрофни кўзи билан камраб олишга ва олдинги оёқларнинг қўлга айланиб меҳнат қилиш имконини беради;

б) ҳаракатчан бармоқлардан иборат чангалли қўллар мураккаб ва нозик функцияларни бажаришга имкон берган;

в) олдинга йўналтирилган қараш уч ўлчовда кўришга ва маконда йўналиш олишга имкон берган;

г) бош мия ярим шари ва асаб тизими одам руҳиятининг юқори даражада ривожланишига имкон берган;

д) нутқнинг ривожланишини шакллантирувчи мураккаб товуш механизми, томоқ ва лабнинг тузилиши;

е) болаларнинг ота-оналарга узоқ муддат боғлиқлиги туфайли катталар томонидан паноҳ бўлишининг узоқ даври, ўсиш ва биологик етилишнинг секин темпи ва шунинг учун таҳсил олиш ва ижтимоийлашувнинг узоқ даври;

ж) туғма ички туртки ва эҳтиёжларнинг мутаносиблиги, инстинктларнинг қўпол – кескин механизмларининг йўқлиги;

з) оила шакллари ва бошқа қатор ижтимоий ҳодисаларга таъсир этувчи жинсий майлларнинг барқарорлиги.¹

Одам ва унинг туғилиши, кўпайиши каби демографик жараёнлар ҳам табиий ҳодиса ҳисобланади. Насл қолдириш асосида авлодлар кетидан янги авлодлар келаверади ва улар ўртасида генетик ворисийлик юз беради. Ушбу ҳолат жамият эволюциясининг биологик-демографик замини бўлиб хизмат қилади. «Тарихнинг хилма-хиллигини белгиловчи шароитлардан бири сифатида, -деб ёзишади В.Ж.Келле ва М.Я.Ковалзон, - демографик омил ҳам иштирок этади-ку, албатта, (унинг –Т.Б.) ҳаракатини экологик ва ижтимоий-

¹ Қаранг: Pose A.M. Sociology. – New York, 1956. – P.96; Щепаньский Я. Элементарные понятия социологии. –М: 1969. – С.24-25.// Крапивенский С.Э. Социальная философия: Учебник для студентов вузов. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 1998. – С.41.

иқтисодий шароит ва ҳолатлар билан биргаликда қараш тўғридир. У ёки бу мамлакатнинг аҳолиси, унинг зичлиги ва ўсиш темпи – барчаси ижтимоий маконнинг турли нуқталаридаги тарихнинг конкрет ривожланишига шундай ёки бошқача таъсир қиладики, шу сабабдан (унинг –Т.Б.) таъсир этиш характери барибир ижтимоий ривожланиш даражасига боғлиқ бўлиб қолади.

Масалан, олайлик, аҳолининг ўсишини: у ҳар хил ижтимоий шароитларда мутлақо турли хил ижтимоий оқибатларга эгадир.»¹ Шунинг учун ҳам Юртбошимиз И.А.Каримов мамлакатимизда 2010 йилга «Баркамол авлод» йили деб ном беришни таклиф этди. «Табийки, - деди у, - соғлом авлод деганда, барчамиз, биринчи навбатда, соғлом насли тушунамиз.»²

Ижтимоий – тарихий жараёнларнинг турлича бўлишларида биологик асос сифатида демографик омилнинг ҳам ўз ўрни бор. Аҳоли туғилиши, кўпайиши ёки камайиши, миграция ва урбанизация жараёнлари ижтимоий - тарихийжараёнларга кучли таъсир этади. Эрамизнинг бошларида Ер шари аҳолиси тахминан 300 минг кишини, 1850 йилларга келиб 1 миллиард кишини, 1930 йилларда 2 миллиард, 1960 йилларда 3 миллиард, 1976 йилда 4 миллиард, 1986 йилда 5 миллиард кишини ташкил этди. Аммо ҳозирга кунга келиб аҳолининг ўсиши пасаймоқда. Аҳолининг табиий ўсиши йилига ривожланган мамлакатларда 0,5%, ривожланаётган мамлакатларда 1 дан 2,5% гача, Африка мамлакатларида 3% га тенгдир.³ Ғарбий Европанинг бир қатор мамлакатларида аҳоли туғилиши пасайиши ишчи кучининг камайишига олиб келмоқда, натижада бу ишлаб чиқариш даражасига таъсир қилмоқда. Ёки аҳолиси энг кўп бўлган мамлакатлар Хитой (1 миллиард 500 мингдан зиёд) ва Ҳиндистон (1 миллиардга яқин)да ўзига хос озиқ-овқат, энергетика ва бошқа шу каби муаммолари мавжуд. Демографик муаммолар кўплаб касалликлар (ОИТС ва бошқа)лар, қашшоқлик, ишсизлик,

¹ Келле Ж., Ковальзон М.Я. Теория и история (проблемы теории исторического процесса). – М.: «Политиздат», 1981.- С.222.

² Каримов И. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятни барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. – Б.25.

³ Основы философии: Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – С.380.

жиноятчилик, фоҳишабозлик, алкоголизм, наркотик моддаларнинг тарқалиши, ижтимоий таъминот ва таълим соҳасидаги муаммолар билан ҳам боғлиқдир.¹

Одамнинг табиатдан ўз улушини олиши табиатга ишлов бериш орқали – овчилик, деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик каби усуллар орқали юз берган экан, бу маданий ҳолат ва жараёнлар биргаликда ҳаракат қилишни-бирлашишни тақозо этган. Ибтидоий пода ва сўнгра муайян географик жойда уруғ ва қабилачилик инсонлар тарихий яхлитлигининг дастлабки, ибтидоий шакллари дир. Демак, табиий муҳит ижтимоий - тарихий яхлитлигининг замини ҳисобланади. «Маданият тарихининг қарор топиши, - дейди А.Е.Лернер, - кишилик тарихининг ўз-ўзидан ривожланиши жараёнига айланганлигини англатади.»² Аммо Е.А.Лернер бу маданий жараёнда меҳнат қуролларининг етакчи тарихий аҳамиятга эга эканлигини илгари сурди. Бу билан у кишилик тарихини материалистик тушунишга йўл кўяди. Бизнингча, тарихни диалектик - маданий тушуниш бўйича меҳнат қуроллари технологик маданиятнинг компонентларидан ҳисобланади. Технологик маданият хўжалик маданиятининг, хўжалик маданияти эса моддий маданиятнинг, моддий маданият жамият ўзаги – маданий борлиқнинг таркибий қисми дир. Демак, меҳнат қуроллари субъектсиз, маънавият маданиятнинг ўзаги – инсон онгисиз, ижтимоий нормаларсиз юзага келмаган. Унинг юзага келиши ижтимоий маданий шартлангандир.

Одамзотнинг миллион йиллар давом этган табиий неъматларини ўзлаштирувчилик даври ва сўнгра бир неча минг йиллар давомида бир неча босқичларидан иборат табиатни ўзгартирувчилик даврлари ижтимоий-тарихий яхлитликнинг турли шакллари ва турларини келтириб чиқарди. Инсониятнинг қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги даврлар ижтимоий тараққиёти, ҳозирги кунда демократик фуқаролик жамияти қуриш сари интилишлари ва бу умумийликлар ичида мавжуд бўлиб келган

¹ Ўша ерда. – Б.381.

² Лернер А.Е. Начало человеческой истории как объект социально – философского анализа. Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – М: 1990. – С.13.

цивилизациялар бунинг ёрқин далиллари дир. Ҳозирги кунда қатор табиий глобал муаммолар – уруш ва тинчлик, экоинқироз, демографик, энергетика, хом - ашё, озиқ-овқат муаммоларининг биргаликда ҳал қилиш учун таркиб топаётган интеграцион жараёнлар ҳам янги кўринишдаги ижтимоий - тарихий яхлитлик – жаҳон ҳамжамиятининг шаклланишига олиб келмоқда. Демак, географик муҳит айна вақтда ижтимоий-тарихий яхлитликнинг табиий замини ҳисобланади. «Тарихни диалектик - маданий тушунишда, - дейди Р.П.Маматқулов, – маданий борлик, маданий қадриятлар, табиатни эъзозлаш, авваламбор, инсон ва унинг бирликларидан, сўнгра моддий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий маданиятларнинг корреляцион-функционал бир бутунлигидан иборат...

Ҳар бир даврнинг моддий ҳаёти унинг негизи – моддий маданияти, сиёсий ҳаёти унинг ўзаги – сиёсий маданияти, ҳуқуқий ҳаёти унинг ўзаги – ҳуқуқий маданияти, маънавий ҳаёти унинг ўзаги – маънавий маданияти унинг турлари, даражалари билан белгиланади. Моддий ҳаёт ўзаги – моддий маданияти хўжалик ва экомаданиятлардан иборат бўлиб, экомаданият экоҳаётнинг марказий қисмини, яъни унинг «ишлов бериб» яратилган қисмларини ташкил этади. Экомаданиятнинг даражаси, биринчи навбатда, хўжалик ҳаёти ўзаги – хўжалик маданияти, сўнгра маънавий, сиёсий, ҳуқуқий маданиятлари моҳият – даражаларига боғлиқ».¹ Демак, ушбу фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, табиат ва унинг хилма-хиллиги кишилиқ жамиятининг турли хил кўринишларда шаклланишига замин яратган. Ўз-ўзидан ривожланувчи жамиятнинг асосини эса инсон томонидан воқеликнинг ишлов бериб яратилган қисми–маданий борлик ташкил этади. Экомаданият инсоннинг хўжалик жараёнида табиатга мақсадли равишда муносабати ва унинг ижобий ва салбий натижалари бўлиб моддий маданиятнинг таркибий қисми, демакки, жамиятнинг компонентларидан бири сифатида амал қилади. «Инсон ва табиат бирлигининг ҳақиқий ютуғи, -

¹ Маматқулов Р.П. Ўзбек халқи ахлоқий қадриятларида табиатга оқилона муносабат ва унинг ҳозирги кундаги аҳамияти. Фалсафа. фан. ном. ... дисс. автореферати. – Т: 2006. – Б.13.

дейди В.В.Вальковская, - нафақат мураккаб тарихий жараён, балки шу билан бирга ижтимоий ривожланишнинг йўлида ижтимоий идеалнинг экологик кадриятлар билан боғлиқлиги янада аниқ камраб олинадиган мақсадлардан бири ҳисобланади».¹

Турли жойларда географик муҳит ва аҳоли зичлиги таркибининг турли хиллиги мамлакатларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий тараққиётининг ўзига хос моделларини ишлаб чиқишга олиб келган. «Республикадаги ўзига хос демографик вазият, – дейди Юртбошимиз И.А.Каримов, - ғоят муҳим хусусиятлардан биридир. Жумҳуриятимизда аҳоли ва меҳнат ресурслари ҳар йили юксак суръатлар билан ўсиб бормоқда. Аҳолининг ярмидан кўпроғи қишлоқ жойларда яшайди ва асосан деҳқончилик билан шуғулланади. Аҳоли таркибида 60 фоиздан кўпроғи болалар, ўсмирлар, 25 ёшгача бўлган йигит - кизлардир.

Ўз аждодлари қадимдан яшаб келган жойларга боғланганлик, кўчиб юришга мойилликнинг йўқлиги республика аҳолисига хос хусусиятдир».² Шунингдек, у Республика қулай геостратегик мавқега эгаллигини, ҳозирги кунда Ўзбекистон ўзининг мустақил энергетика ва сув тизимларига эга бўлган собиқ совет Ўрта Осиёсининг марказида турганлигини, кўпгина масалаларда республикалар ўртасидаги боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилишини, республика қишлоқ хўжалиги аксарият ҳолатда сунъий суғоришга ва суғорма деҳқончиликка асосланганлигини, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, бутун халқ хўжалиги таркибида пахтачилик етакчи ўрин тутишини, Ўзбекистон мустақил Ўрта Осиё республикалари орасида ғоят катта экспорт имкониятларига эга бўлган жуда муҳим стратегик хом ашё – пахта ва ундан тайёрланган маҳсулотни етиштирувчи ҳамда етказиб берувчи асосий республика эканлигини, иқлим шароитлари мева-сабзавот маҳсулотлари, пилла ва бошқа ғоят қимматли қишлоқ хўжалик хом ашёсини нафақат ўз эҳтиёжларини қондириш учун, балки бошқа мамлакатларга

¹ Вальковская В.В. Единство природного и социального в историческом процессе. Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – М: 1989. – С.21.

² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва таррақиёт йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 1992. - Б.12.

етказиб бериш учун ҳам зарур миқдорда етиштиришни таъминлашини, ер бағрида ғоят қимматли минерал хом ашёлари мавжудлигини, ушбу табиий шарт-шароитлар асосида юзага келган ҳолатларни қайд этган. Шунинг учун «Ўзбек модели»да аҳолининг бозор шароитига бирданига мослашиши қийинчиликлари ҳисобга олинган ҳолда уни ижтимоий ҳимоялаш асосий ўрин эгаллади. Юртбошимиз И.А.Каримов ўз асарларида бу масалаларни Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини ҳимоя қилиш имконини берадиган етарли потенциал сифатида таҳлил қилиб берди.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги табиатнинг ўзига хослиги – жазирама ёзнинг мавжудлиги, кўплаб майдонлар қумли барханлардан иборатлиги, фақат Амударё, Сирдарё ва бошқа дарё бўйларида обикор ерларда қишлоқ хўжалигининг шаклланишига олиб келган. Бу табиий ҳолат Марказий Осиёда ирригация тизимининг шаклланишини ва бу ишларни жамоа бўлиб амалга оширишни тақозо этган. Кишилар ўзларининг мавжудликларини таъминлаш мақсадида табиатга муносабатларида экомеханизмларни билмаслиги салбий экомаданиятнинг қарор топишига олиб келган. Орол фожеаси бунинг ёрқин мисолидир. «Орол денгизининг қуриб бориш хавфи ғоят кескин муаммо, – дейди Юртбошимиз И.А.Каримов, – айтиш мумкинки, миллий кулфат бўлиб қолди. Орол денгизи муаммоси узоқ ўтмишга бориб тақалади. Лекин бу муаммо сўнгги ўн йилликлар мобайнида хавфли даражада ортди. Марказий Осиёнинг бутун ҳудуди бўйлаб суғориш тизимларини жадал суръатда қуриш кўплаб аҳоли пунктларига ва саноат корхоналарига сув бериш баробарида кенг кўламдаги фожеа – Орол ҳалок бўлишининг сабабига ҳам айланди».¹ Мазкур салбий оқибат Марказий Осиё ҳудудида ерларнинг шўрланиб боришига, турли хил касалликларнинг юзага келишига олиб келмоқда. Орол фожеаси Марказий Осиёда муайян даражада иқлимнинг ўзгарувчанлигига ҳам сабаб бўлмоқда. Мазкур ҳолатлар Марказий Осиё ҳудудида мавжуд ўзига хос мамлакатлар – ўз фуқаролари ва давлатларига эга жамиятлар –

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997. – Б.124.

цивилизацияларнинг яхлитлигига ҳам, уларнинг ички жараёнларининг нормал ривожланишига ҳам салбий таъсир этмасдан қолмайди. Шунинг учун 1993 йил март ойида Қизил Ўрдада Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг учрашувида Орол денгизи масаласи танглигини ҳал этиш юзасидан биргаликда ҳаракат қилиш тўғрисида Битим имзоланди. Орол денгизи муаммолари бўйича давлатлараро Кенгаш ва унинг ишчи органи – Ижроия қўмитаси, шунингдек, Оролни қутқариш Халқаро фонди ташкил этилди, 1994 йил январда эса ушбу муаммога оид дастур қабул қилинди. 1995 йил 20 сентябрда Нукус шаҳрида Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотлар Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича Декларация қабул қилдилар.¹ Демак, муайян табиат она-замин сифатида мавжуд бўлмаса, жамият ҳам яхлитлиги ва жараёнлари билан мавжуд бўлмайди. Ижтимоий детерменизм айни вақтда жамиятнинг табиатга зарурий боғланишларини, оқилона муносабатларни ўз ичига олади. Ижтимоий детерменизм «барча бўлиб ўтган табиий ва ижтимоий ривожланиш жараёнларининг ўзига хос регулятори ҳисобланар экан, -дейди Ф.Мусаев, - генетик (тарихий) тартибда ижтимоий реалликнинг шаклланиши ва қарор топиши эволюцияси ва аввало материя ҳаракатининг ижтимоий шаклини акс эттиради.»² Шунинг учун бугунги кунда табиатни эъзозлаш, унга оқилона муносабатда бўлиш барча халқлар, мамлакатларнинг виждонига айланди.

Урушлар, экоинқироз, энергетика, хом-ашё, озиқ-овқат, демографик муаммолар бевосита табиат – она – заминимизнинг муаммоларидир. Уларни ижобий ҳал қилиш жамиятнинг яхлитлигининг замини, ўз-ўзидан ривожланиши жараёнларининг замини – соғлом она табиатни сақлаб қолиш демакдир. Ҳозирги даврда ўзаги, водород, нейтрон, химик, бактериологик каби оммавий қирғин қуролларининг бир қатор мамлакатларда мавжудлигининг ўзиёқ жамият бу ёқда турсин, Ер шарининг мавжудлигига

¹ Қаранг: Ўша ерда. – Б.127-128.

² Мусаев Ф. Принцип детерминизма в системе социального познания. Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – Т: 1986. – С.11.

рахна солмоқда. Экология «цивилизацияларнинг омон қолиш шароитларини хам ўрганиб, - дейди И.М.Мирзакулов, - шунга кўра цивилизациянинг ўзи нафақат ўзининг, балки инсоннинг табиатга таъсирининг оқибатлари ўз харакатининг асосини хам яратади».¹ Барча ўзаги қуролларининг портлатилиши Ер шарини ўз ўқи атрофидан чиқариб юборади, атмосферанинг доиравий айланиши жараёни бузилади, ўзаги қора булутлари ер юзасини қоплаши туфайли «ўзаги қиши» ёки «ўзаги кечаси» келиб чиқади, флора ва фауна ҳалок бўлади ва ўз-ўзидан цивилизацияларнинг мавжуд бўлиши учун табиий замин қолмайди.

«Инсоннинг табиат имкониятларини ва унинг ривожланиш қонуниятларини ҳисобга олмай, жадал юритилган хўжалик фаолияти, - дейди И.А.Каримов, - Рим клубининг «XXI аср йўли» деб аталмиш тадқиқотларидан бирида кўрсатиб ўтилганидек, Ер юзида тупроқ нураши, ўрмонлардан маҳрум бўлиш, балиқларнинг ҳаддан ташқари кўп овланиши, тузли ёмғирлар, атмосфера ифлосланиши, озон қатлами бузилиши ва ҳоказоларнинг рўй беришига олиб келди. Мутахасисларнинг баҳолашларича, 2000 йилга бориб ўрмонлар эгаллаб турган майдон қуруқликнинг 1/6 қисминигина ташкил этади, ҳолбуки, 50-йилларда улар 1/4 қисмини эгаллаган эди. Жаҳон океанининг сувлари ҳалокатли равишда ифлосланиб бормоқда, унинг такрорий маҳсулдорлиги кескин пасаймоқда. Жадал суръатлар билан юз бераётган урбанизация жараёнлари шаҳарларнинг асосий агломерациялари энг йирик ифлослантириш манбаларига айланиб қолишига олиб келди. Таркибида олтингугурт қўш оксиди бўлган тузли ёмғирлар ёғиши кўпайди. Бунинг натижасида бутун дунёда экологик муҳитнинг ёмонлашуви билан боғлиқ турли – туман касалликлар сони ортиб бормоқда».² «Рим клуби» вакиллари Е.Лагцео, Д.Медоуз, М.Месарович, Э.Пестель, А.Печчеи, Дж.Рифкин, П.Робертс, Д.Робинсон, Э.Тоффлер, Дж.Форрестер ва бошқаларнинг «ўсиш чегараси» ва «органик ривожланиш»

¹ Мирзакулов И.М. Принцип материального единства мира и проблема формирования экологического стиля мышления. Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – Т: 1991. – С.10

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997. – Б.113-114.

концепциялари ижтимоий - тарихий яхлитликка жараёнларнинг табиий заминларини сақлаб қолишда илгари сурилган вариантларидандир.¹ Жумладан, Д.Медоуз (АҚШ) «Ўсиш чегараси» концепцияси вакили сифатида планетар даражада аҳолиси, қишлоқ хўжалиги, табиий ресурслар, саноат ва табиий муҳитларни алоҳида – алоҳида яхлит тизим сифатида олиб, уларнинг йўналишлари ўсиб бориши тезлиги ва пропорционалиги кўрсаткичлари моделини илгари сурди. Ушбу таққослаш, уйғунликни аниқлаш глобал муаммоларни, биринчи навбатда, табиий ресурслар захираларини ҳисобга олишни, табиий муҳитни ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконини беради. Бунинг учун, дейди у, глобал мувозанатга эришиш лозим. Бунда эса техник тараққиётни чеклаш зарур. Бу сўнгги ғоя ривожланаётган мамлакатлар томонидан эътирозга учради. «Органик ривожланиш» концепциясининг вакили М.Месарович (АҚШ) инсон фаолияти туфайли юзага келган табиий инқирозларнинг олдини олиш учун миллий манфаатларни эмас, балки географик шароитларни ҳисобга олган ҳолда масалага минтақавий табақали ва глобал интеграцион ёндашиш асосида минтақалар ўртасидаги мувозанатга эришиш мумкин, инсониятнинг бир бутун органик яхлитлигига эришиш мумкин, деб ҳисоблайди. Бунга, дейди у, алоҳида мамлакатларнинг манфаатлари тўсқинлик қилмоқда. Демак, «Рим клуби» вакиллариининг табиатни асраш бўйича ғоялари муайян даражада қимматга эга, аммо уларнинг миллий мустақил давлатчиликни чеклаш учун интилишлари кўплаб мустақил мамлакатлар, хусусан кечагина мустамлакачилик зулмидан қутулган мамлакатлар раҳбар ва зиёлиларининг эътирозига олиб келди. Мустақиллик табиий заминни асрашнинг бошланғич ва асосий нуқтасидир. Ҳозирги кунда ҳеч бир мамлакат бошқа мамлакатнинг табиий ресурс ва шароитлари учун тўлақонли равишда фаоллик кўрсатмайди.

¹ Meadow D; and Robinson J. The Electronic Ovale. Computer models and Social Decisions. – Chister etc..1985; Печчеи А. Человеческие качество. – М.: 1985; Roberts P. World Modelling Comes of Age. «Futures». – 1978 votto. - №:1; Mesavovie M and Pestel E Mankind at the Turning Point. The Second hannover. – 1987; Forvete J. Global Modelling Revisited. – «futures». – 1982. vol 14.-№:2. laszlo E. et.al. Goals for mankind. A.Report to the Club of Rome on the New Horizons of Global Community. – N: 1977; Toffler A. Preriews & Premises. N.Y: 1983; Rifkin J. A New World View. N.Y: 1980.

А.Ю.Зуев ўтган асрнинг 80 – йилларидаёқ тарихни материалистик тушуниш қобиғида бўлса-да, ўзининг «Жамият ва табиатнинг ўзаро муносабатида доиравий айланиш ва ривожланиш диалектикаси» номли номзодлик диссертациясида жамият ва табиат алоқадорлиги қонуниятларига оид қимматли илмий ғояларни илгари сурган эди. Жумладан, «в) жамиятда табиатнинг доиравий айланиши билан субстанционал оқимларнинг аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро мувофиқлашуви. У табиий объектларнинг ўз-ўзини ишлаб чиқаришига йўналтирилган тўсиқларни бартараф этишга йўналган...

Жамият ва табиатнинг ўзаро муносабатининг оптималлашуви ўз-ўзидан ҳаракатланувчи тизимлар доиравий айланиши («истеъмол қилдингми, ишлаб чиқар» принципига асосланади) ва улар ўртасидаги субстанционал айирбошлаш жараёнидаги («истеъмол қилдингми, қайта тикла» принципига асосланади) антропогеннинг доиравий айланиши табиат билан мувофиқлашуви даражасида юз бериши керак».¹ Тадқиқотчилардан Р.П.Маматқулов ушбу фикрларни мустақиллик шароитида давом эттириб, табиатга оқилона муносабатда бўлишнинг тарихни диалектик - маданий тушунишга асосланган концепциясини яратиб, экомаданиятнинг субстанционал қонуниятларини ёритди. «...умумижтимоий тўртта корреляцион-функционал ва учта субстанционал қонунлар² экоҳаётнинг марказий қисми – экомаданиятда ҳам ўзига хос кўринишда намоён бўлади, – дейди Р.П.Маматқулов. – Бунда биоижтимоий маданий ҳодиса инсон ва унинг бирликлари экомаданият юзага келишининг ижтимоий асоси – субъекти, жамият ва табиатнинг ўзаро алоқадорликларини тартибга солишга бўлган эҳтиёж ва манфаат экомаданият юзага келишининг мотиви, эҳтиёж ва манфаатни англаш экомаданият юзага келишининг гносеологик асоси ҳисобланади.

¹ Зуев А.Ю. Диалектика кругооборотов и развития в соотношении общества и природы. Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. - Т: 1985. – С.16-17.

² Биз ушбу бобнинг биринчи ва иккинчи параграфларида жамиятнинг корреляцион-функционал ва субстанционал қонунларини ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг корреляцион-функционал ва субстанционал заминлари сифатида таҳлил қилдик.

Экомаданиятнинг биринчи босқичи – экоижодкорлик экомаданиятнинг яшаш усули, экоижодкорлик натижалари – эконоормалар, экологик билим, удумлар, муассасалар экомаданият юзага келишининг манбаи ва воситалари, экоижодкорлик натижаларидан фойдаланиш, уларни реализация қилиш экофаолиятнинг иккинчи босқичи, экомаданият мавжудлиги ва ривожланишининг яшаш усуллари сифатларида намоён бўладилар. Экомаданиятга хос субстанционал элементларининг кетма-кетлиги ва боғланишларидан экоҳаётнинг бир бутунлиги, экоҳаётнинг субстанционал доиравий айланиши ва экоэҳтиёжнинг ошиб бориши қонунлари келиб чиқади.

Ижтимоий эҳтиёж ва яратувчилик фаолияти натижаларидан фойдаланиш ўртасидаги муносабат маданий борлиқнинг манбаи экан, у экомаданиятда ҳам ўзига хос ҳолда намоён бўлади. Табиатга оқилона муносабатда экомаданиятнинг таркиб топиши бутун экоҳаётга оид жараёнларни белгилаб беради. Табиатга оқилона ахлоқий муносабат, айти вақтда, ҳам маънавий маданиятга, ҳам экомаданиятга, хусусан унинг бешинчи субстанционал элементи – экологик иждоқкорлик натижалари туркумига хос бўлиб, улар халқ донишманчилиги ва удумлари кўринишларида намоён бўлади».¹

Хулоса қилиб айтганда, табиат ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг табиий замини экан, биологик маънода биз унинг фарзандлари эканмиз, бизнинг табиатга муносабатимиз онага муносабат сингари бўлиши керак. Она - муқаддас, табиат ҳам - муқаддас. Ризқ бераётган табиатга оқилона муносабат жамият экомаданиятининг мағзини ташкил этиши керак. Бунда жамиятнинг табиатга муносабатини акс эттирувчи экомаданияти ҳам ўзига хос қонуиятларга эга бўлиб, табиатга оқилона муносабатимизда уларга таяниш, улардан фойдаланиш жамиятнинг

¹ Маматқулов Р.П. Ўзбек халқи ахлоқий кадриятларида табиатга оқилона муносабат ва унинг ҳозирги кундаги аҳамияти. Фалсафа. фан. ном. ...дисс. автореферати. – Т: 2006. – Б.14.

тарихан яхлитлигига, ундаги жараёнларнинг нормал кечишига ижобий таъсир қилади.

3.2. Цивилизациялар ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг намоён бўлиш шакллари сифатида

Жамият ўзаги – маданий борлиқ томонларининг корреляцион-функционал мувофиқлиги ижтимоий –тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг мазмунини ташкил этса, тизим ташкил этувчи субстанционал элементларнинг генетик бир-бутунлиги ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг асосини – моҳиятини – субстанциясини ташкил этади. «Агар, - дейди В.К.Карнаух, - маданият кишилиқ жамияти билан бирга юзага келган бўлса, цивилизация эса унинг ривожланишининг муайян босқичида пайдо бўлди».¹ Цивилизациялар ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг шакллари кўринишида намоён бўлади. Намоён бўлиш ҳодисалиқ демақдир. Ҳодисалиқ моҳиятнинг намоён бўлиши демақдир. Цивилизация айни вақтда нафақат маданий борлиқнинг корреляцион-функционал бирлигининг шакли ҳисобланади, балки, шу билан бирга, муайян тарихий макон ва замонда субстанционал бир бутун ҳолатида мавжуд бўлган, мавжуд ва мавжуд бўладиган мамлакатлардир. Ҳар бир мамлакат борлиқ, жумладан, ижтимоий борлиқ тизимидаги ўзига хос ҳодисалардир. Ҳар бир алоҳида олинган цивилизацияларнинг негизини муайян типдаги маданий борлиқ, онтологик таҳлил бўйича қарасак, муайян фуқаролар ва уларнинг ва улар томонидан яратилган, такомиллаштирилган моддий маданият, маънавий маданият ва унинг турлари, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятлар бирлиги ташкил этганлигини кўраимиз. Инсон ҳам моддий , ҳам маънавий мавжудот. У яратган моддий маданият табиий материянинг инсон маънавияти орқали ўзгартириб яратилган қисмидир. Бу моддий маданиятнинг негизида аорганик ва органик табиат ётибди. Шунинг учун жамият, жумладан, ҳар бир

¹ Карнаух В.К. Понятие цивилизации. Автореф. дисс. ...канд. филос. наук. –Л.: 1985. – С.21.

цивилизациянинг моддий маданиятида табиат қонунлари «ижтимоийлашган» ҳолда мавжуд бўлади. Жамият тарихида материя ва унинг мавжудлик усули ва мавжудлик шакллари – ҳаракат, макон ва замон фуқаролар ва уларнинг тарихий ижтимоий фаолияти, тарихий макон ва замондан иборат цивилизациялар кўринишларида устуворлик қилади. Ҳар бир цивилизацияда жамиятнинг ўзаги – маданий борлиқнинг корреляцион-функционал ва субстанционал қонунлари ўзига хос ҳолда амал қилар экан, уларда диалектиканинг асосий қонунлари – миқдор ва сифат ўзгаришларининг бири-бирига ўзаро ўтиши қонуни, қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни ва инкорни инкор қонуни, биринчи навбатда, унинг субстанционал қонунлари орқали, универсал қонуниятлар – моҳият ва ҳодиса, умумийлик, хусусийлик ва алоҳидаликларнинг диалектик алоқадорликлари, таркибий қонуниятлари – бутун ва қисм, элемент, мазмун ва шакл, тизим ва таркибларнинг диалектик алоқадорликлари, детерминацион қонуниятлар – сабаб ва оқибат, зарурият ва тасодиф, имконият ва воқеликларнинг диалектик алоқадорликлари устуворлик қиладилар. Аммо бунда биринчи галда кўзга ташланадиган ҳолат – цивилизацияларнинг ҳодисалилиги ва шакллилигидир. Чунки ҳар бир тарихий цивилизациянинг келиб чиқиши, ривожланиши, биринчи типдан иккинчи типга ўтиши ҳолатлари мавжуд экан, у ҳодиса ҳолида намоён бўлади. Унда корреляцион-функционал ва субстанционал мувофиқлик ва боғланишлар ўзига хос ҳолда юз беради. Бир цивилизация – мамлакат иккинчи цивилизация – мамлакатдан ўзига хос шакли ва демакки, мазмунлари билан фарқ қилади. Шунинг учун жамият ўзаги – маданий борлиқ томонларининг корреляцион-функционал боғланишлари биринчи навбатда мазмун, цивилизациялар шакл, тизим ташкил этувчи субстанционал боғланишлари эса моҳият, ҳар бир цивилизациялар уларнинг намоён бўлишлари сифатида гавдаланади.

Илмий адабиётларда цивилизациянинг маъно-мазмуни тўғрисида бир хил фикрга келинмаган. С.Крапивенский бу ҳақда шундай ёзган: «Цивилизация» терминининг ўзи (лотинчадан *civil* – фуқароликка оид,

давлатга оид) ҳозиргача бир хил талқинга эга эмас. У жаҳон тарихий ва фалсафий (шу жумладан, футурологик) адабиётларда ҳар хил маъноларда ишлатилмоқда.

1. Маданиятнинг синоними сифатида. Масалан, А.Тойнби ва тарихшунослик ва фалсафадаги англо-саксон мактабларининг бошқа намоёндалари (қарашларида - Т.Б.). А.Тойнби маданиятнинг умумий, бир хил тарихий типлари мавжуд бўлганлигини илгари суриб, бир-бирлари билан боғланмаган локал цивилизациялар мавжудлигини ҳисоблаб чиқди. У аввал 21 та цивилизация, сўнгра уларни қисқартириб 13 та цивилизациялар мавжудлигини санаб кўрсатади. Унинг фикрича, «ижодкор озчилик» цивилизацияларнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

2. Локал маданиятлар ривожланишининг муайян босқичлари, хусусан уларнинг таназзули ва пасайиши сифатида. Ўз вақтида мавжуд бўлган О.Шпенглернинг «Европанинг сўниши» китобини эслайлик. О.Шпенглер бир бутун жаҳон маданияти йўқ ва бўлиши мумкин эмас, деган ғоя асосида саккизта – Миср, Ҳинд, Вавилон, Хитой, Грек-Рим, Византия-Араб, Фарбий Европа ва Майя цивилизациялари тўғрисидаги фикр юритади.

3. Инсоният тарихий ривожланишининг ёввойилиқдан кейинги босқичи. Биз цивилизацияни шундай тушунишни Л.Морган, ундан кейин Ф.Энгельсда, бугунги кунда А.Тоффлерда учратамиз.

4. У ёки бу худуд ёки алоҳида этнос ривожланишининг даражаси (босқичи) сифатида. Бу маънода антик цивилизация, инклар цивилизацияси ва шунга ўхшашлар ҳақида гапиришади. Биз бу тушунишлар бир ҳолатда аҳамиятли даражада касб этиши ва бир-бирини тўлдиришини, бошқа ҳолатларда ўзаро инкор қилувчи ҳисобланишларни кўраамиз.»¹

Илмий адабиётларда бундан ташқари «Ердаги цивилизация»га нисбатан «ўзга цивилизациялар»² сўзлари, Ж.Ж.Руссо, И.Кант, Г.Гегель, Ф.Гизо каби мутафаккирлар томонидан цивилизацияни фуқаролик жамияти

¹ Крапивенский С.Э. Социальная философия: Учебник для студентов вузов. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 1998. – С.164.

² Каранг: Цивилизация и исторический процесс. – М.: «Знание», 1983. – 64 с.

маъноларида ишлатилганини кўрамиз. Улар фуқаролик жамиятларини буржуа жамиятлари мамлакати – цивилизациялари маъноларида талкин қилишган. Жумладан, Ф.Гизо «Цивилизация ҳақида гапирганда, ўша соатдаёқ – ўзимизда ижтимоий фаолиятнинг кенгайиши, кўпайишини ва ижтимоий муносабатларнинг яхши ташкиллашганлигини тасаввур қиламиз: бир томондан, биз жамиятнинг фаровонлиги ва қудратини, бошқа томондан, алоҳида шахслар ўртасида тенг ўлчовли тақсимот мумкинлигини кўрамиз»,¹ дейди.

Тўғри, ҳозирги кунда юридик тушуниш бўйича, ҳуқуқий давлат жамиятнинг алоҳида томони, фуқаролик жамияти, яъни нодавлат соҳалари жамиятнинг иккинчи томони ҳисобланади. Улар жамиятнинг бир-бирларини тақозо қилувчи томонлари ҳисобланади. «Цивилизация» сўзи эса, юқорида кўрганимиздек, фуқароликка ва давлатга оид, деган маъноларни беради. Бунда цивилизация ўз фуқаролари ва давлатига эга мамлакат сифатида ҳам тушунилади. Биронта жамият – мамлакат фуқароларисиз мавжуд бўла олмайди. Фуқаролик давлат ҳокимияти томонидан белгиланади. Аммо «мамлакат, - дейди В.Д.Панков, - қайсинки кишиларнинг этномаданий бирлигининг маконий авж олиши босқичи реализация қилинган экан, «фуқаролик жамияти – давлат» муносабатлари орқали қарор топувчи ўзининг ижтимоий маконий умумийлигини қанчалик ифода қилган бўлмасин, махсус тарихий реаллик сифатида ижтимоий-фалсафий тушунчалар аппарати мавжудлигида ўзининг айнан аксини топган эмас».² Демак, фуқаролик жамияти кенг маънода жамиятда мавжуд барча томон ва соҳаларни қамраб олади ва конкрет кўринишларга – мамлакатлар, яъни ўзига хос цивилизациялар кўринишларига эга бўлади. Фуқаролик жамиятини бундай маънода – «мамлакат - цивилизация» маъносида ишлатиш объектив ижтимоий реалликка зид келмайди. «Фуқаролик жамияти, - дейди Г.Ф.В. Гегель, - оила ва жамият ўртасида юзага келган бўлинишдир, фуқаролик

¹ Ф.Гизо. – С.9.

² Панков В.Д. Страна как звено исторического процесса. Автореф.дисс. ... канд.филос.наук. – Ростов н/Д., 1990. – С.10.

жамиятининг ривожини давлат ривожланишига нисбатан кенгроқ кириб келса-да, у бўлиниш сифатида мавжуд бўлиши учун давлат мавжудлигини тақозо этади. ...қачонки давлат ҳар хил шахсларнинг бирлиги сифатида ифодаланар экан, у (Т.Б.) бирлик сифатида фақат умумийликдирки, бу билан фақат муайян фуқаролик жамияти тушунилади».¹ Демак, «цивилизация» сўзи янги даврнинг бир қатор мутафаккирлари томонидан «фуқаролик жамияти», хусусан буржуа жамияти маъносида ишлатилган. Жамиятнинг шаклланишида шаҳарларнинг ҳам ўзига хос ўрни уларнинг цивилизациялар шаклланишини белгиловчилиги билан характерланади. «Шаҳар, - дейди Н.Л.Захаров, - этнотабиий ва ижтимоийликнинг бирга қўшилган тугунли нуқтаси, шунингдек, цивилизациянинг бошланғич ҳужайраси ҳисобланади. Шаҳар табиий муҳитнинг антропогенга ўзгариши натижасидир. Шаҳар ўз одамларининг этник ўзига хосликларини, улар хулқи (оригинал маданий анъаналар шароитида шаклланадиган)нинг этник стеротипларини бостирган ҳолда баробарлаштиради ва уларга шундай, қайсинки ҳар бир этнос учун алоҳида мавжудлиги бегона, ташқи куч сифатидаги бир хил ҳаракатлар тарзини юклайди. Лекин кишилар бу кучни ахлоқий – оқилона зарурият сифатида тушунишга қобилдирлар. Бунинг устига инсон ижтимоий шартнома, фуқаролик жамияти асосларини қуради.»² Шунингдек, илмий адабиётда «суперцивилизация» терминини учратиш ҳам мумкин. «Ғарбий Европа ва Шимолий Американинг, - дейди С.И.Попов, - кўп мамлакатларини ўз ичига оладиган ғарбий цивилизацияни суперцивилизация деб аташ мумкин. Бу концепцияга мувофиқ, «Ғарб» бутунлай бошқача цивилизация сифатидаги «Шарқ»қа қарши қўйилади. Баъзи мутафаккир ва шоирлар Ғарб ва Шарқнинг ўзига хосликларини абсолютлаштириб (яъни муболағалаштириб. – Т.Б.), уларнинг маънавий ҳаётларининг

¹ Гегель Г. Философия права. Том. VII. – М.: СОЦЭКГИЗ, 1934. – С.211.

² Захаров Н.Л. Человеческая цивилизация как социо-культурная общность. Автореф. дисс. ...канд. филос. наук. –Л: 1991. – С.16.

мувофиқлашмасликларига, тўлиқ «ўтказиб бўлмасликлари» (бир-бирларига – Т.Б.)га қатъий ишонадилар.»¹

Кейинги пайтларда илмий адабиётларда жамиятнинг тарихий яхлитлиги ва жараёнларига формацион ва цивилизацион ёндашиш устида баҳслар кетмоқда.

Формация нима? У қандай шаклланган? С.И.Ожегов «Рус тилининг изоҳли луғати» китобида «формация» тушунчасига қуйидагича тавсиф берган: «1.Ишлаб чиқариш усули томонидан белгиланадиган жамият ривожланишининг муайян босқичи, шунингдек, ушбу ривожланиш босқичига тегишли жамиятнинг тузилиши (китобий). Ижтимоий-иқтисодий формация. Феодал формация. 2. Қарашлар, ички тахлит тизими (китобий.). Янги формация кишиси. 3. Битта даврдаги геологик чўкиндилар йиғиндиси.»² Умуман олганда, «формация» сўзи «форма», яъни «шакл» деган маъноларни беради. «Ижтимоий» сўзининг унинг олд қисмига қўшилиши эса жамиятга оид шакл, тип, тур ҳақида гап кетаётганлигини англатади. «Иқтисодий» сўзи К.Маркс томонидан киритилган бўлиб, ижтимоий тараққиётда моддий неъматларни ишлаб чиқариш усулининг белгиланганлигини англатиш учун қўлланилган. «Формация» сўзи геология тарихининг тушунчаларидан ҳисобланади. Уни К.Маркс 1851 йилда «Луи Бонапартнинг 18-брюмери» асарида жамиятга қўллаб, ижтимоий формация» сўзини ишлатган.³ У сўнгра 1859 йилда «Сиёсий иқтисод танқидига доир» асарининг сўз бошисида ишлаб чиқариш усулининг тарихий типларига мувофиқ ҳолда кишилиқ тарихини йирик ҳажмда даврлаштириб «ижтимоий-иқтисодий формация» атамасини қўллади.⁴ К.Маркс таълимотида моддий неъматларни ишлаб чиқариш усули ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг бирлигидир. Бунда ибтидоий, қулдорлик,

¹ Попов С.И. Глава IX. § 1. Теория цивилизации // Философия. Часть вторая: Основные проблемы философии: Учебное пособие для вузов. – М.: «Юрист» 2003. – С.275.

² Ожегов С.И. Словарь русского языка. – М.: «Русский язык», 1986. – С.743.

³ Қаранг: Маркс К. Луи Бонапартнинг 18-брюмери.// Маркс К.; Энгельс Ф. Танланган асарлар.1-том.- Т.: «Ўзбекистон», 1980.435-бет; Теория общественно – экономической формации. – М.: «Наука», 1983. – С.9.

⁴ Маркс К. Сиёсий иқтисод танқидига доир.Сўз боши. // Маркс К.; Энгельс Ф. Танланган асарлар.1-том. - Т.: «Ўзбекистон», 1980. – Б.557.

феодалистик, капиталистик ва коммунистик иқтисодий муносабатлари типиклаштирилиб, улардан бешта ишлаб чиқариш усуллари ишлаб чиқилиб, «ижтимоий-иқтисодий формация» термини юзага келди. Ҳолбуки, мулкчилик, айирбошлаш, тақсимот ва истеъмол муносабатлари субъект – инсон ва унинг ақли орқали юзага келади. Демак, моддий неъматларни ишлаб чиқаришда бошқа омиллар – ижтимоий, маънавий, сиёсий ва ҳуқуқий омилларнинг ҳам ўрни мавжуд. Маркс таълимотида асосий урғу иқтисодий муносабатларга қаратилди, унинг роли бўрттирилди. Натижада бу таълимот «иқтисодий материализм» деб баҳоланди. Маълумки, коммунистик формация тўғрисидаги ақидапарстликка асосланган таълимот эса ўзини оқламади. Унинг ўрнига «демократик фуқаролик жамияти» тўғрисидаги таълимот қўйилди. Бундан асосий мақсад фуқаролар ҳуқуқлари халқ ҳокимиятчилиги томонидан таъминланиши керак. Шунинг учун жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилаш бўйича, - дейди Юртбошимиз И.А.Каримов, кўп қиррали фаолиятимиз марказида инсон, суверен Ўзбекистоннинг фуқароси туради.¹ Бундан асосий «мақсадимиз – демократик, адолатли, фуқаролик жамиятини барпо этиш. Миллий тикланиш ҳамда ривожланиш умумий мафкурасининг ва кенг қамровли дастурининг моҳияти шундадир».² Демак юртбошимиз И.А.Каримов ўз асарларида «ижтимоий – иқтисодий формация» сўзи эмас, балки «ижтимоий – формация» сўзини қўллаган.³ Формация сўзи жамиятнинг маъносида ишлатилган. Жамиятнинг ибтидоий, қулдорлик, феодалистик ва капиталистик шакллари мавжудлиги тарихдан маълум. «Агарда кимдир, - дейди И.А.Каримов, ижтимоий тараққиётнинг навбатдаги босқичини босиб ўтмасдан, ундан кейинги босқичга, айтайлик, қулдорлик тизимидан бирданига ривожланиб капитализмга ўтиб кетиши мумкин, деб

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. – Б.247-248.

² Ўша ерда. – Б.247.

³ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997. – Б.211.

ўйласа, қаттиқ адашади».¹ Демак, жамият ўз ривожланиш формациясига эга бўлиб, бу шакллар цивилизациялар – мамлакатлардан ташкил топган.

Биз тарих фани орқали жамият ибтидоий даврдан то ҳозирги кунгача ўз шаклини ўзгартириб келганлигини кўрамиз. Демак, жамият ўз тарихида ижтимоий формациялардан, ижтимоий формациялар – мамлакатлардан ташкил топган. Ҳозирги кунда тарих фанида қадимги давр, ёки ўрта асрлар, ёхуд янги ва янги цивилизациялари – мамлакатлари бўлсин, аслида улар ижтимоий формацияларга мос келади. «Ҳозирги замон илмий адабиётида, - дейди проф. Ҳ.Ф.Воҳидов, - формацион ёндашув аста-секин ўз ўрнини цивилизацион ёндашишга бўшатиб бермоқда, чунки бу ёндашув ҳуқуқий давлат ва ҳуқуқ вазибаларига мосдир, уларни илмий таҳлил қилиш имкониятини беради...».² «Ижтимоий-иқтисодий формация» моддий ишлаб чиқариш усулидан, «ижтимоий формация» эса жамият ўзаги – маданий борлиқнинг тарихий умумийликларидан келиб чиқади. Биз бунда жамиятни энг умумийлик, ижтимоий формацияларни умумийлик, цивилизацияларни алоҳидалик маъноларида ишлатдик. «Улкан маданий мерос маскани – дейди Юртбошимиз И.А.Каримов, - кўпдан-кўп мустақил цивилизациялар ўз қадриятларини авлоддан-авлодга ўтказиб, замонларнинг чамбарчас алоқасини маънавий ва маданий қадриятлар давомийлигини вужудга келтиради».³ Цивилизацияни маданият билан тенглаштириш нотўғридир. Цивилизация маданият негизида шаклланадиган ўзига хос жамият – мамлакатдир. Инглиз олими А.Тойнби «цивилизациянинг ички моҳияти, руҳиятини маданий омиллар ташкил этади», дейди.⁴ Тадқиқотчилардан Н.Мухаммадиев «цивилизация деб тарихий макон ва замонда аниқ ўзига хос ишлаб чиқариш усулига эга бўлган, ҳар қандай ички ва ташқи дунё, макро ва микро, маълум ва номаълум олам таъсирига қарши тура олувчи, уларга ҳам

¹ Каримов И.А. Бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким қайтара олмайди. 13-жилд. – Б.331.

² Воҳидов Ҳ.Ф. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларни ўрганиш методологияси // Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Дарслик. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2003. -Б. 8.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. – Б.144.

⁴ Воҳидов Ҳ.Ф. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларни ўрганиш методологияси // Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Дарслик. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2003. -Б.8.

Ўзининг акс таъсирини ўткази олувчи, нисбатан муҳим, такрорланмас, муайян маданий борлиққа эга бўлган ақлий мавжудотлар, инсонлар-гражданлар ҳамжамиятига айтилади», деган ғояни илгари суради.¹ Жамият табиатга ишлов бериш орқали, маданий борлиқни яратиш орқали ажралиб чиққан экан, у ўзига хос мамлакатларни, яъни цивилизацияларни келтириб чиқаради. Демак, формацион ва цивилизацион ёндашишлар жамият тарихини даврий бўлишнинг методологик тамойиллари бўлиб, улар ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг намоён бўлишларидаги умумийлик ва ўзига хосликларни билишда муҳим дастурил амал аҳамиятига эгадирлар.

В.Ф.Шаповалов, Ф.Бродель ва М.Гефтерларнинг «мамлакат - цивилизация» тўғрисидаги ғояларига² таянган ҳолда, Россияга нисбатан Россияни цивилизация – мамлакат сифатида қуйидагича асослайди: «Европача ва осиеча ибтидолар, албатта, Россияча цивилизация таркибида иштирок этмоқда... Улар Россиянинг ичида бошқача кўриниш, махсус Россияча ранг касб этади. Россиянинг Европа ва Осиёнинг қисми ҳисобланиши нафақат муҳим, балки шу билан бирга соф кўринишда: Россия қандайдир учинчи кўриниш сифатида Европа ҳам, Осиё ҳам ҳисобланмайди. Россияда ҳаёт ва фикрлар тарзи ҳеч қачон бир хил бўлмаган ва ҳеч қачон яқин келажакда соф европача ҳам, соф осиеча ҳам, иккаласининг оддий йиғиндиси сифатида ҳам бўлмайди. Россиянинг руҳий тузилиши, унинг этник ва бошқа тегишлилигига боғлиқ бўлмаган ҳолда, ҳеч қачон европалик ва осие регионидан, масалан, Яқин Шарқ, Хитой, Ҳиндистон ёки япониялик қайсидир вакилнинг руҳий тузилишига тўлиқ мос келмайди. Россиядаги сиёсий ва иқтисодий тузум Европанинг ёки Осиёнинг сиёсий ва иқтисодий тизимларидан қайсидир бирига ҳеч қачон бутунлай ўхшаш бўлмаган ва бўлмайди ҳам».³

¹ Муҳаммадиев Н. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихини ўрганишнинг назарий – методологик асослари. – Т., 1994. – Б.17.

² Каранг: Бродель.Ф. Что такое Франция. – М., 1995. Кн. 2.Ч.1.– С.7; Гефтер М. Из тех и этих лет. – Т., 1991. –С. 465.

³ Шаповалов В.Ф. Основы философии. От классики к современности. Учебное пособие для вузов. – М.: ФАИР – ПРЕСС,2001. – С.528.

Ҳар бир мамлакатни ўзига хос цивилизация деб қарар эканмиз, уларнинг негизида этник ўз-ўзини англаш ётади. «Кишилиқ оламининг бутунлигини англаш, - дейди Р.М.Нигматуллина, - этник ўз-ўзини англаш: этник идентификация ва ўзининг бошқа халқлар ўртасида ўрнини англаш шаклида амалга ошади».¹ Худди шундайин, Ўзбекистон тарихида ҳам кўплаб мамлакатлар мавжуд бўлиб келди, унинг ҳар бир тарихий босқичларида турли хил омилларнинг уйғунлашганлигини кўрамиз. Демак, ҳар бир мамлакатда, унда умумийлик қанчалик кўп сонли бўлмасин, масалан, Ўзбекистонда жаҳон ҳамжамиятига, мустақил ҳамдўстлик мамлакатларига, ислом мамлакатларига, туркий халқларга, Марказий Осиё мамлакатларига хос умумий томон ва хусусиятлар қанчалик кўп бўлмасин, ижтимоий - тарихий яхлитлик ва ундаги жараёнлар конкретдир, алоҳидадир. Алоҳидалиқ цивилизацияларни фуқаролик жамияти – мамлакат маъносида ишлатишга имкон беради, ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг аниқ манзарасини беради. Формацион ёндашиш хусусийлик сифатида даврий ва маконий жиҳатдан умумий жиҳатларни топишга ёрдам беради. Демак, цивилизация «термини» ижтимоий объектлар ва уларнинг томонларининг кўламига кўра турли хиллигини билишга имкон беради. ижтимоий - тарихий яхлитлик ва алоҳида кўринишдаги жараёнларга эса алоҳида ўз номига эга цивилизация – мамлакатларни таҳлил қилиш орқали эришилади. Хуллас, цивилизациялар ижтимоий - тарихий яхлитлик ва ундаги жараёнларнинг намоён бўлиш шакллари дир.

3.3. Ўзбекистон мустақил мамлакат – цивилизация сифатида

¹ Нигматуллина Р.М. Национальное самосознание как фактор становления культурно-исторической целостности мира. Автореф. дисс. ...канд. филос. наук. –Казань:, 1994. – С.12.

Ҳар қандай цивилизация ўз фуқаролари ва давлатига эга алоҳида мамлакат экан, унинг ўзига хослиги, энг аввало, кишиларнинг турмуш тарзида намоён бўлади. «Турмуш тарзи ижтимоий гуруҳлар, элат, халқ, миллатнинг кундалик ҳаёти»дир.¹ Мамлакат аҳолиси турмуш тарзи эса мавжуд маданий борлиқ ва унинг томонларининг характери ва даражалари билан белгиланади. Ўзбекистон аҳолиси, хусусан ўзбек халқи 1991 йил 31 августдан бошлаб тоталитар тузумдан қутулиб, ўз мустақиллигига эришди. Худди шу давр – августнинг охири – сентябрь бошларида собиқ СССР худудидаги бошқа республикалар ҳам суверен мамлакатларга айланди. Лекин ҳар қайси республика – мамлакатларда асосий туб халқ ва умуман фуқароларнинг кундалик ҳаёти мавжуд моддий, жумладан, хўжалик ва экомаданиятлари, маънавий, сиёсий ва ҳуқуқий ва маънавий маданиятлари турлари негизида ўзига хос ҳолда ривожлана бошлади. Бу ҳолат мамлакатлар ўртасида интеграция юз бермайди, дегани эмас. Аксинча, халқлар ўртасида доимий юз берадиган интеграция жараёнлари мавжуд миллий маданий мавжудлик негизида юз беради. Бу маданий мавжудлик ҳар бир мамлакат асосий халқининг этногенезиси билан боғлиқ маънавий маданияти, жумладан, менталитети, ақлий салоҳияти, табиий бойликлари ва улардан фойдаланиш даражалари, хўжалик маданияти – ишлаб чиқариш имкониятлари, сиёсий ва ҳуқуқий маданий бирликларининг ўзига хосликлари билан характерланади.

Эътиборни Ўзбекистоннинг мустақиллигига оид тарихий саналарга қаратайлик. 1989 йилнинг 21 октябрида И.А.Каримов бошчилигида Республика Олий Кенгаши «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисида» қонунни қабул қилди. Бу қонуннинг қабул қилинишининг ўзиёқ миллий мустақиллик сари ташланган биринчи қадам бўлди. Мустамлакачилик манфаатлари бўйича марказдан юборилаётган «кадрлар тўдаси»га зарба

¹ Фалсафа: Комусий луғат. – Т.: «Шарқ», 2004. – Б.495.

берилди.¹ Мамлакатимиз мустақиллиги сари йирик ташланган қадамлардан навбатдаги -1990 йилнинг 20 июнида ЎзССР Олий Совети томонидан қабул қилинган «Мустақиллик Декларацияси» бўлди. Бу тарихий ҳужжатнинг муҳимлиги шундаки, ички ва ташқи сиёсатга оид барча масалалар республика давлати ҳокимияти ихтиёрига берилган эди.² 1991 йилда Республика Олий Кенгаши И.А.Каримов бошчилигида 26 августдан 31 августга қадар энг улкан жаҳоншумул тарихий қадамни босди. «1991 йилнинг 31 август куни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёнот» Ўзбекистон ҳукуматининг сиёсий йўлини тўла қонунлаштириб берди. ...1991 йилнинг 31 августидан «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонун» қабул қилинди ва ана шу қонун доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг бундан кейин Ўзбекистон ССРни Ўзбекистон Республикаси деб аташ, 1 сентябрни Мустақиллик куни деб эълон қилиш, Ўзбекистон Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, иттифоқнинг ва унинг таркибига қирадиган барча мустақил давлатларнинг олий қонун чиқарувчи идораларига, барча хорижий давлатларга ва жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, уларни республиканинг мустақиллиги эълон қилинган ҳужжати тани олишга даъват этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди. Бу бевосита Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки ҳуқуқий пойдевори эди.

Дарҳақиқат, биз ижтимоий-сиёсий жараёнлар одамлар ҳаётини кескин тарзда бир ўзандан иккинчи ўзанга буриб юборган, ҳаётимиз бутунлай бошқача тус олган ва турмушимиз ўзгача мазмун касб этган мураккаб руҳий-маънавий ҳолатни бошдан кечирдик. Натижада йиллар мобаёнида қотиб қолган тушунчаларимиз ўзгармоқда ва мудраб қолган онгимиз уйғонмоқда.»³

¹ Қаранг: Жўраев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: миллий истиқлол даври: 11-синф ўқувчилари учун дарслик. – Т.: «Шарқ», 1998. – Б.12.

² Қаранг: Ўзбекистон янги тарихи. 2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: «Шарқ», 2000. – Б. 668-670.

³ Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.3. Мустақил Ўзбекистон тарихи. – Т.: «Шарқ», 2000. – Б.9-10;11-12.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрда бўлиб ўтган VIII сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Маълумки, давлат байроғи юрт – халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажакнинг рамзи ҳисобланади.¹ «1992 йил 2 мартда Ўзбекистон Республикаси ўз тарихида биринчи бор халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилинди. Бу тарихий воқеа Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида халқаро ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишда катта аҳамиятга эга бўлди.»²

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1992 йил 2 июлда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби», 10 декабрда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги қонунларни қабул қилди. 1994 йилнинг июлидан бошлаб мустақил мамлакатимизнинг миллий валютаси – сўм муомалага киритилди. Республика Олий Кенгаши 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилди.³ Бу тарихий ҳужжатлар Ўзбекистон аҳолиси, хусусан, ўзбек халқининг ўз-тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини, тенглар ичра тенг бўлиш ҳуқуқини берди.

Ўзбекистон Республикасининг мустақил цивилизация эканлигини даврий жиҳатдан ҳам Ўзбекистон ҳудудидаги қадимги, ўрта асрлар ва янги давр цивилизациялари – малакатлари – Қадимги Хоразм, Бақтрия, Сўғд мамлакатлари, мустамлака цивилизациялар – Аҳамонийлар, Салавкийлар, Грек-Бақтрия мамлакатлари, Парфия, Фарғона (Давань), Кушонлар, Қанғ, Эфталитлар, Турк хоқонлиги –мамлакатлари, мустамлака мамлакат - Араб халифалиги, Сомонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, мустамлака мамлакат – Чигатой улуси, Темурийлар, Шайбонийлар, Аштархонийлар, Бухоро амирлиги, Хоразм ва Қўқон хонликлари, мустамлака мамлакатлар – Чор самодержавияси, жумладан,

¹ Қаранг: Жўраев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: миллий истиқлол даври: 11-синф ўқувчилари учун дарслик. – Т.: «Шарқ», 1998. – Б.36-37.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.З. Мустақил Ўзбекистон тарихи. – Т.: «Шарқ», 2000. – Б.501.

³ Қаранг: Жўраев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: миллий истиқлол даври: 11-синф ўқувчилари учун дарслик. – Т.: «Шарқ», 1998. – Б.32-38, 62-64.

Туркистон генерал-губернаторлиги ва СССР, жумладан, унинг таркибий қисми –Ўзбекистон Совет Ижтимоийистик Республикаси билан қиёслаш мумкин. Ушбу ҳолат бўйича Ф.Бродель Франция мисолида шундай ёзади: «Агар Францияга унинг энг умумий хронологик рамкасида назар ташласак, у ҳолда у ҳар хил ва ўхшаш, галма-гал гоҳо зич, гоҳо кенг, гоҳо бирга, гоҳо бўлинган, гоҳо кўнгилдагидек, гоҳо уқубатли, гоҳо муваффақиятли, гоҳо муваффақиятсиз бир-бирлари билан изчил алмашинадиган бутун кетма-кетликдаги Франция бўлиб гавдаланади.»¹ Демак, ҳар бир диёрда бўлгани каби, Франция ёки бошқа ўлкалар бўлсин, бизнинг юртимизда ҳам кетма-кет цивилизациялар – мамлакатлар мавжуд бўлиб келган. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз И.А.Каримов «улкан маданий мерос маскани бўлган заминимизда кўпдан-кўп мустақил цивилизациялар ўз қадриятларини авлоддан авлодга ўтказиб замонларнинг чамбарчас алоқасини, маънавий ва маданий қадриятлар давомийлигини вужудга келтиради»,² деган эди.

Ўзбекистон Республикасининг мустақил цивилизация – мустақил мамлакат эканлигини ижтимоий макон рамкасида ҳам собиқ СССР ҳудудида бир вақтда мустақиллика эришган мамлакатлар –Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Украина, Молдавия, Белоруссия, Латвия, Литва, Эстония ва Россия Федератив республикалари билан ҳам қиёслаш мумкин. Уларнинг ижтимоий ҳаёт соҳаларидаги умумийликлари билан биргаликда ўзига хосликлари ҳам мавжуддир. Мисол сифатида, даврий жиҳатлардан олганда, собиқ Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий асослари – ўзбек халқи ва Ўзбекистон ҳудудида яшаётган халқлар сон жиҳатидан эмас, сифат жиҳатидан деярли бир хил эди. Аммо моддий - маданий бирликлари, жумладан, хўжаликка оид маданий бирликлари, сиёсий ва ҳуқуқий - маданий бирликлари ўртасида катта фарқлар бор эди. Собиқ Ўзбекистон ССРда моддий маданият, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятлар Иттифоқ даражасида эди,

¹ Бродель.Ф. Что такое Франция? Том I. Ч.1. – М: 1995. – С.7.

² Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. – Б.144.

улар совет халқи манфаатлари даражасида ташкил этилган эди. Мустақил Ўзбекистонда эса моддий маданият ҳам, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятлар ҳам Ўзбекистон аҳолиси, жумладан, ўзбек халқи манфаатлари доирасида амал қилади. Собиқ Ўзбекистон ССРда маънавий маданиятда коммунистик мафкура ҳукмронлик қилган бўлса, ҳозир миллий - маънавий маданиятимиз кадриятли ёндашиш асосида ривожланаётганлиги билан фарқ қилади.

Ўзбекистон Республикаси мустақил цивилизация – мамлакат сифатида ўз табиий заминларига эга. Ўзбекистон ҳудуди 448,97 минг.кв.км, ундаги асосий дарёлари - Сирдарё 2212 км, Амударё 1415 км, Зарафшон 877 км, Норин 578 км, Қашқадарё 378 км, Шерободдарё 177 км, Сурхондарё 175 км. дан иборат. Ўзбекистон иқлими асосан узоқ иссиқ ва қуруқ, қиши эса юмшоқ совуқ. Ўзбекистонда бир йилда қуёшли кунлар 2700 соатдан 3130 соатгача етади. Агар уни 100% деб олсак, Ғарбий Европада қуёшли кунлар 70-80% ташкил этади. Ёзда энг юқори ҳарорат +42°C даражадан ошади. Шунинг учун Ўзбекистонда иссиқсевар экин ва меваларни етиштириш имкониятлари ҳам мавжуд. Қишда ҳавонинг совуши эса -35°C – -38°C даражага ҳам етади. Ёғингарчиликнинг асосий қисми 30% дан 50%гача баҳорга, 25-40% қишга, 10-20% кузга тўғри келади. Июль-сентябрь ойларида деярли ёмғир ёғмайди. Ўзбекистонинг шарқида оқар сувлар манбалари кўп, аммо учдан икки қисмини ташкил этган ғарбий томондаги текисликларда сув манбалари кам. Шунинг учун ҳам қатор сув омборлари қурилган.

Ўзбекистон мис, кумуш, олтин, кўрғошин, рух, вольфрам, табиий газ ва бошқа айрим фойдали қазилмалар захиралари бўйича дунёнинг олдинги ўринларидан бирида туради.¹

Жамият ўзаги маданий борлиқ экан, унинг таркибий қисмларидан бири сиёсий ва ҳуқуқий маданиятлардир. Ўзбекистон Республикаси мустақил мамлакат сифатида ўз маданий борлиғи, жумладан, сиёсий - маданий борлиғи негизида ривожланиб бормоқда. У мустақил цивилизация – мамлакат сифатида 1991 йил 31 августда ўз мустақил давлатчилиқ йўлини бошлади.

¹ Қаранг: Аҳмедов Э. Ўзбекистон Республикаси: қисқача маълумотнома. –Т.: «Ўзбекистон», 1993. – Б.4-12.

Мамлакатимизнинг сиёсий маданий субъектини Ўзбекистон аҳолиси, келиб чиқиш мотивини уларнинг давлатчиликка бўлган эҳтиёжлари ташкил этади. Ушбу эҳтиёжлар асосида мамлакатимизда Президентлик Республикаси ўрнатилган ва давлат бошқарувида ҳокимиятнинг учга бўлиниши тамойили устуворлик қилади. Давлат эса дунёвий давлатдир, яъни у диндор ва диндор бўлмаган – давлатдир. Шунинг учун у миллатидан қатъий назар, барчанинг давлатидир. Ўзбекистон Республикасининг мустақил цивилизация – мамлакат сифатида ижтимоий асоси – субъектини 28 миллиондан зиёд аҳоли ташкил этади. Уларнинг 80% и ўзбеклар, 5.5% и руслар, 5% и тожиклар, 3% и козоқлар, 2.5% и қирғизлар, 1.5% и татарлар, 2.5 % и бошқа миллат ва элатлар вакиллари дир. У маъмурий ҳудудий бўлиниши бўйича 12 та вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси, 159 та қишлоқ туманлари, 119 та шаҳар, 12 шаҳар туманлар, 1065 та шаҳар типигаги посёлкалар ва 1477 та қишлоқ фуқаролар йиғинларидан иборат. Миллий байрами – 1 сентябрь - Мустақиллик кунидир. Мамлакат сиёсий тизимида Халқ демократик партияси, «Адолат» ижтимоий – демократик партияси, Ўзбекистон Либерал -демократик партияси, «Миллий тикланиш» партиялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатлари фаолият кўрсатмоқдалар. Бошқарувнинг қуйи бўғинини маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 2 мартда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига (БМТ)га аъзо сифатида қабул қилинган бўлиб, халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти ҳисобланади. Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида 137 мамлакатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатилган бўлиб, шундан 42 та мамлакат ўз элчихоналарини очган. Мамлакатимизда халқаро ташкилотларнинг бюро ва вакиллари, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Халқаро Валюта Фонди (ХВФ), Умумжаҳон Банк (УБ), Европа тараққиёт ва реконструкция Банки (ЕТРБ), Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ), Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти (ШОС), Халқаро Ҳамкорликнинг Япония Агентлиги (ЈСА) ва бошқалар фаолият юритмоқда.

Давлат бошлиғи Президент ҳисобланиб, 7 йил муддатга сайланади.

Олий давлат вакиллик органи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

ҳисобланиб, қонунчилик ҳокимиятини амалга оширади. У қуйи, Қонунчилик ва юқори палата, яъни Сенатдан ташкил топган. Олий Мажлис 150 нафар депутатдан иборат бўлиб, кўппартиявийлик асосида ҳудудий сайлов округларидан сайланади. Олий Мажлис Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан иборат. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижроия ҳокимияти бўлиб, уни Бош Вазир бошқаради, у Республика Президентининг таклифи билан Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида тасдиқланади.¹

Ўзбекистонда аҳоли сони 2008 йилда 27167,3 минг, жумладан, аёллар 13592,7 минг ва эркаклар 13574,6 минг кишини ташкил этган эди. Бу кўрсаткич 2009 йилда 27628,5 минг, жумладан аёллар 13816,5 минг ва эркаклар 13812,0 минг кишига этган. 2009 йил 1 январга келиб аҳоли зичлиги 1 кв.км.га Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятларида 10 кишини, Бухоро, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларида 10 дан 100 гача, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида 100 кишидан 200 кишини, Хоразм, Тошкент ва Наманган вилоятларида 200 дан 400 кишигача, Андижон ва Фарғона вилоятларида 400 дан зиёд кишини ташкил этди. Ўзбекистонда туғилиш 2007 йилда 608,9 минг кишини ва 2008 йилда 646,1 минг кишини, ўлиш эса 2007 йилда 137,4 минг кишини ва 2008 йилда 138,8 минг кишини ташкил этади. Демак, Ўзбекистонда табиий ўсиш 2007 йилда 471,5 минг кишига, 2008 йилда 507,3 минг кишига, яъни минг кишига нисбатан 2007 йилда 22 кишига, 2008 йилда 23 кишига тўғри келди.²

Ўзбекистоннинг 27 миллиондан зиёд аҳолиси ишлашга қодир қисми – меҳнат ресурслари 2008 йилда 15685,7 минг кишини, яъни аҳолининг 57,5% ини ташкил этди. Шундан аҳолининг иқтисодий фаол қисми эса 11603,1 минг кишини, яъни меҳнат ресурсларининг 74,0% ини ташкил этди. Ишсизлар сони расмий жиҳатдан 2007 йилда 23,2 минг кишини, яъни аҳолининг 0,2% ини, 2008 йилда 16,9 минг кишини, яъни аҳолининг 0,1% ини ташкил этди.

¹ Қаранг: Ўзбекистан в цифрах 2009. Статистический сборник Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике. – Т: 2009. – С.16-18.

² Қаранг: Ўша ерда. – Б.34-36.

Шундан 2008 йилда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлигининг маълумотларига кўра, меҳнат органларида қайд қилинган ишсизлардан ўз ихтиёри билан ишдан кетганлар 7,1 минг, ишдан озод қилинган ходимлар 0,8 минг, умумий - ўрта таълимни тугатганлар 2,7 минг, олий ва ўрта махсус ўқув юртларини тугатганлар 1,9 минг ва бошқа сабабларга кўра расмий ишсиз деб тан олинганлар 4,4 минг кишини ташкил этган. Аҳолининг мулкчилик шакллари бўйича бандлиги 2008 йилда давлат секторида 21,3%ни ташкил этди, нодавлат ташкилотларига эса 78,7% тўғри келди, жумладан, фуқароларнинг хусусий мулкчилик соҳасидаги бандлиги 68,4%ни ташкил этиб, унинг 12,2% и фермер хўжаликларига, 13,8% и деҳқон хўжаликларига, 40,2%ни индивидуал меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар, 1,3% и хорижий инвесторлар корхоналарига ва 9,0% и бошқаларга тўғри келган.¹

Жамият ўзаги – маданий борлиқнинг томонларидан биринчиси моддий маданиятдир. Моддий маданият хўжалик ва экомаданиятлардан ташкил топган. Қишлоқ хўжалик ва саноат ишлаб чиқариши эса хўжалик маданиятининг асосий томонларидан ҳисобланади. Эътиборни қишлоқ хўжалигига қаратайлик. Ўзбекистон ҳудудининг 10% ини ҳайдаладиган, жумладан, экиладиган майдонлар, 46% ини яйловлар, 3%ини ўрмон хўжалиги майдонлари ва 41% ини бошқалар ташкил этади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш 2007 йилда 9304,9 миллиард сўмни, 2008 йилда 10479,6 миллиард сўмни ташкил этди. Шундан 2008 йилда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 2,2% и қишлоқ хўжалик корхоналари, 32,5% и фермер хўжаликлари ва 65,3% и деҳқон хўжаликлари зиммасига тўғри келди.²

Мамлакатимизда саноат ишлаб чиқариш субъектлари 2008 йилдаги маълумотлар бўйича, 16900 та бўлиб, маҳсулотлари 23848,0 млрд. сўмни ташкил этди. 2008 йилда электро энергияси ишлаб чиқариш 50,2 квт.с.га, нефть ва газ қазиб чиқариш ва қайта ишлаш 4,9 млн.т.га, кўмир қазиб

¹ Қаранг: Ўша ерда. – Б.33-54.

² Қаранг: Ўша ерда. – Б.106-119.

чиқариш 3,6 млн.т.га, қора металл тайёрлаш 643 минг т.га, рангли металл тайёрлаш 2976,6 млрд. сўмликка, ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза – қоғоз саноати 889 га, қурилиш материаллари саноати 2178 га, енгил саноат 2673 га, озиқ-овқат саноати 5052 га, химия ва нефть саноати 699 га, автомобиль ишлаб чиқариш 197 мингтага, трактор ишлаб чиқариш 2,5 мингтага, тракторга оид культиваторлар ишлаб чиқариш 1,8 мингтага, тракторга оид прицеплар ишлаб чиқариш 1,2 мингтага етказилган. Биз бунда саноат ишлаб чиқаришига оид асосий умумлашмаларни кўрсатдик, холос.¹

Ўзбекистон Республикаси мустақил цивилизация – мамлакат сифатида маънавий – маданий негизлари – ахлоқий, эстетик бирликларига, виждон эркинлигининг кафолатланганлигига, фан, таълим–тарбия ва оммавий ахборот воситалари тизимлари бирликларига ҳам эгадир. 2008 йилги маълумотлар бўйича, мамлакатимизда болалар боғчалари 6318 та, умумтаълим мактаблари 9792 та, ўрта махсус ўқув юртлари 1334 та, олий ўқув юртлари 62 тани ташкил этди. Олий ўқув юртларидаги талабалар сони 297,9 минг кишига етган. Аспирант ва тадқиқотчи тайёрловчи муассасалар 148 тани ташкил этди. Кутубхонлар 1650 та, жумладан, шаҳарларда 941 тани, қишлоқ жойларда 709 тани, театрлар 42 тани, музейлар 101 тани, цирклар 2 тани, дам олиш масканлари, санаторийлар 260 тани ташкил этмоқда. Кўплаб газета ва журналлар чоп этилмоқда.²

Ушбу ижтимоий, моддий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий маданиятларнинг бир-бирлари билан узвий алоқадорликлари, яъни функционал ҳолатларига кўра корреляцион-функционал боғланишлари – бирликлари ўз ижтимоий – тарихий яхлитлиги ва жараёнларига эга мамлакат – Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос йўлдан бораётган цивилизация деб эътироф этишга имкон беради. Ўзбекистон - кўп миллатли мамлакат. Ўзбекистон дунёвий ва умуминсоний қадриятларга содиқ давлатдир. Ўзбекистон аграр индустриал мамлакат. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва

¹ Қаранг: Ўша ерда. – Б.91-105.

² Қаранг: Ўша ерда. – Б.63-70; 77-83; 175-178.

фукаролик жамияти, шаклланётган мамлакат. Ўзбекистон айна - вақтда миллий-маънавий қадриятларга эга мамлакат. Демак, мамлакатмиздаги 27 миллиондан зиёд аҳоли қуёшли табиий заминга мувофиқлашган ҳолда, табиатни эъзозлаган ҳолда моддий маданият, энг аввало, хўжалик маданиятларини, жамиятнинг барча соҳалари такозо қиладиган сиёсий ва ҳуқуқий маданиятларини, жамиятнинг маънавий эҳтиёжлари турларидан келиб чиққан ҳолда умуминсоний қадриятларга мос ҳолда миллий-маънавий маданиятларини такомиллаштириб бораверади. Бу корреляцион-функционал маданий томонларнинг бирлиги Ўзбекистон Республикаси дея аталмиш мамлакат – цивилизациянинг яхлитлигини таъминлаш, мавжудлигини сақлаш учун, ривожланишини таъминлаш учун манба бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон ҳудудидаги бу маданий томонлар аҳоли ва унинг манфаатларидан келиб чиқиб яратилган моддий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий маданиятларнинг корреляцион-функционал бир бутунлиги ўзига хос субстанционал асослари эга бўлиб, улар мамлакатимизнинг яхлитлиги ва нормал эволюцион ривожланиши учун навбатдаги манба бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон аҳолиси эҳтиёжларини англаш натижаси сифатида Юртбошимиз И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг ўзига хос ривожланиш йўли ва тараққиётининг ўзбек модели мамлакатимизнинг дахлсизлиги, барқарорлиги ва субстанционал нормал эволюцион маданиятли ривожланишининг ўқ илдизини ташкил этади.

Учинчи бобни яқунлаб қуйидаги хулосаларни илгари суриш мумкин:

1. Табиат ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг замини ҳисобланади. Географик шароитга боғлиқ ҳолда турли мамлакатлар турли йўлларда шаклланган. Инсоннинг биологик мавжудотлиги ва демографик жараёнлар ҳам ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг табиий заминига киради. Жамиятнинг табиатга таъсири бўйича бу ҳолат экомаданиятни ташкил этиб, унинг ҳам ўзига хос субстанционал қонунлари мавжуддир. Цивилизацияларнинг нормал ривожланиши ёки экинқирозлар

туфайли цивилизацияларнинг йўқ бўлиб кетиши эҳтимолининг манбаини экомаданиятдан изламоқ керак.

2. «Цивилизация» лотинчадан фуқароликка оид ва давлатга оид деган маъноларни англатиб, унинг негизини маданий борлиқ типлари ташкил этади. У умумийлик маъносида жамият, хусусийлик маъносида ижтимоий формациялар – тарихий даврлар ва алоҳидалик холида мамлакатлар маъносида ишлатилади. Шу маънода цивилизациялар ижтимоий - тарихий яхлитлик ва унинг жараёнларининг шаклидир. Мазкур ёндашиш назарий жиҳатдан ижтимоий жараёнлар тўғрисида холисона мантиқий хулосалар чиқаришга, амалий жиҳатдан эса ҳар бир мамлакатнинг истиқболларини белгилашга имкон беради.

3. Ўзбекистон ҳудудида ҳам ўзига хосликлари билан ажралиб турадиган кўплаб цивилизациялар – мамлакатлар мавжуд бўлиб келди. Ўзбекистон Республикаси ҳам ўз маданий борлиғига эга бўлиб, унинг томонларининг ўзаро алоқадорликлари «ўзбек модели» кўринишида мамлакатнинг корреляцион-функционал яхлитлигини, субстанционал қонунлари эса мамлакатнинг субстанционал яхлитлиги ва жараёнларини белгилаб бермоқда.

ХУЛОСА

Диссертацияда ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларни тадқиқ қилиш мобайнида назарий манба вазифасини ўтайдиган қуйидаги ижтимоий фалсафий – методологик хулосаларга келинди ва шу асосда фалсафа фанини ўқитиш мобайнида қатор тадбирларни амалга оширишни зарур, деб ҳисобланди:

1. Барча ижтимоий фанлар ижтимоий билишнинг назарий шакллари дир. Шунинг учун ижтимоий фалсафа ижтимоий фалсафий билиш сифатида ижтимоий билиш тизимида ижтимоий билишнинг бошқа турларига нисбатан дунёқараш ва методологик функцияларни бажаради. Жамиятнинг тарихан жараёнлари билан яхлитлигини келтириб чиқарувчи томон ва боғланишларни фақат ижтимоий-фалсафий билиш ёрдамида аниқлаш мумкин. ижтимоий-тарихий яхлитлик ижтимоий фалсафанинг синкретик масалаларидандир. Чунки бу муаммо ижтимоий фалсафанинг предметини, жумладан жамият ривожланишининг умумий қонунлари тўғрисидаги таълимот – ижтимоий диалектикани янгича тушуниш доирасида қайта кўриш чиқишни тақозо этади. Чунки умумижтимоий қонунларсиз жамиятнинг тарихан яхлитлигини ҳам, унинг жараёнларини ҳам илмий изоҳлаб бўлмайди.

2. Ижтимоий фалсафанинг масалаларини эскича тушуниш – тарихни материалистик тушунишдан воз кечиб, янгича тушунишлар, жумладан, Юртбошимиз И.А.Каримов аъмоли билан боғлиқ ҳолда шаклланётган тушуниш – тарихни диалектик - маданий тушуниш ва унинг пировард мақсади – цивилизациян ёндашишга таяниш лозим, деб ўйлаймиз. Шунинг учун фалсафа ва ижтимоий фалсафа фанларининг тузилишини қайта кўриб чиқиш лозимдир. Фалсафа фанининг «диалектика» қисмини чуқур ўрганиш жамият мавжудлиги ва ривожланишининг механизмини, манбаини, йўналишларини, моҳиятини ва унинг намоён бўлишларини, таркибий ва детерминацион ўзгаришларини таҳлил қилишга ёрдам беради.

3. Фалсафа фани дастурини «Фалсафа» ва «Ижтимоий фалсафа» фанлари тарзида икки босқич (семестр)га мўлжаллаб тузган ҳолда, **фалсафа фани** мундарижасини қуйидагича тузишни тавсия этамиз:

Кириш қисми.

1. Фалсафа фани предмети ва унинг жамиятдаги ўрни.

I. Фалсафа тарихи.

2. Қадимги давр ва ўрта асрлар фалсафаси.

3. Марказий Осиё ҳудудида фалсафий таълимотлар тараққиётининг асосий босқичлари.

4. Янги ва энг янги давр фалсафаси.

II. Фалсафий онтология.

5. Борлиқ фалсафаси.

6. Онг фалсафаси.

III. Диалектика.

7. Диалектиканинг асосий қонунлари.

8. Диалектиканинг асосий категориялари (муҳим қонунлари).

IV. Гносеология.

9. Билиш ва қадриятлар фалсафаси.

10. Илмий билишнинг шакл ва методлари.

4. «**Ижтимоий фалсафа**» фанини ўқитишни эса қуйидаги мундарижа асосида тартибга солиш лозимки, бу ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларни, хусусан жамиятимиз барқарорлиги қонуниятларини билишни кучайтиради:

1. Ижтимоий фалсафа предмети. Жамиятнинг тузилиши ва маданият фалсафаси.

2. Жамият фалсафаси: умумижтимоий қонунлар.

3. Жамиятнинг ижтимоий ҳаёти фалсафаси: инсон ва унинг бирликлари.

4. Жамиятнинг моддий ҳаёти фалсафаси.

5. Жамиятнинг сиёсий ҳаёти фалсафаси.

6. Жамиятнинг ҳуқуқий ҳаёти фалсафаси.

7. Жамиятнинг маънавий ҳаёти фалсафаси.

8. Глобал муаммолар фалсафаси.

5. Дунёқарашлар ижтимоий–тарихий яхлитлик ва жараёнларни билишнинг манбаи бўлиб келган. Дунёқараш эса воқелик, жумладан, ижтимоий воқеликни тушунишлар асосида шаклланади. Афсонавий, идеалистик, материалистик ва метафизик, диалектик каби тушунишлар асосида афсонавий-мифологик, афсонавий дунёқарашлар, идеалистик, механистик-материалистик, диалектик материалистик каби фалсафий дунёқарашлар шаклланган. Тарихни материалистик тушуниш, яъни жамиятни диалектик материалистик тушуниш асосида шаклланган ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнлар тўғрисидаги таълимотларни тўла маънода илмий деб бўлмади. Чунки ҳар қандай ўзгаришларнинг негизида маданийлик ётади. Шунингдек, ижтимоий ҳаёт соҳаларининг негизларини ташкил қилувчи инсон ва унинг бирликлари, моддий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий маданиятларнинг бир-бирлари билан боғланишларидан корреляцион-функционал қонунлар, яна шунингдек, жамият ўзаги – маданий борлиқнинг тизим ташкил этувчи субстанционал қонунларидан ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг келиб чиқиши эскича тушунишлар доираларида берилмаган.

6. Ҳайвон табиатнинг тайёр буюмларини ўзлаштиради, инсон эса ўз ризқини унга ишлов бериб топади. Жамият табиатдан воқеликка ишлов бериш орқали ва ушбу ишлов бериб яратилган борлиқ – маданий борлиқни яратиш орқали ажралиб чиққан. Маданият, яъни маданий борлиқ жамият ўзаги сифатида тўртта қисмдан иборат: инсон ва унинг бирликлари, моддий маданият, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятлар, маънавий маданият ва унинг турлари. Улар негизида ижтимоий ҳаёт соҳалари – жамиятнинг ижтимоий борлиғи, жамиятнинг моддий ҳаёти, жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий ҳаётлари соҳаси ва жамиятнинг маънавий ҳаёти соҳалари келиб чиққан. Ижтимоий -

фалсафий билишда биринчи навбатдаги ушбу тамойилларга таяниш ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларни илмий билишга имкон беради.

7. Яхлитликнинг соф органик типини жамиятни билишга қўллаш биологик детерминизмга олиб боради. Ижтимоий ҳаёт соҳаларининг маданий қисмлари бир-бирларини тақозо қилади, яъни корреляцион алоқадорликда бўлади, жамият мазмунини ташкил этади, бу билан ижтимоий - тарихий яхлитликнинг ташкиллашган – мақсадга мувофиқлик типи ташкил топади.

8. Жамият ўзаги – маданий борлиқнинг асосий таркибий қисмлари функционал ҳолатларига кўра бир-бирларига нисбатан барқарор, зарурий, асосий боғланишлар – қонуниятлар тусини олади. Инсон ва унинг бирликлари жамият ўзаги – маданий борлиқнинг ижтимоий асос қонунини, моддий маданият моддий асос қонунини, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятлар бошқариб турувчилик ва тартибга солиб турувчилик қонунларини, маънавий маданият маънавий асос қонунларини бажаради. Уларнинг бу боғланишларидан, бирликларидан цивилизациялар – мамлакатлар кўринишларидаги ижтимоий - тарихий яхлитлик ва унинг ички табиатига хос жараёнлар келиб чиқади. Шунинг учун жамият ўзаги – маданий борлиқ томонларининг корреляцион-функционал қонуниятли бирлиги ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларининг биринчи тартибдаги манбаидир.

9. Жамият ўзаги – маданий борлиқнинг тўртала томонлари – инсон ва унинг бирликлари, моддий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий маданиятларнинг тизим ташкил этувчи субстанционал элементлари мавжуд бўлиб, уларнинг генетик кетма-кет боғланишларидан жамият ўзагиси – маданий борлиқнинг субстанционал бир-бутунлиги қонуни келиб чиқади. Худди шу субстанционал қонун ижтимоий фалсафий билишда ижтимоий-тарихий яхлитликнинг навбатдаги манба ва замини ҳисобланади.

10. Жамият ўзаги – маданий борлиқнинг тизим ташкил этувчи субстанционал элементларининг узлуксиз бир-бириларини келтириб чиқаришлари ва таъминлашларидан маданий борлиқнинг субстанционал илгарилама доиравий айланиш қонуни келиб чиқади. Ушбу қонун асосида

ижтимоий - тарихий яхлитликка хос жараёнлар ва уларнинг йўналишлари юз беради. Бу қонун ҳам ижтимоий фалсафий билишда ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг манбаини ташкил этади.

11. Инсон ва унинг бирликларининг эҳтиёжлари доимо ўзгаришда. Ундан эҳтиёжнинг ошиб бориши қонуни келиб чиқади. Бу субстанционал қонун ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг йўналишларини ташкил этади. ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг циклик, чизиқли, занжирсимон, эгри - бугри тарзда юз бериши улардаги ворисийлик, эволюцион ёки зудлик билан юз берадиган ўзгаришлар, жараёнларнинг йўналганлиги негизида ушбу субстанционал қонун ётади. Ижтимоий фалсафий билишда мазкур субстанционал қонунлар ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг иккинчи тартибдаги, аммо янада чуқурлашган моҳиятли, ижтимоий - тарихий яхлитликни тизим ҳолига келтирувчи заминлари эканлигини ҳисобга олиш муҳимдир.

12. Ижтимоий - тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг манбаи жамиятнинг корреляцион-функционал ва субстанционал қонунларининг нормал амал қилиши ва ривожланишида экан, улар биринчидан, ижтимоий асослари, яъни субъектларига кўра ва иккинчидан, амал қилиш (функционал) ҳолатларига кўра бирликдадир. Корреляцион-функционал қонунлар жамиятнинг яхлитлиги ва жараёнларининг мазмунини, субстанционал қонунлар эса унинг моҳиятини ташкил этади. Бу умумижтимоий қонунлар ўртасида ушбу бирлик бўлмаса, ижтимоий-тарихий яхлитлик келиб чиқмайди, ички барқарорлик қарор топмайди, тарихий жараёнларнинг муайян оқими ва давомийлиги юз бермайди. Корреляцион-функционал ва субстанционал қонунларни биргаликда олиб қараш муайян ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларни илмий билишда ижтимоий-фалсафий методологик ролини ўйнайди.

13. Агар ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг ўзаро диалектик алоқадорликларини олиб қарасак, ижтимоий-тарихий яхлитлик, биринчидан, ўз жараёнлари томонидан шаклланади, мустаҳкамланади ва

такомиллашади, ва аксинча, ижтимоий-тарихий яхлитлик ўз жараёнларининг функционал ҳолатларини таъминлайди. Эски ижтимоий-тарихий яхлитлик ичида янги ижтимоий-тарихий яхлитлик ўз жараёнлари билан, энг аввало, куртак ҳолида шаклланар экан, эски ижтимоий-тарихий яхлитликнинг муҳим томонларини сақлаб қолади, ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг бир-бирларига ўтишида тарихий ворисийлик юз беради. ижтимоий-тарихий яхлитлик нисбатан барқарордир. ижтимоий–тарихий жараёнлар доимо ҳаракатда. Жараённинг ўзи ҳаракатдир. ижтимоий–тарихий жараёнлар муайян шароит бўлганда ижтимоий - тарихий яхлитликка олиб боради. ижтимоий - тарихийжараёнлар шароит билан биргаликда воқелик сифатида намоён бўлади. Ижтимоий-тарихий яхлитликнинг имкониятидан воқеликка айланиши ижтимоий–тарихий жараёнлар асосида муайян шароитда юз беради. Ижтимоий – тарихий жараёнлар ижтимоий-тарихий яхлитликнинг имконияти сифатида воқеавий ижтимоий-тарихий яхлитликни белгилайди.

14. Ижтимоий–тарихий яхлитликларнинг иккинчиси биринчисини инкор этиши ижтимоий–тарихий жараёнлар асосида юз берар экан, бу ҳолатлар ички ва ташқи инкорлар тарзида юз бериши мумкин. Ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг бир-бутунлиги цивилизациялар–мамлакатларни ташкил этади. Ижтимоий–тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг бир-бутунлигининг хилма-хиллиги цивилизацияларнинг хилма-хиллигини ташкил этади. Цивилизациялар ижтимоий–тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг конкрет намоён бўлишидир.

15. Табиат ижтимоий борлиқ, яъни жамият ва унинг ижтимоий–тарихий яхлитлиги ва жараёнларнинг замини ҳисобланади. Географик шароитга ихтисослашган ҳолда турли мамлакатлар турли йўлларда шаклланган. Инсоннинг биологик мавжудотлиги унинг ижтимоий мавжудлигининг табиий заминига киради. Демографик жараёнлар ҳам жамият мавжудлиги ва ривожланишига табиий заминнинг таркибий қисми сифатида кучли таъсир этади. Жамиятнинг табиатга таъсири ва унинг натижалари экомаданиятни ва унинг майдони бўлган экоҳаётни ташкил

этадики, бу ҳолат экомаданиятнинг моддий маданиятнинг таркибий қисми сифатида ўзига хос субстанционал қонунлари борлигини англатади. Жамият табиат билан экомаданият орқали боғланган. Нормал табиий шароитлар цивилизацияларнинг ривожига ижобий таъсир қилгани каби, табиий ёки инсонлар томонидан юзага келтирилган экоинқирозлар цивилизацияларни йўқ қилиб юбориши мумкин. Экоинқирозларни бартараф этиш, биринчидан, мустақиллик асосида, иккинчидан, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик қилиш асосида амалга ошади.

16. «Цивилизация» лотинчадан фуқароликка оид ва давлатга оид деган маъноларни беради. Унинг негизини маданий борлиқ типлари ташкил этиб, у умумийлик маъносида жамият, хусусийлик маъносида ижтимоий формациялар – тарихий даврлар ва алоҳидалик ҳолида мамлакатлар маъносида ишлатилади. Ижтимоий - тарихий яхлитлик ва ундаги жараёнлар алоҳидаликлари орқали аниқланади. Шу маънода цивилизациялар ижтимоий -тарихий яхлитлик ва унинг жараёнларининг шакли сифатида намоён бўлади. Мазкур тарихий ёндашиш назарий жиҳатдан ижтимоий жараёнлар тўғрисида ҳолисона мантиқий хулосалар чиқаришга имкон беради. Амалий жиҳатдан эса ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос истиқболларини белгилашга, ижтимоий тизим шаҳобчаларини такомиллаштиришга ёрдам беради.

17. Ўзбекистон ҳудудида ҳам қадимги давр, ўрта асрлар, янги даврда кўплаб ўзига хосликлари билан ажралиб турадиган цивилизациялар – мамлакатлар мавжуд бўлиб келди. Ҳозирги мустақил Ўзбекистон Республикаси ўз ижтимоий асоси – халқига, бу халқ такомиллаштираётган моддий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий маданиятларига эга бўлиб, бу маданий томонлар бир-бирлари билан тақозоланган ҳолда мамлакатнинг корреляцион-функционал яхлитлигини таъминлаб келмоқда. Бу ўзига хос маданий борлиқ типининг субстанционал элементлари даражалари ва қонунларидан мамлакатнинг субстанционал яхлитлиги ва бу яхлитликка хос жараёнлар келиб чиқмоқда ва амал қилмоқда. Бу корреляцион-функционал ва

субстанционал яхлитликнинг ўқ илдизини эса ўзига хос ва ўзига мос бўлган «ўзбек модели» ташкил этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва таррақиёт йўли. –Т.: «Ўзбекистон»,1992.-Б.8-10, 23.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли.-Т.: «Ўзбекистон», 1993.-Б.4.
3. 3.Каримов И.А. Йўлимиз – мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўли. Т.: «Ўзбекистон», 1994. –38 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари.- Т.: «Ўзбекистон», 1995.-Б.10.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. – Б.114,139-140,144.
6. Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларнинг чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари.-Т.: «Ўзбекистон»,1996.-Б.3.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997. – Б.112-116, 124, 211.
8. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. -30 б.
9. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустақил иродасига ишонаман. // «Фидокор» газетаси, 2000 йил 8 июль. – Б.2.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги боқичида. – Т.: «Ўзбекистон», 2005. –Б.21.
11. Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2007. –48 б.

12. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Ўзбекистон», 2008. –174 б.
13. Каримов И. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этиш йўллари ва чоралари. –Т.: «Ўзбекистон», 2009. –Б.56.
14. Каримов И. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятни барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. -32б.
15. Каримов И. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. -80б.
16. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон»,2009.-36б.
17. Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами.1-қисм. – Т.: «Шарқ», 2001.-672б.
18. Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами.2-қисм. – Т.: «Шарқ», 2003.-752б. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни// Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т. «Шарқ», 1997. – Б.20-29.
19. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури// Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т. «Шарқ», 1997. – Б.31-61.
20. Узбекистан в цифрах 2009. Статистический сборник. Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике. – Т.,2009. – С.16-18.

3.Махсус адабиётлар:

21. Абдиев Р.Ф. Философия информационной цивилизации. – М., 1994.
22. Абдурахмонов Ф. Мустақиллик ва миллий манфаатлар. – Т.: Фан.1994.
Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш лаззати. – Т.: «Маънавият»,2001. -112б.
23. Андрушенков В.П. Исторический материализм и категория культуры.- Новосибирск, 1983. 26-бет.

24. Артыкходжаев М.А. Социальная активность народа в историческом процессе. Т.: «Ўзбекистон», 1992.
25. Афанасьев В.Г. Системность и общество.-М.: «Политиздат», 1980.
26. Бабаев Б.Ж. Диалектика эмпирического и теоретического а социальном познании. Т.: «Ўзбекистон», 1991.
27. Барг М.А. Категории и методы исторической науки. –М., 1984.
28. Барулин В.С. Социальная философия. Учебник.-М.: Фаир-Пресс, 1999.- 560с.
29. Барулин В.С. Диалектика сфер общественной жизни.-М.: Изд-во Московского Университета, 1982.
30. Боголюбова Е.В. Культура и общество: вопросы истории и теории.- М., 1978.
31. Бродель.Ф. Что такое Франция? Том I. Ч.1. – М., 1995. – С.7.
32. Гречко П.К. Концептуальные модели истории. М.: «Логос», 1995.
33. Губман Б.Л. Смысл истории: Очерки современных западных концепций. – М.: «Наука», 1991. – С.13.
34. Давидович В.Е., Жданов Ю.А. Сущность культуры.- Ростов /Д., 1979.
35. Дьяков В.А. Методологии истории в прошлом и настоящем. –М., 1974. - 190с.
36. Жалолов А. Мустақиллик маъсулияти.-Т.: «Ўзбекистон»1996.
37. Жуков Е.М. Очерки методологии истории. –М., 1980.
38. Жумаев Р. Политическая жизнь Республики Узбекистан: становление и развитие. – Т.: ФАН,1996.
39. Жўраев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: миллий истиқлол даври: 11-синф ўқувчилари учун дарслик. – Т.: «Шарқ», 1998. – Б.12.
40. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Т.: «Маънавият», 2008. – Б. 186 – 187.
41. Зворикин А.А. Определение культуры и место материальной культуры в общей культуре. – М., 1964; Очерки по историческому материализму. – М., 1981.

42. Злобин Н.С. Культура и общественный процесс.-М., 1980.
43. Ивин А.И. Философия истории. Учебник пособие.-М.: Гардарики, 2000.- 525с.
44. Иовчук Т.М., Когон Л.Н. Советская социалистическая культура: исторический опыт и современные проблемы.-М.,1979.
45. Искандаров Б. Ўрта Осиёда фалсафий ва ижтимоий – сиёсий фикрнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан лавҳалар. – Т.: «Ўзбекистон», 1993. – Б.8.
46. Кейзеров Н.М. Политическая правовая культура (Методологические проблемы).-М., 1983. 35-бет.
47. Келле Ж., Ковальзон М.Я. Теория и история (проблемы теории исторического процесса).-М.: «Политиздат», 1981.-С.288.
48. Кемеров В.Е. Введение в социальную философию. Учебное пособие для гуманитарных вузов. – М.: Аспект пресс, 1996. – С.122-123, 215.
49. Коган Л.Н., Вишневский Ю.Р. Очерки теории социалистической культуры.- Свердловск, 1972.
50. Конрад Н.И. О смысле истории// Запад и Восток. – М., 1972. – С.454.
51. Крапивенский С.Э. Социальная философия учебник. – М.: Гуманит. Изд.центр ВЛАДОС,1998.-416с.
52. Кузьмин В.П. Принцип системности в теории и методологии К. Маркса.- М.: «Политиздат», 1980.
53. Латина М.В. Взаимосвязь основных сфер развитого социалистического общества. –М.: «Знание»,1983.
54. Маркарян Э.С. О генезисе человеческой деятельности и культуры. – Ереван, 1971.
55. Маркарян Э.С. Теория культуры и современная наука / логика – методологический анализ /.-М., 1983.
56. Маркарян. Э.С. Очерки теории культуры. –Ереван, 1969; Соколов Э.Ю. Культуры и личность. – Л., 1972.

57. Марксистско-ленинская теория исторического процесса. – М.: «Наука», 1981. – 463 с.
58. Миронов В.В. Философия. Учебник. – М.: «Проспект», 1988. – С.174.
59. Момджян К.Х. Введение в социальную философию. Учебник пособие. – М.: Высшая школа Университет, 1997.-447с.
60. Назаров Қ. Билиш фалсафаси. – Т.: «Университет», 2005. – 338б.
61. Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси (аксиология). – Т.: Файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2004. – Б.152.
62. Никитченко Сущность и явление в соотношении с другими категориями. – Т.: «Узбекистан». 1982, -240с.
63. Овчинников В.С. Мировоззрение как явление духовной жизни общества. – Л.: «Изд-во ЛГУ», 1978.-100с.
64. Одилқориев Х.Т., Гоипназаров Ш.Ф. Сиёсий маданият.-Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 2004.-Б.9.
65. Основы философии: Учебное пособие. –Т.: «Ўзбекистон», 1998.-414с.
66. Отамуратов С. Миллий ривожланиш фалсафаси. – Т.: «Академия», 2005.-368б.
67. Отамуратов С. Национальная культура и национальное самосознание в процессе обновление общества. – Т.: 1992.
68. Очерки социальной философии. Учебник пособие. // Под.ред. К.С.Пигрова.СПб. Издательство СПб.,1998.-292с.
69. Печчеи А. Человеческие качество. – М.: 1985.
70. Проблемы социалистической культуры: научно-аналитический обзор.- М., 1981.
71. Пўлатов Ҳ. Сизни яхши кўрар эдим одамлар. – Т.: «Фан», 1994.
72. Ракитов А.И. Историческое познание (системно-гносеологический подход). – М.: «Политиздат», 1992.
73. Раматов Ж. Гипотеза и прогноз социальном познании. – Т.: «Ўзбекистон», 1991.

74. Рустамбоев М.Х, Абдухолиқов С.О. Ҳуқуқ методологияси: тарих ва ҳуқуқни диалектик - маданий тушуниш асослари (виждон эркинлиги ва жиноят ҳуқуқи фани материаллари асосида). 2-китоб. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.
75. Рустамбоев М.Х., Абдухолиқов С.О. Ҳуқуқ методологияси: ҳуқуқни фалсафий тушуниш бўйича изланишлар (сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи, жиноят ҳуқуқи фанлари ва виждон эркинлиги ҳуқуқи асосида). 1-китоб. Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.
76. Степанов Н.П. Система диалектика природы и общества: концептуальные основы и объективные основания. – М.: «Прогресс»,2002.-84с.
77. Туленов Ж. Диалектика назарияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2001. – Б.106.
78. Туленов Ж. Ҳаёт фалсафаси. – Т.: «Ўзбекистон», 1993. – 319б.
79. Туленова К. Предвидение и реальность. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 1998.
80. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-том. – М.: «Рус тили» нашриёти, 1981.- 632б.
81. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 – том. – М.: «Рус тили» нашриёти, 1981. – Б.598.
82. Ўзбекистон янги тарихи.К.2. Ўзбекистон совет мусатмлақчилиги даврида. – Т.: «Шарқ», 2000. – Б.668-670.
83. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи.-Т.: «Шарқ», 2000.-Б.7.
84. Файзуллаев О.Ф. Фалсафа ва фанлар методологияси . – Т.: ЎЗР ФА Ф ва ҳ. институти, 2006.
85. Фалсафа: (Ўқув қўлланма). // Э.Юсуповнинг умумий таҳрири остида.-Т.: «Шарқ»,1999.-494б.
86. Фалсафа: қомусий луғат. – Т.: «Шарқ», 2004. – Б.123.
87. Фалсафа: маърузалар матни (Назаров Қ. ва бошқ.) – Т.: ЎАЖКНТ маркази, 2000. – Б. 237 – 244.

88. Философия истории. Учебник пособие.// Ред.проф. А.С.Панарин. –М.: Гардарики,2001.-432с.
89. Философия: Учебник для студентов высших учебных заведений. – Ростов/Д.: «Феникс», 1999. – С.312-313.
90. Хайдаров Х.Ф. Исторический закон в структуре социального познания и управления. – Т.: «Фан», 1994. – 225с.
91. Чесноков Д.И. Исторический материализм.-М., 1965. 346-бет; Атеистический словарь.-М., 1984. 225-бет.
92. Шаповалов В.Ф. Основы философии. От классики к современности. Учебное пособие. – М.: ФАИР – ПРЕСС,2001.-608с.
93. Шермухамедов С.Ш. Некоторые вопросы теории и практики развития социалистической культуры. – Т.: «Ўзбекистон», 1980.
94. Шермухамедов С.Ш. Расцвет и сближение национальных культур народов СССР. –М.: «Мысль», 1974.
95. Шермухаммедова Н.А. Гносеология. – Т.: ЎФТЖ,2007. – 380б.
96. Шермухаммедова Н.А. Фалсафа ва фан методологияси. – Т.: «Университет», 2005.
97. Юсупов Э. Мустақил тараққиётимизнинг дастлабки қадамлари. -Т.: Республика маънавият ва маърифат жамоатчилиги маркази. 1991. -19б.
98. Юсупов Э. Фалсафага янгича ёндашиш – давр талаби. –Т.: «Университет», 1998. -59б.

Илмий адабиёт

Бозор ТУРДИБОЕВ

**ИЖТИМОЙ-ТАРИХИЙ ЯХЛИТЛИК ВА
ЖАРАЁНЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ
БИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Мухаррир **Қ. Шониёлов**
Мусахҳиҳ **Р. Қодиров**
Расом **У. Солиҳов**
Саҳифаловчи **Н. Комилов**



Турдибоев Бозор Худойбердиевич

1964 йил Сурхондарё вилояти Шеробод туманининг Бешкўтон китлоғида тугилган. Ҳозирги пайтда Термиз давлат унiversитети фалсафа кафедрасининг катта ўқитувчиси ҳамда фуқаролик жамияти шаклланишининг мониторинг қилиш мустиқия институти Сурхондарё худудий бўлимаси катта мутахассиси сифатида фаолият юрйтиб келмоқда. Фалсафий ва тарихий мавзуларда 20 га яқин илмий мақолалари чоп этилган.

